

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 792.072

КАРИМБОЕВА НИГОРА АБДУРАҲМОНОВНА

Замонавий ўзбек кино санъатида актёрлик маҳорати

5А150301-“Драма театри ва кино актёрлиги”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар: Сан. ф. д., профессор Ж. Тешабоев

ТОШКЕНТ – 2014 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Кино санъатининг ривожланиш босқичлари	
1. Кино санъатининг жанр хусусиятлари.....	15
2. Ўзбек кино санъати намоёндалари.....	31
I -боб бўйича хулоса.....	50
II боб. Замонавий ўзбек киносига бадиий образ яратиш	
1. Театр актёрининг кино санъатидаги ўрни.....	51
2. Сурат ва сийрат: Лола Элтоева ижроси талқини.....	70
3. Ёш актёрларнинг кино санъатидаги фаолияти.....	81
II боб бўйича хулоса.....	99
III боб. Кино санъатида миллий ғоялар тарғиботи	
1. Замонавий ўзбек кино санъатининг бугунги кундаги аҳамияти	100
III боб бўйича хулоса.....	104
Хулоса.....	106
Адабиётлар рўйхати.....	110

КИРИШ

“Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”.

И.А. Каримов

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Истиқлол яратиб берган кенг шарт-шароитлар туфайли ўзбек санъати, шу жумладан, кино санъатимиз тез суръатда ривожланиб кетди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 16 мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 3407-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сонли қарорига мувофиқ “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг ташкил этилиши ҳам бу соҳанинг ҳар томонлама кенг ривожланиш йўллариини белгилаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Мустақилликни қўлга киритган Ватанимиз ўтган йигирма уч йиллик давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, барча соҳаларда босқичма-босқич ривожланиш йўлидан бормоқда. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишида миллий санъатнинг ҳам ўзига хос аҳамияти салмоқли эканлиги шубҳасиздир.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган халқимизнинг маънавий мероси, миллий кадриятларини халқимиз онгига сингдиришда кино санъатининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам санъат – маънавият, маданият, ўтмиш, ахлоқ деган тушунчаларнинг тарғиботида кучли восита бўлиб келди. Санъатга муҳаббати кучли бўлган халқимиз бу восита билан келажак авлодни тарбиялаб келганлиги тарихдан маълум. Чунки санъатда мўъжизалар яратилади, унинг илоҳий қудрати билан кишилар қалбини тўлқинлантириш, ҳайратга солиш мумкин бўлади. Бунинг натижасида инсон руҳияти камол топади.

Юртбошимизнинг таъкидлашича, “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди¹”. Дарҳақиқат, маънавият – миллат қиёфаси деб бежиз айтилмаган. Президентимиз Ислом Каримов юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш сиёсатини юритмоқда. Бу эзгу ниятга етиш учун эса, энг аввало, аҳолининг маънавий-маърифий, маданий савиясини ошириш кераклиги ҳақида ислохотлар олиб борилмоқда. Театр, кино, мусика соҳаларини ривожлантиришга бўлган эътибор ижодкорларни сидқидилдан, жамият равнақи учун хизмат қилишга ундайди.

Аслида, жамият тараққиётини санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки инсон жамиятдан ташқарида яшай олмаганидек, санъатсиз ҳам яшай олмайди. Шу сабабли ҳам санъат ҳар бир давлатнинг, миллатнинг мафкурасида асосий ва таъсирчан восита сифатида хизмат қилади. Бошқа томондан олиб қаралганда, санъат фақат мафкуравий “қурол” эмас, у эркин ижод намунаси. Зеро, санъат инсоннинг руҳий покланиши, маънавий дунёси бойиши, бадиий-эстетик завқланиши учун хизмат қилади. Қолаверса, санъат асарлари ўзликни англашга, жамиятни ўйлашга, эртани аниқлаб олишга, керак бўлса уни ўзгартириш чораларини кўриб чиқишни таклиф қилади.

Маънавиятни тарғиб этувчи етакчи санъат турларидан бири, бу – кино санъатидир. Чунки бу санъат тури ҳар хил ёшдаги, турли касб эгаларига, яъни томошабинларга бевосита таъсир кўрсатади. Кино экранда юз бераётган воқеалар ҳамда томошабин ўртасидаги маънавий кўприк вазифасини ўтаган ҳолда икки томонлама таъсир кучи билан экранда қаҳрамонлар қиёфасини гавдалантираётган ҳар бир актёрга ва уларнинг ҳаракатларини кузатиб турган томошабинларга руҳий озуқа беради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 81.

“Кинонинг пайдо бўлишига бир қатор кашфиётлар ҳам сабаб бўлди. XIX асрнинг охирларида одамлар турмушига электр қуввати кириб келди, кимё фани ривожланди, у фотография (сурат олиш)нинг пайдо бўлишига, кейинроқ эса плёнкани ихтиро қилишда (1887 йил) катта роль ўйнайди. Бўлажак кино учун Ж. Плато ихтиро этган ҳаракатланувчи расмларга эга бўлган аппарат ҳамда Эдисоннинг ҳаракатни плёнкага узатувчи аппарати муҳим аҳамият касб этди. Айни вақтда проекцион аппаратни ҳам яратиш юзасидан тажрибалар олиб борилди. Бир қанча мамлакатларда (АҚШ, Германия, Франция, Россияда) кинони кашф этиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган изланишлар олиб борилди ва асосий техникавий кашфиётлар қилинди: суратга олувчи ва кўрсатувчи (съемка ва проекцион) аппаратлар яратилди, махсус киноплёнка ишлаб чиқилди. Худди мана шу нарсалардан ихтирочи ака-ука Л. ва О. Люмьерлар (1895 йил 28 декабр) Парижда "Поезднинг келиши", "Жикка ҳўл суғорувчи", "Болани овқатлантириш" номли дастлабки фильмларни суратга олиш ва намойиш қилиш учун фойдаландилар. Ушбу кун кино санъатининг вужудга келиш куни ҳисобланади”².

Ака-ука Люмерлар кино-синематографни ихтиро қилганларидан кейин операторларнинг каттагина бир гуруҳи жаҳоннинг турли бурчакларига жўнатилди. Ана шундай эспериментаторлардан, яъни синовчилардан бири 1897 йилнинг кузида Тошкентга келган. Улар Самарқандда, Бухорода ҳам бўлганлиги тўғрисида ўша давр газеталари “Самарқанд”, “Туркестанская ведомость”да маълумот берилади.

“Туркистонда электр чироғи бўлмаганидан ленталар ацетилен ёғдуси билан намойиш қилинар, натижада талайгина ноқулайликлар вужудга келарди. 1901 йил 18 март, кеч соат 8⁰⁰ Самарқанд шаҳридаги Шердор мадрасасининг мармар тошлар билан безатилган кенг ҳовлисига мингга яқин

². Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент: “ЎзМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2009. – Б.4

киши йиғилган. Бугун бу ерда биринчи марта “ҳаракатчан фотография” – кинематография сеанси бўлади. Мана, оқ сурпдан экран ясалди ва ацетилен ёғдуси билан ишлайдиган баҳайбат аппарат ишга тушди. Аппаратдан бирданига қандайдир нур чикди-ю, оқ пардада станцияга яқинлашаётган поезд, елиб чопаётган отлар, турли шаҳар манзаралари пайдо бўла бошлади. Томошабинлар бир неча дақиқа давомидаа аллақанча воқеаларни тасвир этган ҳаракатчан фотосуратларни кўриб ҳайратда қолдилар, ўз кўзларига ишонмай, бир-бирларига таажжуб билан боқдилар...”³

Дарҳақиқат, кино санъати ўзининг жозибадорлиги, таъсирчанлиги, ҳайратомузлиги билан бошқа санъат турлари орасида алоҳида ажралиб туради. Шу боис ушбу санъат тури пайдо бўлибдики, бутун дунёда унга бўлган қизиқиш ҳамиша юқори бўлиб келган. Замонавий тараққиёт юксак даражага эришган, фан-техника ютуқлари инсоният ҳаётига шитоб билан кириб келаётган бугунги даврда ҳам кино санъатига бўлган эътибор заррача сусайгани йўқ. Бу бежиз эмас. Зотан, инсоният маънавий дунёсининг ажралмас қисмига айланиб улгурган кино санъати кишиларга ўзига хос руҳий озуқа бериб, уларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, кино санъатининг асосини синтез ташкил этади, яъни кино бошқа санъат турлари: фотография, театр, мусиқа, тасвирий санъатдан кўп нарсаларни ўзида қамраб олиб, уларни синтезлаштиради, ўз хусусиятларига бўйсундиради. Бу санъатларнинг ҳар биридан ўзининг ифода воситаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган унсурларни йиғиб олади. Кинонинг ташкил этилганига кўп бўлмаган бир пайтда, яъни 1927 йилларда ўзбек адиби, театр назариётчиси Абдурауф Фитрат ўзининг “Санъатнинг манбаи” мақоласида “Кино ҳам театр сингари олтига ажойиб санъат: рақс, адабиёт, мусиқа, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, меъморликдан келиб чиққан ёки,

³ Акбаров Х. Сехрли ёғду. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1977. – Б.4

бошқача қилиб айтганда, кино олтита қадимий ажойиб санъатнинг самарали мевасидир⁴”, деб ёзган эди.

Кино ва театрнинг синтезлашуви кўпроқ актёрлик санъати билан боғлиқ бўлиб, кинода театр актёрларидан фойдаланилган. Мезансаҳна яратишда декорация, грим, либослар театрдан кириб келди. Кино ва театр бир-бирига яқин бўлган санъат тури бўлса-да, баъзи бир жиҳатлари билан фарқланади. Лекин улар доимий равишда бир-бири билан ижодий ҳамкорлик қилиб келади.

Кинода кўплаб эса қоларли роллар яратган театр актёрларидан А.Исматов, Ш. Бурҳонов, Р. Ҳамроев, Ҳ. Умаров, Л. Саримсоқова, М. Якубова, Н. Раҳимов, Р. Пирмуҳаммедов, О. Хўжаев, П. Саидқосимов, З. Муҳаммаджоновлар кино санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар кино санъатининг арбобларига айландилар.

Кинодаги нутқ маданияти театр санъатининг таъсирини акс эттиради. Кинодаги бадиий образларнинг мукамал, бадиий яхлит, томошабоп, қизиқарли чиқиши театр актёрларидаги тажрибанинг бойлиги, мунтазам саҳнадаги қайтариқларга боғлиқ бўлган десак, муболаға бўлмайди.

Санъат ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришар экан, маънавий-амалий қиёфага эга бўлиб, уларнинг мақсад ва вазифалари, тамойил ва қоидалари, меъёр ва қадриятларини кишилар тафаккурига сингдиришда беқиёс ўринга эга. Санъат киши дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади, унинг бадиий образли тафаккури инсоният ҳаётига нафислик ва мазмун бахш этади. Яъни унинг аҳамияти ҳиссий таъсир этишда, кишиларга ибрат кўрсатиш ва тарбия беришда яққол кўринади. Кинода ҳам, театрда ҳам актёр асосий ўринда туради. У томошабинга ибрат кўрсатиш, намуна бўлиш имкониятига эга. Актёр саҳнада, экранда пайдо бўлар экан, томошабинга нимадир дейиши, эзгу

⁴ Болтабоев Х, Фитрат ва санъат назарияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998.

мақсадлар билан уни тўғри йўлга чорлаши керак. Саҳнада ёки экранда бемақсад намоён бўлган актёр ёки актриса касбига бўлган меҳр-муҳаббатни, садоқатни, масъулиятни ҳис қилмаган бўлади. Маълумки, санъатнинг энг асосий қуроли томошабинларни бадиий ҳақиқатга ишонтира олишида. Театрнинг ҳам, киновнинг ҳам асосий кучи актёр бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам актёрлардан алоҳида масъулият талаб қилинади. Тўғрироғи, актёрлик санъатининг ишонтириш ҳақиқати бадиий жиҳатдан ўн чандон кучли ва ифодали эканлиги табиий бир ҳолга айланиши лозим. Бунинг учун эса, актёр ўз касбий маҳоратининг барча имкониятларини ишга солиб, санъат деган илоҳий тушунчани энг илғор томошабин савиясидан ҳам юқорига кўтариши керак. Ана шундагина томошабин бадиий юксак ижро ва етук драматик асарни кўришга муваффақ бўлади ва санъат асаридан нимадир ўрганишга интилади. Кинода театр актёрларининг роль ўйнаши кино санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган десак, янглишмаган бўламиз. Чунки профессионал актёр муаллиф томонидан берилган шарт-шароитда яшаб, ўз ички кечинмалари тажрибасидан келиб чиқиб воқеалар ривожини тасвирлаш маҳоратига эга.

Актёрлик маҳоратини ривожлантирувчи касбий фанларни ўқимаган, актёрлик маҳорати касбининг элементларини ўзлаштирмаган, профессионал бўлмаган актёрлар, ҳаваскор режиссёрлар кўйган ракурсда асар қаҳрамонларини тасвирлаб беришади, ҳолос. Театрдан малакали актёрларнинг кинога таклиф этилиши эса яратилаётган фильмнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Театр актёри ўз санъатини кинога татбиқ қилар экан, саҳна ва кинопавильондаги ижро орасидаги тафовутни ҳам сезиши керак. Партнёрни ҳис қилиш, бўрттирилган ифода воситалари: юз мимикаси, кўз қарашлардан белгиланган шарт-шароитда фойдаланиш, воқеаларни мантиқан ривожлантириш театр залидаги биринчи қатордаги ва охириги ўриндиқда ўтирган томошабинни ҳисобга олиш зарур бўлади. Шунинг ҳисобига овозни

кўтариб гапиришга тўғри келади. Театрда томошабин билан актёр бевосита жонли мулоқотда бўлади. Сахнада рўй бераётган хатти-ҳаракат, актёрларнинг ички кечинмалари томошабин кўз олдида бўлиб ўтади.

Кинода эса бу хатти-ҳаракатлар қачондир, қаердадир содир бўлиб ўтади. Актёр камера билан юзма-юз туриши сабабли худди суҳбатдоши билан гаплашаётгандек эркин ижод қилади. Киношунос профессор Ж. Тешабоев “Герой крупным планом” (Қаҳрамон йирик планда) китобида ёзганидек, киноактёрнинг ўйини ҳаётдаги кишининг реал, оддий ҳаракатларига қанчалик яқинлашса, киноматограф талабларига жавоб беришга шунчалик яқинлашади. Лекин бу нарса театр актёри ва кино актёри ижодининг муштараклигидан далолат беради. У ҳам бўлса, актёр ўз устида ва роль устида ишлаш жараёнидир⁵. Театрдан кинога таклиф этилган актёр сахнада орттирган тажрибаларидан фойдаланиб, қаҳрамонининг хатти-ҳаракатларини жонли чиқишига эришади. Афсуски, барча режиссёрлар ҳам бу анъанага риоя қилавермайди.

Ўз фильми кассабоп бўлишини таъминлаш учун тажрибали актёрлардан эмас, фильм учун ҳомийлик қилаётган айрим тадбиркорларнинг буюртмаларига қараб иш олиб боришади. Бундай узоқни ўйламай ишланган фильмлар кино оламида сон жиҳатдан кўпайиб бораётган бўлса-да, сифати бўйича талабга жавоб бермайди. Кўринадики, мулоҳазаталаб бундай масалалар, магистрлик илмий ишининг ниҳоятда *долзарблигини* кўрсатади.

Айни пайтда киносанъати билан боғлиқ қуйидаги муаммолар: кинодраматургиянинг пассивлиги; кино санъатининг саноатга айланиши; профессионал актёрлар билан ҳаваскор актёрлар ижросидаги тафовут; фильмларда ғоялар тарғиботи ва шу кабилар ҳам танланган *мавзунинг долзарблигидан* дарак беради.

⁵ Тешабоев Ж. Герой крупным планом: актери театра в узбекском кино. –Ташкент: Изд. им. Гафура Гуляма, 1972.–С.17.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Ўзбек замонавий кино санъатининг дунёга келиши ва ривожланиши, унинг актёрлик мактаби тўғрисидаги қарашлар устида шу кунгача талайгина профессорлар, олимлар, доцент ва киношунослар илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб борган. Ўзбек киносининг тараққиёт йўлини таъриф ва тавсиф қилувчи бир неча китоблар нашр этилган. Х. Абулқосимова, Ж. Тешабоев ва М. Мирзамухамедоваларнинг “Ўзбекистон киноси”, Ҳ.Ақбаровнинг “Балоғат”, “Сен севган санъат”, Ж. Тешабоевнинг “Ўзбекистоннинг кино санъати”, Б. Ҳасановнинг “Ўзбек ҳужжатли киноси» асарлари, Наби Ғаниев, Раҳим Пирмуҳамедов, Комил Ёрматов, Лутфихоним Саримсоқова, Малик Қаямов, Асад Исматов сингари қатор кино санъати арбоблари, Малик Қаямов, Комил Ёрматовнинг ҳаёт йўллари ва ижодлари ҳақидаги рисоалар шулар жумласидандир.

Ж. Тешабоев, Х. Абулқосимова, ва М. Мирзамухамедоваларнинг монографиясида ўзбек киносининг туғилишидан тортиб, Ўзбекистонда кино санъатининг юксалишига қадар ҳолатлар тадқиқ этилади. Ҳ. Ақбаровнинг китобида ўзбек киносининг овозли даври ҳақида фикр ёритилиб, киносининг «тилсиз даври»га ҳам бир қадар экскурсия қилинади. Ж. Тешабоев ўзбек киносининг тараққиёт йўли ҳақида маълумот беради. Санъатшунослик институти кино секторининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори Ҳамидулла Ақбаровнинг “Сеҳрли ёғду” китобида иккита мавзу ёритилган бўлиб, биринчиси - кино санъатининг келиб чиқиш тарихи, иккинчиси – шу санъатнинг ўша давр тажрибаси билан боғлиқ бўлган назарий муаммоли масалалар. Унда кино санъати мутахассисларига, кино соҳасида таълим олаётган режиссёр, оператор, актёрлар учун қизиқарли бўлган суҳбатлар, кинога алоқадор сафар ва учрашувлардан олинган фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Х. Абулқосимованинг “Кино санъати асослари” китобида кино санъатининг келиб чиқиш ва шаклланиш жараёнлари, унинг техник ва бадиий асослари, кино санъатининг тур ва жанрлари, тасвирий

олами, таркибий қисмлари, суратга олиш, монтаж жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилган. “Тоҳир ва Зухра”, “Навоий”, “Насриддин Бухорода” фильмлари таҳлил қилинган, буюк кино ижодкорларининг тажрибалари билан ўртоқлашиш, санъатга алоқадорлик томонлари кенг ёритилган. Кино тарихини ўрганиш учун биринчи алифбо китоб десак, адашмаган бўламиз. Кино санъати мураккаб ижодий жараён махсулидир. Ҳар бир фильм сценарий муаллифи, режиссёр, оператор, актёр, рассом ва бастакорларнинг сермашаққат ижодий меҳнати орқали юзага келади. Муҳсин Алиевнинг “Кино асослари” ўқув қўлланмасида кино санъатининг ижодий жараёни муфассал баён этилади. Кино санъатининг ёш авлод тарбиясидаги роли, унинг олдида турган муаммолар ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, қўлланмадан ўзбек кино санъатининг айрим атоқли намоёндалари ҳақида ёзилган очерклар ҳам жой олган. Тадқиқот устида ишлашда юқоридаги адабиётлар ва бошқа чет эл киношунослари, режиссёрлари китобларидан, интернет сайтлардан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти ва предмети.

Ўзбек кино санъати тарихи, шаклланиш босқичлари, кино санъатининг бугунги кундаги ўрнини ўрганишда давлат ва хусусий киностудиялар фильмларини кўриб чиқиш; кино санъатида Ўзбек миллий академик театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева ва Ўзбекистон ёшлар театри актёри Бобур Йўлдошевнинг ижодий салоҳияти, пластика, маҳорат ва изланишлари фаолиятини ўрганиш *тадқиқот объекти* қилиб олинди. *Тадқиқот предмети* эса улар ижросидаги ролларни таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

Ўзбек миллий кино санъати тарихини ўрганишдан олинган фикрларни бугунги кунга татбиқ этиш, ўзбек замонавий кино санъатида режиссёр ва актёрларнинг бугунги фаолияти мисолида, улар иштирокидаги фильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини ўрганиш, актёрларнинг пластик

махорати ҳамда ижро маҳоратидаги ютуқ ва камчиликларини илмий таҳлил қилиш мазкур магистрлик ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу магистрлик диссертацияси театр актёрининг кино санъатини ривожлантиришидаги ўрни, касбий фаолияти ҳақида илмий жиҳатдан тадқиқотлар олиб бориш ва турли мулоҳаза ва таклифлар киритилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Кино ва театр актёри Б. Йўлдошев ва актриса Л. Элтоеваларнинг кинодаги ижодий фаолиятини илмий асосда таҳлил қилиш орқали актёрлардаги янги қирраларини очиш, бошқа ёш актёр, актрисаларга намуна бўладиган сифатларини кўрсатиш магистрлик диссертациямизнинг *асосий вазифаси* ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда қуйидаги *вазифалар ҳал қилинади*:

- замонавий ўзбек кино санъатида театр актёрининг ўрни;
- замонавий фильм сценарийлари савияси, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратини илмий асосда ўрганиш;
- кинофильмларда ғоявий-бадний хусусиятларни аниқлаш.
- замонавий кино актёрлари ижро маданияти ва маҳорати;
- профессионал ўзбек кино санъатидаги ўзгаришлар;
- кино актёрларининг ижодий маҳорати бугунги кунда қай даражада эканлиги;
- Санъат ва маданият институтида кино ва театр актёрлари тайёрлаш масалалари.

Тадқиқот усули:

Ўзбек кино санъати бўйича иш олиб борган олим ва профессорлар тадқиқотларидан ўрин олган тарихий, қиёсий, илмий услубларга асосланган ҳолда танланган объектни ўрганиш, тўпланган маълумотлар асосида ҳолисона илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кино санъатини ривожлантириш билан боғлиқ қарорлари

асосида масалани таҳлил қилиш мазкур тадқиқотнинг методини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.

Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотлар, таҳлил этиш жараёнида олинган натижалар, мазкур мавзу билан қизиқадиган барча мутахассислар ва талабалар учун қўшимча ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва таркиби.

Мазкур иш Кириш, 3 боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловадан иборат.

I боб “Кино санъатининг ривожланиш босқичлари” деб номланиб иккита бўлимдан иборат. Биринчи бўлим кино санъатининг жанр хусусиятлари, бу бўлимда кино санъатининг пайдо бўлиши, жанрларга бўлиниши ва профессор-олимларнинг тажрибалари асосида, мавжуд ўқув адабиётларидан фойдаланилган ҳолда ёзилди. Иккинчи бўлимда ўзбек киноси шаклланишида хизмат қилган буюк шахсларнинг ижод йўли, илк кинофильмлар тарихи ҳақида маълумот берилди.

II боб “Замонавий ўзбек киносида бадиий образ яратиш” деб номланиб, унда миллий ва умуинсоний қадриятлар акс этган фильмлар таҳлили ўрин олган. Биринчи бўлимда театр актёрининг кинодаги функционал вазифалари, кинопинг санъат турига айланиши ва театр санъатининг кино санъати ривожига тутган ўрни ҳақида фикр юритилади.

Иккинчи бўлимда кино санъатида бадиий образ яратиш, бунда тадқиқот объекти сифатида олинган Миллий академик театр актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева ва Ўзбекистон ёшлар театри актёри Бобур Йўлдошевларнинг театр ва кино санъатида яратган бадиий образларининг қиёсий таҳлили орқали ўрганилади ва фикр-мулоҳазалар келтирилади. Учинчи бўлимда эса ёш актёрларнинг кино санъатидаги фаолияти ёритилди.

III бобда кино санъатида миллий ғоялар тарғиботи, давлат ва хусусий фильмлардаги ижодий рақобат, фильмларнинг бадиий савияси, ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз боради.

Хулоса қисмида диссертациянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, назарий фикрлар айтилади ва юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан конкрет таклифлар киритилади.

Иловада ўзбек кинофильмларидан олинган фотосуратлар жой олган.

I боб. Кино санъатининг ривожланиш босқичлари

I.1 Кино санъатининг жанр хусусиятлари

Санъат – бу улкан туйғулар оламидир. У инсоният туйғуларининг жилолари шаклида намоён бўлади. Пировардида инсон руҳини озиқлантиради, маънавий дунёсини бойитади, уни комиллик сари етаклайди. Кино санъати жуда мураккаб соҳа бўлиб, унинг тарғиботи, тадқиқи ундан-да мураккаб жараёндир. Театр, кино, радио, телевидение, рақс, тасвирий санъат, меъморлик, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъат турлари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. У ўзининг бетакрорлиги, жозибadorлиги ва ноёблиги билан кенг оммани ўзига жалб этади ва унга таъсир ўтказди. Санъатлар ичида бир санъат тури борки, у кишига маданий ҳордиқ билан бир қаторда маънавий озуқа ҳам улашади. У кишиларни кулдиради, ўйлатади, йиғлатади, ҳайратга солади. Бу санъат тури – кинодир. Кино санъатида тарих ўз аксини топади, у миллий қадриятларни англашда ўзига хос ўринга эга. Кино олами шу қадар кенг ва жозибалики, у ҳақда гапирмасликнинг иложи йўқ.

1895 йил 28 декабрни кинонинг туғилган куни деб биламиз. Ака-ука Люммерлар илк бор тасвирга туширган ленталар кенг оммага намоёиш этилганига ҳам бир асрдан ошди. Кино эртақлардаги афсонавий паҳлавонлардек кун сайин эмас, соат сайин ривожланишга кирди. Ҳамон ривожланишдан тўхтамаган бу санъат томошабинларни ҳайратга солишда давом этмоқда. Кино саноатидаги бир янгиликни ўзлаштирмай туриб бошқа янгилик кириб келмоқда.

XIX асрда кашф этилган кино санъати қисқа фурсат ичида бутун дунёни эгаллади. 1930 йилларга келиб кинога овоз кириб келди. Ушбу янгилик кинони ҳақиқий санъат даражасига кўтарди. Энди фильмлардаги қахрамонларнинг, инсоний нозик ҳис-туйғуларни, унинг ички кечинмаларини ифода қилиш воситаси пайдо бўлди. Бу эса кино саноати ривожланишини янада жадаллаштиришга хизмат қилди. Кинога овознинг кириб келиши, бу санъат турининг жозибасини, таъсирчанлигини ва

оммабоплигини оширди. Овоз тембридаги характерлилик қаҳрамонлар характерини, фаолиятини ифодалаб бериш билан кино санъатини яна бир поғонага кўтарди.

Экранда овоз пайдо бўлишининг ўзи ҳам кино санъатида катта инқилоб ҳисобланади. Янги шарт-шароитлар юзага келиши туфайли кино, бинобарин, драматургия ҳам ўзгарди. Экрандаги артистлар ижроси, табиат тасвири ҳаётий ва таъсирчан чиқа бошлади. Кадрлар бирмунча ҳаққоний гавдаланиб, чуқур мазмун ва теранлик касб этди. Аммо таъкидлаш жоизки, овозли кинога ўтиш “тинч”, осойишта ва осонлик билан рўй бермади.

XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошида кескин тортишувлар авж олади. Кўпгина машҳур экран усталари қизиққонлик билан кўп ўтмай санъат, “овозли тасвир” ҳалок бўлади, деб қаромат қилишади.

“Буюк овозсизлик” тарафдорлари овоз пайдо бўлиши билан кино образлилик, тасвирий салмоғини йўқотади, адабий тавсифлашнинг оддий қуролига айланиб қолади ва ниҳоят, таъсирчан овозсиз кино монтаж, ритм каби имкониятлардан маҳрум бўлади, дер эдилар. Икки оқим тарафдорлари фикр билдиришдан амалий ишга ўтишганларида кураш айниқса кескин тус олиб кетди. Овозли кино пайдо бўлган дастлабки йиллардаёқ айрим режиссёрлар овозсизлик анъаналаридан осонликча воз кеча олмасликлари маълум бўлиб қолди. Бу жиҳатдан 30-йиллар арафасида “поэтик” ва “прозаик” кино тарафдорлари ўртасидаги рўй берган мунозара характерлидир. Масалан, машҳур Чарли Чаплин овозли фильм яратиш тарафдори эмас эди. “У “гапирадиган кинофильм пантомима хусусиятини йўқ қилади қўяди. Ваҳоланки, бунга биз қанчадан-қанча қийинчиликлар туфайли эришган эдик. Гапирадиган фильм биз кинотехника соҳасида эришган ютуқларнинг барчасини инкор этади”, деб қайта-қайта таъкидлаган”⁶.

⁶ Акбаров Х. Сехрли ёғду. –Тошкент: Т.: Ғ. Ғулом номидаги Ад.ва санъат нашр., 1977. – Б. 33-34

1931 йилнинг 11-14 май кунлари Тошкент аҳолиси ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлади. Биринчи марта “гапирадиган” фильм кўрсатилади. Москвадан ўлкамизга келган махсус киноэкспедиция бир неча кун давомида тошкентликларга “гапирадиган, шовқин-сурон соладиган, куйлайдиган” фильм кўрсатди. Томошабиннинг кети узилмади. Талабларга биноан сеанслар такрор намоиш этилди.

Тез орада бирин-кетин фильм-концертлар, қисқа метражли “шовқин-суронли, гапирадиган, куйлайдиган” киноленталар экранларга чиқарилди. Шундай қилиб, 30 йилларда “соқов” номи билан машҳур бўлган санъат – кино бисоти яна бир сермазмун восита, рангли ва ёрқин бўёқ билан бойиди. Кино санъати дунё юзини кўрар экан, унда режиссёр ва оператор ишлари асосий ўрин тутарди. Чунки илк босқичларда асосан хужжатли фильмлар олинган. Уларда табиат, бозорлар, халқ сайиллари, меҳнат жараёнлари кўрсатилар эди. Бироқ бадиий овозли кино пайдо бўлиши билан актёр сиймоси унинг диққат марказидан жой олди. Актёрларнинг кинода жуда муҳим ўрин тутиши ўзбек киноси тарихидан маълум.

Кинога овоз кириб келганидан сўнг ёндош санъатлар вакиллари – ёзувчи ва актёрларга эҳтиёж сезилди. Улар учун ижод қилишнинг янги имконият эшиклари очилди. Инсон характери, тақдирини очадиган умуминсоний фикрлар, ғояларга бой, китобхонни ўйлантириб қўядиган, фикрлашга ундайдиган асарлар ёзадиган ёзувчи, драматург ва адиблар керак эди. Биринчи овозли фильмлар яратилаётган даврда ўзбек кино санъатига Комил Яшин, Уйғун, Зиё Саид, Ҳамид Олимжон, Иззат Султон, Абдулла Қаҳҳор каби етук қалам соҳиблари кириб келдилар. Фильмлар уларнинг асарлари асосида яратилди. Айти пайтда улар мустақил равишда киносценарийлар ҳам ёздилар, чет эл фильмларини ўзбек тилига дубляж қилишда қатнашдилар. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби буюк шахслар ижодига бағишланган сценарийлар ёзилди. Саҳна санъати заҳматкашларидан Асад Исматов, Лутфихоним Саримсоқова, Раҳим

Пирмухаммедов, Раззоқ Ҳамроев, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Марям Ёқубова, Обид Жалилов, Наби Раҳимов, Сайрам Исаева, Ғани Аъзамов, Зиқир Муҳаммаджонов каби актёрларнинг пайдо бўлиши кино санъатида жуда катта ижодий имкониятларни очиб берди. Улар “Йигит” “Асал”, “Қасам”, “Азамат” каби ўша давр мафкурасидан ҳикоя қилувчи фильмларда иштирок этдилар. Бу пайтга келиб Н. Ғаниев, С.Хўжаев, Й. Аъзамов, М. Қаюмов, Э.Ҳамроев, О. Шаропов каби режиссёр ва операторлар ҳам бўй кўрсатиб қолган эди.

Кино санъати шаклланиш тарихига назар солсак, у синтетик санъат тури эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Кинонинг санъат тури сифатида шаклланишида анъанавий санъатлар сезиларли таъсир кўрсатди. Қадим замонларда жаҳон халқлари қояларга чизиб қолдирган расмлар, миниатюралар, XVIII ва XIX асрларда эса графиканинг ривожланиши, рангтасвир ва ниҳоят, фотографиянинг пайдо бўлиши – буларнинг ҳаммаси макон ва вақт, ҳаракат ва вақтни бирлаштириш йўллари билан боғлиқ бўлди. Ҳар бир санъат турини батафсил ўрганишда шу муҳим вазифаларни ҳал этишга интилишни кўрамиз. Масалан, ҳар қандай шарқ миниатюрасининг композицияси унда кечаётган ҳаракатнинг мураккаб изчил уйғунлашувидан иборат бўлиб, бу эса уларнинг муаллифлари ўз асарларида вақтни акс эттиришга интиланликларини кўрсатади.

Академик Мамажон Раҳмонов “Ўзбек театри: қадимий замонлардан XVIII асрга қадар” китобида бизнинг фикримизни тасдиқлаб, шундай деб ёзади: “Дарҳақиқат, тасвирий санъат ёдгорликлари инсоният тарихининг турли босқичлари халқ ҳаётини, ижодий ва бадиий тафаккурини, эстетик онг ва тажрибаларини, ўз замонасининг ғояларини, ўша замон санъаткорларининг маҳорати дунёқарашларини аниқлаб олишга ёрдам берганидек, театр санъатининг тилсимларини очишда ҳам билвосита қалит бўлиб хизмат қилади. Чунки ўтмишда қандай тарихий давр бўлмасин ҳар бир халқ ва элатнинг тасвирий ва архитектура санъатида, адабиётида,

мусиқасида, театр ва хореграфия санъатида, эстетик онг ва тафаккурида озми-кўпми бирлик мавжуд”⁷

Демак, турли қазилмалардан топилган, бизгача етиб келган археологик топилмалар орасида созандалар, мусиқачилар, актёр ва актёр ниқоблари мавжуд бўлган. Турли қазилмаларда топилган Ўрта Осиё актёрларининг ниқобларига синчковлик билан қаралганда, уларда қадимий актёрлар санъатини тасаввур қилиш мумкин. Баъзи ниқоблар чехрасида инсон фожеаларининг оғир ҳолати тасвирланса, бошқаларида қизиқчи актёрлар юзида намоён бўладиган юз имо-ишоралари, кулгили қилиқлари билан томошабинга шодлик ҳада этаётгандек кўринади. Демак, бундан кўриниб турибдики, ибтидоий даврда ҳам пантомима, тақлид санъатининг илк кўринишлари мавжудлигидан дарак беради. Қандай даврда вужудга келиб, қандай вазиятда яратилишидан қатъи назар, санъат – кишиларга маданий ҳордиқ ва шодлик улашувчи восита сифатида намоён бўлаверади. У ҳайрат, завқ-шавқ, покланиш (катарсис), руҳий мадад, орзулар рўёбига ишониш ва келажакка умид, энг муҳими, эзгулик, ватанпарварлик каби инсоний туйғуларни шакллантиришга хизмат қилаверади. Кино санъати ҳам мана шундай халқ амалий санъатларининг энг сараларини танлаб олиб дунёга келди. Шунингдек, кино санъати жамият ҳаётида маънавият тарғиботчиси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кино тасвирга олиниш жараёнида театр, мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт, рақс хусусиятларидан фойдаланади. Биз юқорида кино санъатининг театр санъати билан синтезлашувига бироз тўхталиб ўтган эдик. Бинобарин, кино театрдан актёрликни, декорацияни, грим ва либосларни олган. Агар бирон-бир спектакль суратга олинадиган, яъни плёнкага тушириладиган бўлса, у ўзига хос барча хусусиятлари билан спектакллигича қолаверади. Спектаклни очик майдонда сахналаштириш мумкин. Бироқ, барибир, бу

⁷ Раҳмонов М. Ўзбек театри: қадимий замонлардан XVIII асрга қадар. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.13

билан у фильмга айланиб қолмайди, чунки фильм бошқача принциплар (тамойиллар), қонунлар, воситалар асосида яратилади. Кинога овоз кириб келган пайтда янги кашфиёт кинони театрға яқинлаштириб қўймасмикин, деган баҳсли мунозаралар ҳам бўлиб ўтганди.

Бу ҳақда профессор Ж. Тешабоев ҳам ўз фикрини билдиради: “Кинони театрлаштиришга қарши курашиш ҳеч қандай ўлчов билан ўлчанмайди. Аксинча, унинг ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда ўз ривожланиш босқичини босиб ўтади”⁸. Дарҳақиқат, театр тажрибасидан керакли унсурларни ўзлаштирган кино санъати ўз йўналишини белгилаб олди. Ҳар иккала санъат ҳам ўз томошабини, ўз мухлисига эга бўлди. Бадий фильмларда инсон образини яратишда актёрлик санъати муҳим ўринни эгаллади.

Актёр экранда бевосита образ яратувчи асосий санъаткор. Катта ижодий жамоанинг бир неча ойлик меҳнатини худди мана шу санъаткор рўёбга чиқаради. Актёр ижоди ўз навбатида драматург меҳнати, режиссёр изланиши, оператор ва расм фаолияти билан боғлиқ.

Кино ҳали овозсиз бўлган дастлабки пайтларда актёр ижролари қисман бўлса ҳам театрни эслатиб турган. Бу яққол кўзга ташланиб турувчи грим, кучли мимика, ифодали пластикаларда намоён бўлган. Кўпгина муваффақият қозонган кинофильмларда актёрларнинг театрдан олган бой тажрибаси қўл келганлигини эътироф этиш лозим. Баъзи театр актёрлари театрдан кўра кино соҳасида машҳурликка эришганлиги тарихдан ҳам, бугунги кундаги кино саноатидан ҳам маълум. Шунингдек, кинода мизансаҳна ташкил этиш, ҳар бир кадрга ёруғлик бериш санъати театрдан олинган. Образ яратишда муҳим элементлардан ҳисобланган декорация, либослар санъати ҳам кинога театрдан кириб келган. Дастлабки пайтларда кино мизансаҳнаси театр мизансаҳнасидан деярли кам фарқ қилган, чунки

⁸ Тешабоев Ж. Герой крупным планом: актеры театра в узбекском кино. –Ташкент: Изд. им.Г.Гуляма, 1972, С.18.

фильмлар павильонларда суратга олинган. Декорация санъати гарчи театрдан кириб келган бўлса ҳам, лекин кинода у ўзининг фарқли томонлари билан ажралиб туради. Масалан, фильмда сурати чизилган дераза билан чекланиш мумкин эмас. Дераза табиий бўлиши лозим, акс ҳолда кадрлар мазмуни қалбаки бўлиб қолади. Театрда бир спектаклни актёрлар қайта-қайта жонли, ҳар бир сўзни, хатти-ҳаракатларни бўрттириб ўйнашса, кинода эса актёр камера қаршисида бир ўзи ижод қилишига тўғри келади. бунда ортиқча зўриқиш, бўрттирилган гримга ҳам кино муҳтож эмас. Чунки кино реал ҳаётни тасвирлаш кучига эга.

Кино санъатида муסיқа муҳим аҳамият касб этади. Муסיқа ўзига хос алоҳида ифода воситалари орқали инсоннинг энг нозик ва мураккаб ҳис-туйғуларини, турли воқеа-ҳодисалар моҳияти ва маъносини эшитувчига етказиб бериш хусусиятига эга. Шунинг учун муסיқа киновнинг овозсиз давридаёқ фильмга "кириб" келган. Пианиночининг экран ёнида фильмга муסיқа билан жўр бўлиб туриш амалиётининг кенг ёйилганлиги фильм мазмунини эмоционал жиҳатдан бойитиши, қаҳрамонлар ҳис-туйғуларининг тушунарли бўлишини кучайтириши лозим эди. Муסיқадан бундай бадиий фон тарзида фойдаланиш тажрибаси овозли киновнинг дастлабки босқичида ҳам сақланиб қолган. Кейинчалик вақт ўтиши билан кинога бастакор жалб қилинди, улар бадиий фильмлар учун махсус муסיқалар яратадиган бўлдилар. Муסיқа кинода энг муҳим ифода воситаларидан бирига айланди, фильмларнинг мазмунини ҳам, қаҳрамонлар образларини ҳам очиб беришга кўмаклашди. Муסיқадан кино санъатининг барча турлари ва жанрларида фойдаланиб келинмоқда. У фильмни ёрқин ҳис-туйғулар билан бойитади, асарнинг мавзуи, ғоясини, режиссёрнинг ниятини янада тўлароқ очиб беради, ниҳоят, экранда рўй бераётган ҳодисаларнинг миллий ўзига хослигини янада яққолроқ намоён қилади. Кинодаги муסיқа кадр ичида ёки кадр ортида бўлишидан қатъи назар, фильмдаги синтезига қараб қуйидаги вазифаларни бажаради: яъни сюжетда драматургик восита сифатида хизмат қилиши,

қахрамонларнинг ҳис-туйғуларини очиши, яъни актёр ўйинига ёрдам бериши, муаллиф қарабини ифода этиши, эпизодларни ўзаро боғлаши ва бошқа вазифаларни бажариши мумкин. Фильм мусиқасининг вазифавий кўлами драматургия, унинг жанри эса режиссёр ғояси билан боғлиқдир.

Кино тасвирий санъатдан этник колоритни, кадрларга ёруғлик бериш, нурдан фойдаланиш усулида ишлашни ўрганди. Тасвирий санъатдаги вақт ва маконда ҳаракат динамикасини кинода қўллаш билан тасвирий ифоданинг таъсирчанлиги, табиийлиги оширилди. Перспектива, рангтасвир, графика, амалий санъат билан кино санъати боғлиқлигини исботлади. Декорацияларда қизил, сарик, кўк рангдаги сўзанади матолардан фойдаланиш миллий колоритни беради. Бу ҳам бадиий кинода қахрамон муҳитини, фильм вазиятини яратишда қулай восита бўлади.

Кино ва адабиёт синтезини шундай изоҳлаш мумкинки, ҳар бир санъат турининг манбаи ёзма адабиётдир. Кино ҳам ўз тараққиётининг бошларидаёқ адабиётга мурожаат қилиб, Собир Абдулланинг “Тоҳир ва Зухра”, Ойбекнинг “Навоий”, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён”, “Ўтган кунлар” ва бошқа адиблар романлари экранлаштирилди. Қисқа метражли фильмлар билан иш бошлаган ўзбек киноси кўп ўтмай катта-катта асарларни кинотасмаларга жойлай бошлади. Кино адабиётнинг барча тасвирий ифода воситаларидан ҳикоя қилиш санъатини, персонаж характерини очиб беришни, унинг жанр бойлигини ўзига мерос қилиб олди.

Кино санъат тури сифатида эндигина шаклланган вақтда анъанавий санъат турлари катта тараққиёт йўлини босиб ўтган ва муваффақиятларга эришган эди, бу ҳол кино санъатининг тезроқ ривожланишига имкон берди. Кино бу санъатларнинг тажрибасидан шунчаки нусха кўчириб қолмасдан, бу тажрибалар моҳиятига чуқур кириб борди, уларнинг элементларини ўз хусусиятига имкон бориша сингдиришга ҳаракат қилди. Фильм – турли санъатлардан ўзлаштириб олинган ифода воситаларининг мажмуи эмас, балки уларнинг синтезидир. Кинонинг ўзига хос хусусиятларига қаттиқ амал

қилган ҳолда, у ёки бу санъат турларининг ифода воситалари бир-бирлари билан ўзаро таъсирга киришадилар. Кино ягона сунъий санъат тури эмас, театр спектакллари ва опера ҳам сунъий санъат тури ҳисобланади, лекин уларнинг ҳар бирида барча ифода воситалари қандайдир битта санъатга бўйсунди: театрда – актёрлик санъатига, операда – мусиқага. Кинонинг барча ифода воситаларини бирлаштириб турадиган асос фақат актёрлик санъати эмас, чунки бадиий кинодан ташқари унинг бошқа турлари ҳам борки, унда актёр бўлмайди. Кинода бошқа санъат турларидан олинган ва ўзгартирилган ифода воситалари бир-бирига қўшилиб, унинг (кинонинг) тасвирий олами асосида синтезлаштирилади. Кинодаги синтез унинг асарларидаги ритм ва темп туфайли ҳам юзага келади. Темп ва ритм рақсда ҳам, шеърятда ҳам учрайди, лекин кинода улар орқали ҳаракатдаги вақт ва макон берилади.

Бир-бирига яқин санъатлар фақат бадиий фильмларга эмас, шу билан бирга ҳужжатли, илмий-оммабоп, анимацияли киноларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бундан ташқари ҳужжатли кинога матбуот, журналистика ҳам ўз таъсирини ўтказган. Масалан, газетадаги очерк ҳужжатли кинодаги очеркни, инсон ҳақидаги очерк кинодаги кинопортретни яратди.

Кино анъанавий санъатлар тажрибасини ўрганиб, улар билан бойиб, уларнинг ифода воситаларини синтез қилиш асосида ўзининг ифода воситаларини вужудга келтирди ва тезда чинакам санъатга айланди.

Кино санъати – XX асрнинг буюк кашфиётидир. У чегара билмайди. “Бир мамлакат кинематографчилари томонидан яратилган янги кашфиётлар жаҳон кинематографиясининг мулкига айланади. Масалан, М. Калатозов ва оператор О. Урусевскийнинг "Турналар учмоқда" фильмидаги Бориснинг ўлими эпизодида "айланаётган қайинлар"ни эслайлик. Бу буюк кашфиёт, ихтиро эди. Бу қайинлар ўлаётган кишининг ақли-шууридан лип-лип этиб ўтаётган фикрлар ҳаёлотини шу қадар аниқ-равшан бера олганки, бу кадрлар турли мамлакат режиссёрлари ва операторларининг мулкига айланиб

қолди”⁹.

Кино санъатининг яна бир нодир фазилати – унинг демократиклиги, байналминал санъатлигидир. У миллати, ёши, маълумоти ва бошқалардан қатъий назар барчага тушунарлидир. Албатта, ҳар қандай санъатда бўлгани каби кинода ҳам кўпинча ўз поэтикасига кўра мураккаб фильмлар яратилади, бундай фильмларни тушуниш учун томошабинни унга тайёрлаш лозим бўлади. Бу хилдаги фильмлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки улар ҳамиша қандайдир бир янгиликни ўзида мужассам этадики, у кинонинг санъат сифатидаги тараққиётига ёрдам беради.

Кино санъатининг вужудга келиш жараёнида унинг турлари ҳам ривожланди. Кинонинг турлари бир-биридан фильмда гавдаланган материал билан, ифода воситалари билан, уларда илгари сурилган ғоялари билан фарқ қилади.

Актёрлар иштирокида олинган фильм, ёки бошқача айтганда - **бадий кино**. Бу кинонинг пайдо бўлишида француз режиссёри Ж. Мельес асосчилардан бири бўлди. У ака-ука Люмьерларнинг дастлабки фильмларини кўргач, фильмларни яратишда (ўша вақтдаги фильмлар 5–10 дақиқадан ошмасди) актёрларни жалб қилган ҳолда турли сюжетлардан фойдаланиш ҳам мумкинлигини тушуниб етди. Кинонинг бу турида замонавий воқелик, тарихий ўтмиш, турли хил фантастикаларнинг гавдалантирилишини актёр санъати орқали очиб берилиши мумкинлигини ҳаёт тасдиқлади. Фильмнинг барча таркибий қисмлари (компонентлари): режиссура, рассом, оператор ва композиторларнинг иши инсон тақдирини, унинг феъл-атворини, у иштирок этган воқеа ва вазиятларни очиб беришга бўйсундирилади.

Инсонлар ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги – бадий кинода тасвирлашнинг асосий объектидир. Кинонинг бу туридаги фильмлар тўла метражли, қисқа метражли ва кўп серияли бўлиши мумкин.

⁹ Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. –Тошкент: “ЎзМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2009. – Б. 5

Хужжатли кино. Кинонинг бу турида тасвирнинг асосий материали, мавзуи ўтмишда бўй берган фактлар, воқеа-ҳодисалар, замонавий воқеликнинг ўзи бўлиши мумкин. Барча ифода воситалари ҳақиқий воқеаларнинг, фильмга асос қилиб олинган ҳақиқий инсон тақдирининг моҳиятини очиқ беришга бўйсундирилади. Бу кино санъати турининг асосий хусусиятлари – тўғрилиқ, ҳақиқийликдир. Улар образлилиги билан фильмни юқори бадиий даражага кўтариши мумкин.

Хужжатли кино ичидан хроникани, яъни бирор воқеа, фактни қисқача изоҳ билан берадиган тезкор киноахборотни фарқлаш лозим. Бу фильмларни *кинорепортаж* деб ҳам аташ мумкин. Кинохроника бугунги кунда телевидениеда кенг оммалашган.

Илмий-оммабон кино. Кинонинг бу тури учун мавзу илм-фан, меҳнатдаги кишиларнинг кашфиёти, ихтиролари, муҳим, кизиқарли муаммолардан иборатдир. Бу кино турининг фильмлари орқали илмий кашфиётлар, ихтиролар, фаразлар оммалаштирилади. Янгилик ва кашфиётлар тўғрисида хабар берилади.

Анимацияли (мультипликацияли) кино. Кинонинг бу туридаги фильмлар ҳар қандай мавзу, муаммо, жанрларда бўлиши мумкин. Болалар ва катталар учун мўлжалланган эртақлар, ҳозирги замоннинг ғоят кескин муаммолари, масалан, экологик муаммолар, тарихий ўтмиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу анимацион фильмнинг ўзига хос хусусияти – унинг фильмлари бадиий асосга эга бўлиб, ишланиши чизилган расмли, қўғирчоқ тарзида бўлиши мумкин. Замонавий анимацияли кинода компьютер графикасидан кенг фойдаланилади.

Гарчи кинонинг барча турлари ўзига хос ифодавий воситалари билан, мавзу ва материали билан фарқ қилса-да, кўпинча қатъий чегараларга амал қилинмайди. Бадиий фильмда хроника кадрларидан, хужжатли кино, мультипликацияда эса кўпинча бадиий кино воситаларидан фойдаланилади. Кино санъатининг қайси тури бўлмасин кадр ортида актёр меҳнати ётади. У

хужжатли фильмни ҳикоя қиладими, илмий-оммабоп кўрсатувларни шарҳлайдими, мультипликацион фильмларга овоз берадими, барчаси актёрнинг тажриба, малака ва маҳоратига суянади. Актёрдаги ижрочилик маҳорати барча турдаги киноларга ўзгача сайқал, бошқача эҳтирос, такрорланмас онларни бағишлайди.

Кино турларининг жанрлари бадиий адабиёт таъсирида шаклланди. Кинонинг илк даврида адабий жанрлар бадиий фильмларга ўтган ва режиссёрлар уларнинг қонун-қоидаларига катъий амал қилганлар. Бироқ, кино ривожланиб борган сари жанр чегаралари кенгайиб борди. Фильмнинг ғояси, мавзуи, мақсадини, қаҳрамонлар характериini чуқурроқ очиб бериш учун бадиий кинода жанрлар аралашуви содир бўлади. Бу ҳодиса ҳозирги замон киносига ҳам хос. У ёки бу жанрнинг ифода воситалари бир-бирига кўчади, бироқ улар ният ва қаҳрамон характерининг бирлиги билан ягона асарга айланади.

Кинонинг барча турлари жанрларининг бой бўлиши кинематографчиларнинг янги-янги мавзуларни, сюжетларни, ҳаётий материалларни ўзлаштиришлари билан боғлиқ.

Кино ижодкор ўз сценарийси ва фильмида материалга бўлган муносабатини ҳам, услубини ҳам, талқинини ҳам аниқ ифодалайди. Асарда унинг дунёқараши, бадиий тафаккури намоён бўлади. Сценарий муаллифи, режиссёр ўз асари учун муайян жанрни танлаши, бу фильм драматургиясига асос қилиб олинган материални муайян тарзда инкишоф этиши, бу – асарнинг бадиий ўлчовини белгилашдир. Шундай қилиб, жанр режиссёрга ўз ниятини амалга ошириш учун зарур ифода воситаларининг танланишини белгилаб беради.

Жанр танлаш сценарий муаллифининг ҳам, режиссёрнинг ҳам ишидаги масъулиятли жиҳатлардан биридир. Эртақлар морфологияси ва жанрларини тадқиқ этган машҳур олим В. Я. Пропп: "Асарнинг жанрга мансублиги юзаки бир хусусият эмас, балки у асарнинг бутун бадиий

тўқимасини белгилаб берадиган фазилатдир", деган эди¹⁰.

Кинонинг ҳар бир турида жанрлар ўз хусусиятларига эга бўлади. Кино санъати поэтикаси эса жанрлар хусусиятини, улардан фойдаланиш йўллариини белгилаб беради. Мисол учун, рангтасвирдаги ва ҳужжатли кинодаги портрет жанрини таққослаб кўрайлик. Ҳар иккала санъатда бу жанрда бир инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Унисиди ҳам, бунисиди ҳам муаллифлар ушбу инсоннинг ўзига хослигини, бетакрорлигини кўрсатиб беришга интиладилар. Лекин бунда рассом ҳам, кинематографчи ҳам турли ифода воситаларидан фойдаланадилар. Рассом ўз асари учун композициядан, колоритдан фойдаланади, эътиборни қаҳрамоннинг кийимига, унинг деталларига қаратади ва айниқса, қаҳрамоннинг чехрасини синчиклаб тасвирлайди, бундан мақсад – унинг шахсини ёрқинроқ очиб бериш. Кинода буларнинг ҳаммасига қаҳрамоннинг пластикаси ва албатта, нутқи қўшилиб, образнинг ички дунёсини алоҳида куч билан очиб бериш мумкин. Зеро макон ва вақтдаги ҳаракат кинога хос бўлиб, портрет жанрида муҳим аҳамиятга эга. Кинодаги жанр қотиб қолган нарса эмас. Улар ривожланиб, янгиланиб боради, айримлари ўтмишда қолиб кетади. Жанр қонунлари бадиий усуллар, қоидалар мажмуидан иборат. Улар ҳар бир жанр учун зарур, чунки фильм жанрини ривожлантириб, янги қонун-қоидалар билан бойитади. Режиссёр ўз ниятини амалга оширишда ифодавий ёрқинликка интилиб баъзан жанр қонунларидан четга чиқиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда буни режиссёрнинг шахси, ўзига хослиги эмас, балки фильмга танланган материал тақозо этади.

Жанрларнинг бир-бирига аралашиб кетиши, бу – уларнинг ифода воситалари ва таъйинларини фильмни яратишда вужудга келадиган вазифалар билан боғлиқ равишда ички жиҳатдан қайта жойлаштиришдир. Ҳозирги замон киносиди жанрларнинг аралаш ҳолда ишлатилиши одатий воқеадир. Драматургия, ғоя, режиссура жиддий бўлганда жанрларнинг

¹⁰ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – Москва: Наука, 1976.

аралаш келиши ижобий натижалар беради.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги бадий фильмларда қуйидаги жанрларни ажратиб кўрсатиш мумкин: *трагедия* (Л. Файзиевнинг "Улуғбек юлдузи", Г. Козинцевнинг "Қирол Лир", Д. Кэмероннинг "Титаник" фильмлари), *драма* (Ш. Аббосовнинг "Сен етим эмассан", Э. Ишмухаммедовнинг "Алвидо, ёр ёшлигим...", Б. Флемингнинг "Шамолларда учган ҳисларим"), *комедия* (Я. Протазановнинг "Насриддин Бухорода", Н. Ғаниевнинг "Насриддиннинг саргузаштлари", М. Абзаловнинг "Келинлар кўзғолони", "Чимилдиқ" фильмлари), *мелодрама* шунингдек, *детектив*, *саргузаштлар*, *фантастика* ва бошқалар.

Деярли ҳар бир жанрда уларнинг ҳар хил турлари учрайди. Комедия ўзига хос белгиларга эга бўлган алоҳида жанр бўлиб, улар *мусиқали* "Мафтунингман" (реж. Й. Аъзамов), *маиший* "Маҳаллада дув-дув гап" (реж. Ш. Аббосов), "Ёр-ёр" (реж. А. Ҳамроев) каби комедия турлари мавжуд. *Вазият* комедиялар ҳам (Чаплиннинг илк фильмлари) мавжуд. Кинонинг дастлабки – бошланиш пайтларида "пирохон" комедиялар оммалашган эди, бу комедияларда албатта қаҳрамонлар бир-бирига тортлар отишарди.

Ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинода портрет, очерк, манзарали фильм, фильм-интервьюлар жанрлари оммалашган. Актёрлар бадий фильмларда қатнашиш билан чекланмайдилар. Улар анимацияли ва ҳужжатли кинофильмлар яратилишида ҳам иштирок этадилар. Ҳужжатли фильмларда ҳам шундай, улар кўпинча диктор матнини ўқиб берадилар. Ҳужжатли, илмий-оммабоп кинода диктор матни алоҳида аҳамиятга эга. У нафақат ахборот мазмунини, балки матн мавзусини атрофлича очиб беради, муаллифларнинг экрандаги воқеликларга бўлган муносабатларини ифодалайди. Одатда, диктор матнига сингдирилувчи драматургик юк, (нагрузка) агар у ифодали ва маъноли ўқилса, унинг мазмунини янги бўёқлар, ҳис-туйғулар билан бойитади. Ўта муҳим ахборотни кўтариб чиққан, долзарб ифодали восита сифатида хизмат этувчи диктор матнига ижодий

ёндошувни В. Исоқов ва Ш. Қурбонбоевнинг «Ўзбекистан ХХІ аср бўсағасида» хужжатли фильмида яққол кўриш мумкин. Фильм олти лентадан иборат бўлиб, ҳар бири ўз вазифасига эга, диктор матни характери ҳам турличадир. Мазкур фильм муаллифлари мустақил Ўзбекистоннинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларини кўрсатишни ва биринчи марта хужжатли кинода Президентимиз И. А. Каримов образини яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Улар ихтиёрида жуда кўп хроник материаллар бўлиб, улар орасидан босиб ўтилган йўлимизга тегишли «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида» номли китобда келтирилган, демократик жамият сари интилишимизда қўлга киритилган муваффақиятларни, учраши мумкин бўлган тўсиқларни олдиндан кўра билган Президентимизнинг кучли иродаси ва матонатини бадиий жиҳатдан ифодали очиб беришга хизмат қиладиганлари танлаб олинган. Ижодкорлар фильмда эришишга муваффақ бўлган мазмун улуғворлиги ва умумлашмаси таҳсинга сазовордир. Шу билан бирга нафақат лавҳаларда, балки муаллифларнинг ўз қаҳрамонларига муносабатларида ажиб бир лиризмни ҳис этиш мумкин. Бунда актёрнинг алоҳида меҳр ва маҳорат билан ўқиган маънодор матнининг хизмати каттадир. Муаллифлар ва актёр диктор матни оҳангида расмийчиликдан қочадилар. Диктор матни оҳангидан таралиб турган ишонч, меҳр нафаси фильмни, унинг мазмунини янада бойитган. Бу фильм ўзбек кино усталарининг катта ютуғидир. Кино санъатининг асосий хусусияти – томошабин онгига тез таъсир қилишидир. Шундай экан, ушбу фильм мустақилликка осонлик билан эришилмаганлигини ёшларимизга кўрсатишга хизмат қилади.

Анимацияли кино эса кинодаги мавжуд жанрларнинг бутун бойлигини ўзида мужассамлаштирган. Унда ҳам актёрлар маҳоратини кузатиш мумкин. Мультфильмларда уларни кўрмаймиз, лекин овозларини эшитамиз.

Бадиий ижодда бўлажак фильмнинг қайси жанрга мансуб бўлиши

муҳим аҳамиятга эга, чунки у актёрнинг роль ижро этишдаги услуб ва ҳаракат тарзини ҳам белгилайди. Фильмнинг қайси жанрга мансублиги уни томошабин томонидан яхши идрок этилишига самарали таъсир кўрсатади.

Бундан хулоса шуки, кино санъати яралибдики, у актёрлик санъати билан бирга ривож топди ва ўзига хос мавқега эга бўлди. Кинода санъат турларининг барча ифода воситаларидан фойдаланилганда ҳам актёр бўлмаса, уни кинофильм эмас, балки санъат турларининг йиғиндиси дейиш мумкин. Актёр санъати барча кино турларининг таркибий қисми саналади ва бошқа тасвирий воситалар уйғунлигида уларнинг бадиий ифодалилигини таъминлайди. Жамият равнақи йўлида, маънавият тарғиботчиси сифатида кино санъати ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг ривожланиши, бугунги кун янги технологиялар асосида фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилиши эса миллий ўзбек кино санъатининг тараққиёт йўлига чиқиб олишига замин яратади.

Шу ўринда Президентимизнинг ушбу фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Кино санъати инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётганини, албатта қувонарлидир”¹¹.

¹¹ Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 145-146

I. 2. Ўзбек кино санъати намоёндалари

“Энг оммавий санъат тури бўлмиш кино соҳасини оладиган бўлсак, ўз вақтида бу борада бизда ўзига хос ижодий мактаб яратилганини мамнуният билан қайд этиш лозим”, деб таъкидлайди И. Каримов. Дарҳақиқат, кино – санъат турлари ичида энг оммабоплиги, томошабоплиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Маънавий тарғиб этувчи етакчи санъат тури бўлган кино ҳар хил ёшдаги, турли касб эгалари бўлган томошабинларга бевосита таъсир кўрсатади. Кино - экранда юз бераётган воқеалар ҳамда томошабин ўртасидаги маънавий кўприк вазифасини ўтайди. Икки томонлама, яъни қаҳрамонлар қиёфасини гавдалантираётган актёрга ва экран қаршисида ўтирган томошабинга руҳий озуқа беради.

Ўзбек кино санъати ўтган асрнинг дастлабки йилларидаёқ илк нишонларини кўрсатган эди. Ўша даврда биринчи кинооператор Х. Девонов ўз лавҳалари билан мамлакатимиз халқининг ижтимоий ҳаётини кино тасмаларга муҳрлаган эди. Кино санъати аجدодларимиз учун ақл бовар қилмас катта янгилик бўлди. У янгиликка ташна бўлган халққа манзур бўлди ва зўр иштиёқ билан қабул қилинди. Бу жараёнда ғайриоддий санъатга меҳр қўйиш билан бирга оддий меҳнаткашлар орасидан буюк режиссёрлар, операторлар, актёрлар етиштириб берди. Ўзбек кино санъати тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг илк ишлари Худойберган Девонов фаолияти билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

Худойберган Девонов – биринчи ўзбек фотосуратчиси ва кинотасвирчиси. Худойберган Девонов 1878 йилда туғилган. Болалигидан билимга чанқоқлиги ва ижодий истеъдоди билан ажралиб турган. У араб, форс ва рус тилларини ўрганган. “...1907-1908 йиллари Москва ва Петербургга боради. У ердан илм-фан мўъжизаларини – телескоп, граммофон, фото ва киноаппаратларини олиб келади. Урганч, Хиванинг

бозорларида, серкатнов ерларида буларни намойиш қилади. Ёш Худойберганни айниқса “ҳаракатланувчи фотография” қизиқтиради.... Девонов Хоразм воҳасига келган кинематографчи гастроллардан кино аппарати билан “муомала” қилишни ўрганиб, ўзининг демократик ва маърифатпарварлик ўйларини юзага чиқаришда ундан восита сифатида фойдаланди”¹².

Шундай қилиб, 1903 йилда Худойберган Девонов декорация ўрнида Хиванинг миноралардан ва саройнинг гулдор эшикларидан, мактаблар ва колхоз гулзорларидан фойдаланган. Аввалига бу диний уламоларнинг қаттиқ қаршилигига учраган. Бироқ ҳар қандай янгиликка қизиққан фотосуратчини Муҳаммад Раҳимхон ўз ҳимоясига олади. Муҳаммад Раҳимхон нафақат хон, балки истеъдодли шоир ва бастакор сифатида тарихда қолган. Девоновга қадар кўпгина чет эл киносуратлари Хоразмнинг ҳашаматли биноларини, ҳарбий мажлисларни, хон саройлари ва уларнинг ҳаётини суратга олишга қизиққанлар. Худойберган Девонов эса улардан фарқли ўлароқ, мингдан ортиқ фотосуратларда оддий халқнинг меҳнатини, урф-одатларини, Хиванинг қадимги ёдгорликларини акс эттирган. Ўзбек киностудияси ташкил этилиши билан (1925) Девонов Тошкентга таклиф этилади. Шундан кейин у киностудия билан яқин алоқада бўлиб, тез орада уста кинематографчи сифатида мамлакатга танилади.

Ўзбек киносининг шаклланишида С. Девоновнинг номини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки республикада ташкил этилган «Шарқ юлдузи» киностудияси фаолиятининг дастлабки йилларида маҳаллий аҳолидан чиққан режиссёр, оператор, сценарий муаллифлари, рассомлар йўқ эди. Бу борада ўзбек заминида қатор овозсиз фильмлар суратга олган рус кинематографларининг тажрибалари ўзбек кино санъатининг шаклланишида асосий туртки бўлди. Мазкур фильмларнинг кўпчилигида асосий ролларни

¹² Акбаров Х. Сехрли ёғду. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. –Б.11

русийзабон актёрлар, эпизод ва иккинчи даражали ролларни эса маҳаллий кино ҳаваскорлари, театр актёрлари ижро этган эдилар. 30-йилларга келиб ўзбек киносида кадр ва актёр муаммоси анча яхши самаралар берди. Кино санъатимизни пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйган кинематографчилар Комил Ёрматов, Наби Ғаниев, Йўлдош Аъзамов, Малик Қаюмовлар; Раҳим Пирмуҳаммедов, Эргаш Ҳамроев, Сулаймон Хўжаевлар ижрочилик санъатимизни такомиллаштириш йўлида олиб орган ижодий ва ташкилий ишлари билан экранда бақувват образлар пайдо бўлиши учун замин яратиб бердилар.

Ўзбек актёрлари овозсиз фильмларда ҳам ўз истеъдодларини намойиш қилдилар. Улар ролга «кириш», мукаммал ва эса қолувчи образлар яратиш билангина чекланиб қолмай, айна вақтда рус постановкачиларига ҳаётни кенг ва ҳар томонлама ифодалаш, образ яратишда сохталикдан қочишга ҳам кўмаклашдилар.

К. Ёрматов, Н. Ғаниев, Ф. Хўжаев каби артистлар роль ижро этишдан ташқари маҳаллий халқ турмуши ва психологиясини ифодалашда консультантлик вазифаларини ҳам ўтадилар.

Ўзбекистонда кинонинг туғилган куни 1924 йил 24 апрель деб ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги 1-киностудия Ўзбекистонда Шайхонтоҳур мадрасасида жойлашган эди. Шунини таъкидлаш жоизки, бу давргача Туркистонга кино санъати кириб келган эди. Ушбу киностудия “Шарқ юлдузи” деб номланиб, тез орада бир нечта хроникал картиналар ва 1925 йил “Ўлим минораси”, “Иккинчи хотин”, “Бахт қуёши”, “Мусулмон қизи” каби тўлиқ метражли биринчи ўзбек овозсиз фильмлари яратилди. Ундан кейин “Равот қашқирлари”, “Масжид гумбазлари остида” (реж: Казимир Гертел) 1916 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинган фильмлар суратга олинган. Унда бош роль—Умарни Комил Ёрматов ижро этади. Умарнинг партнёри Гуласал ролини рус актрисаси Ольга Спирова ўйнайди. К. Ёрматовнинг ёзишича: “...Биринчи марта бетакрор ўзбек актёри

Р. Пирмухаммедов қатнашади. Бошқа ўзбек актёрлари эпизодик роллар ва массовкаларда қатнашган. Терма актёрлардан тузилган ансамбль режиссёр мақсадини амалга оширади ва муваффақият қозонади. Бу ҳақда “Совет экрани” журналида: “Равот шакаллари” фильми қуёшли Ўзбекистоннинг тоғлари, дарёлари, ўрмонлари ва қишлоқлари ҳақида. Унда ўзбеклар қандай бўлса, шундоқлигича олинган. Бу ерда маиший мавзу безакларсиз, уларнинг ҳаётидаги керакли вазиятлар ушлаб қолинган. Бунда ўзбеклар ҳаётини, оғир шароитини, чодирлар ва сиқувга олинган Ўзбекистон асосий қизил ип билан кўрсатилган”¹³.

Овозсиз фильмларнинг доврўғи бутун республикага тарқалади. Чунки унда халқ дардига яқин долзарб масалалар кўтариб чиқилар эди. Жумладан, Ҳ. Акбаровнинг “Сехрли ёғду” китобида шундай таъкидланади: “...Масалан, босмачиларга қарши кураш тасвирланган “Сўнгги бек” фильмини Тошкентдаги “Турон” кинотеатрида беш кун давомида 27000 томошабин кўрган. Аёллар томошага бепул кириш ҳуқуқига эга бўлганлар. “Правда Востока” 1930 йил 21 май куни хабар беришича, бу томошахонада сеанслар кечкурун соат саккиз яримда бошланган. Бинобарин, чекланган вақт ичида фильмни неча минг томошабин кўришга улгурган”¹⁴. Ўз дардини кўрган томошабиннинг кино санъатига бўлган қизиқиши ортди. Кино халқ озодлиги йўлида ҳам маслаҳатчи вазифасини ўтади.

Кино оммабоп, кучли таъсирга эга, энг яхши тарғиботчи сифатида майдонга келди. Бунинг ёрқин мисоли, “1928 йилда яшаб ижод қилган киномеханикнинг хотирлашича, 18 март куни сайёр кино қишлоққа келди. Тузук бино бўлмаганидан сеанс очик ҳавода ўтказилди. Қаттиқ совуққа қарамай одам кўп тўпланди. Нотиқ чиқиб сўзлаганидан сўнг “Равот қашқирлари” картинаси кўрсатилди. Сеанс вақтида бир неча хотин-қизлар паранжиларини олиб ташладилар. Картина битганидан кейин нотиқ чиқиб,

¹³ Ярмагов К. Возвращение. – Ташкент Изд-во лит. и искусства, 1987. – С.75

¹⁴ Акбаров Ҳ. Сехрли ёғду. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977, Б-29

ҳаммани паранжи ташлашга чақирди. Бу вақтда қолган-қутган паранжилар ҳам отиб ташланди: ҳамма хотин-қизлар уйларига бепаранжи қайтиб кетдилар.¹⁵ Демак, бундан кўриниб турибдики, кино нафақат кўнгилочар томоша, балки давлат мафкурасини “пропаганда” қилиш воситаси ҳам экан.

Иккинчи жаҳон уруши дунё мамлакатларини ларзага солди. Оврўпа давлатларидаги кино санъатининг кўплари инқирозга юз тута бошлади. Ўзбек киноси аксинча бу даврга келиб шаклланиб улгурган, томошабин эътиборига кўплаб фильмларни ҳавола этган ҳам эди. “Совуқ уруш” ўзининг қизгин “палласига” кириб бораётган бир пайтда, “Ўзбеккино” ижодий гуруҳининг бир қисми режиссёр Яков Протазанов, сценарий муаллифлари: Л. Соловьев, В. Виткович саҳналаштирувчи оператор Д. Демуцкий ҳамкорликда тарихий фильм яратишга қарор қилишди. Сценарий муаллифлари: Л. Соловьев, В. Виткович ўзбек халқ оғзаки ижодига мурожаат қилади. Миллатнинг ичакузди ҳангомалари асосида афсонавий миллий қаҳрамон Хўжа Насриддин образи кинолентага муҳрланадиган бўлди. Ижодий гуруҳ “Насриддин Бухорода” деб номланган ушбу фильмни суратга олиш ишларини бошлаб юборди. Ўша даврда маҳаллий халқ орасидан чиққан актёрлар камлиги учун асосий ролларга русийзабон актёрлар тасдиқланди. Хўжа Насриддин ролига Лев Свердлин, Бухоро амири ролига Константин Михайлов, Арслонбек ролига Матвей Ляров, Хусейн-Хуслия ролига Николай Волков, Бахтиёр вазир ролига Степан Каюков, Жаъфар ролига Эманул Геллер, Гулжоннинг отаси ролига Василий Зайчиков, Гулжон ролига М. Мирзакаримова, чойхоначи Али ролига эса Асад Исматов тасдиқланди. Шуниси қувонарли эдики, кам фоизли бўлса-да маҳаллий омма орасидан истеъдод эгалари етишиб чиққан ва ижодий салоҳиятини амалиётда ошириб бораётган эдилар. Бу фильмни суратга олишдан мақсад фронтдаги қуролдош дўстларимиз учун кўтаринки кайфият бағишлаш назарда тутилган эди.

¹⁵ Акбаров Х. Сеҳрли ёғду. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. –Б.16

Ҳар бир давр мафкураси ўз таъсирини ўтказса-да, ҳар доим биринчи ўринда инсоният қисмати тураверади. Турли қисматлар талқини эса ҳар доим актёр гарданига тушади.

Ўзбекистонда суратга олинган биринчи овозли фильм – режиссёр А. Усольцев-Гарфнинг “Қасам” фильми «Ўзбекфильм»да 1937 йилда суратга олинган бўлиб, унда театр актёрларидан Асад Исмамов, Лутфихоним Саримсоқовалар роль ижро этганлар. Режиссёр Л. Кардюм, иккинчи режиссёр С. Искандеровларнинг “Азамат” номли иккинчи овозли фильмида «Ўзбекфильм»да (1939 йил) Андижон Ёшлар театри актёри Аббос Бакиров роль ўйнаган. Учинчи овозли фильм – “Асал”да (1934 йил) режиссёрлар: Михаил Егоров ва Борис Казачков, Комил Яшиннинг сценарийси асосида суратга олинган фильмда бош ролларни Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измаиловалар, режиссёр З. Сабитовнинг “Оддий иш” фильмларида ҳам театрда бир қанча образлар яратиб, тажрибага эга бўлган актёрлар роль ижро этишган.

Шундай қилиб, фильм қаҳрамонларига танлов бошланади. Таъкидлаб ўтганимиздек, бош қаҳрамон ролларига русийзабон актёрлар тасдиқланди. Иккинчи даражали роль ижрочиларини маҳаллий актёрлар орасидан қидирдилар. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, “Маҳаллий актёрларга бўлган талабчанлик вақти келиб Наби Ғаниев, Комил Ёрматовдек режиссёрларга бебаҳо дурдона асарлар яратишга асос солди”. Асад Исмамовга “Насриддин Бухорода” фильмида иккинчи даражали роллардан бири чойхоначи Али роли топширилди. Бунгача бир неча фильмларда суратга тушиб тажриба орттирган санъаткор А. Исмамов кичкинагина эпизодик роль устида катта меҳнат қилди. Ижодий изланишлар натижасини фильмни томоша қилган ҳар бир мухлис яхши билади. Маҳоратли актёр бу ролни ўз маромига етказиб ижро этди. Асад Исмамов соддадил, ишонувчан, очиқкўнгил, миллий қаҳрамоннинг типик образини зўр маҳорат билан очиб

бера олди. Фильмни суратга олиш ишлари якунланади. Орзиқиб кутилган вақт келади. 1943 йил фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтади.

Бугунги кунда жаҳон цивилизацияси шу даражада ривожландики, уни тасаввур қилиш жуда қийин. Компьютер асри деб эътироф этилаётган ХХІ аср алоқа воситалари тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Интернет сайтларидан хоҳлаган маълумотни олишингиз мумкин. Буни қарангки, ҳатто интернет орқали савдо-сотиқ ишлари амалга оширилмоқда.

Ана шундай интернет сайтларидан бири **www.kino.a42.ru** ҳамда **www.kinosite.net** сайтларидан шу кунгача бизнинг кино санъати ходимлари, кинотанқидчилар, санъатшунос–журналистлар, томошабинларга номаълум бўлган муҳим бир маълумот олдик. 1944 йил 20 август куни Америка Қўшма Штатлари киномаркази бўлмиш Голливуд шаҳарчасида “Насриддин Бухорода” фильмининг жаҳон миқёсидаги тақдимоти бўлиб ўтган. Фильмнинг бюджети, тақдимотдан кейинги тақдири тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Лекин шуниси биз учун қувонарлики, ўзбек киносининг маҳсулоти ХХ асрнинг 50-йилларида Голливудни забт этганлигини эътироф этишимиз мумкин. Яна бир маълумот: 1946 йил 15 мартда Европада, аниқроғи, Финляндияда ҳам ушбу фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтган.

Балки дунё миқёсидаги бу тақдимотлардан руҳланган “Ўзбекфильм” киностудияси ижодий гуруҳи халқ оғзаки ижодининг ёрқин мисоли – афсоналардан ҳақиқатга айланган “Тоҳир ва Зухра” асарини, халқимизнинг ифтихори, шеърийат мулкининг султони ҳақида “Алишер Навоий” фильмларини суратга олишган бўлса ажаб эмас.

Ўзбек киносининг бой меросига айланган “Маҳаллада дув-дув гап”, “Суюнчи”, “Мафтунингман”, “Бунёд ва Паризод”, “Сен етим эмассан”, “Келинлар кўзғолони”, “Майсаранинг иши” каби кинофильмлар халқимиз дилидан жой олган. Ундаги актёрлар ижросидаги баъзи иборалар, қўшиқлар, мақоллар кундалик ҳаётимизда ишлатиб турилади. Бунга сабаб – ундаги мавзуларнинг халқчиллиги, табиийлиги ва маишийлигида бўлса ажабмас.

Режиссёрнинг актёрлар ансамблини танлашдаги муваффақияти кинонинг томошавийлигини оширган. Юқоридаги фильмларда ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, миллатсеварлиги, тантилиги, болажонлиги ва, энг муҳими, миллийлиги тараннум этилади. Кинофильмлардаги аксарият ролларни театрдан таклиф этилган актёрлар ижро этган. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали театрдан Л. Саримсоқова, Р. Ҳамроев, Ҳ. Умаров, С. Хўжаев, Ҳ. Шарипов, Б. Ихтиёров, Н. Пўлатова, Ўзбек Миллий академик драма театридан З. Муҳаммаджонов, С. Табибуллаев, Қ. Хўжаев, Н. Раҳимов, Ғ. Аъзамов, М. Ёқубова, И. Болтаева, Р. Иброҳимова, И. Алиева, Т. Тожиев, Т. Юсупова ва бошқалар ўзларининг маҳоратини кино экранларда намоиш этдилар. Уларнинг ижросидаги ҳаётийлик, табиийлик фильмга жозиба қўша олган. Шунинг учун ҳам шу кунгача халқ эътиборидан тушмай, ҳар гал қайта кўрилганда, худди биринчи марта кўраётгандек иштиёқ билан томоша қилинади.

“Ўзбек киносида ижрочилик маҳоратининг шаклланиши ва такомиллашишида миллий театр намоёндалари катта роль ўйнади. Кинематография санъатининг бош мезона актёрлик ижоди ҳисобланади. Драматург ҳаёлидаги ёки тасаввуридаги жонли инсон характерини ифодалаш асосий хом-ашёси – фильм ижрочисидир. Бу борада актёр маҳоратини, унинг меҳнатини турли монтаж усуллари, ўта моҳир оператор ва экранлаштирувчилар ҳам босолмайди. Миллий театримиз намоёндалари Е.Бобожонов, Ш.Бурҳонов, О.Жалилов ва А.Ҳидоятловлар 30–40-йилларда суратга олинган турли фильмларда роль ижро этиб, театр актёри билан кино актёри ўртасида ҳеч қандай ўтиб бўлмас тўсиқ йўқлигини исботлаб беришди”¹⁶.

Саҳна усталари ўзларининг театрдаги бой тажрибалари билан кино санъатининг ривожланишида, қаддини тутиб олишида ўз меҳнатлари билан

¹⁶ Тешабаев Ж. Герой крупным планом. –Ташкент: Изд. литер. и искусства им. Г.Гуляма. 1972. – С. 17–18

катта хисса қўшдилар. 60-йилларгача ўзбек театр актёрлари фильмларда айрим образларда аҳён-аҳёнда кўринган бўлсалар, XX асрнинг иккинчи ярмида деярли барча ролларни профессионал театр актёрлари ижро эта бошладилар. Мисол учун, театр усталаридан Н. Раҳимов, Ш. Бурҳонов, О. Хўжаев, Я. Абдуллаева – классик асарлар ижрочилари, ўзбек миллий драматургиясини кенг оммага тарқатувчилари, ўзбек кино санъатининг илк пешқадамлари эди.

Наби Раҳимов кинога аввало комик актёр сифатида кириб келди. Унинг дастлабки роли “Стадионда учрашамиз” фильмида бухгалтер Алиев, “Мафтунингман”да ёрдамчи режиссёр Турдиев каби юморга бой образлар бўлган. Актёрдаги истаранинг иссиқлиги, ижродаги табиийлик, водий кишиларига хос бўлган аскияга мойиллик, хангомаларга бойлиги, хушчакчаклик, сўзга чечанлик, мимика ва пластикага бойлиги қаҳрамонларини тасвирлашда жуда қўл келади. Ўзидаги имкониятлардан оқилона фойдаланиши натижасида томошабинга унутилмас завқ-шавқ бағишлайди. Театр сахнаси билан кино павильонида роль ўйнашнинг замини бир бўлишига қарамай, айрим специфик хусусиятларига кўра актёрдан алоҳида-алоҳида муносабат талаб қилади. бу хусусда таниқли театр ва кино актёри Наби Раҳимов шундай дейди: “Кинода ижод қилиш билан театр сахнасида ижод ўртасида муайян тафовут бор. лекин умумийлик кўпроқ. Кинода ўйнаш актёрни спортчидек шай бўлишга ўргатади. Мени илк маротаба кинода суратга тушишга таклиф этишганда, кинокамера рўпарасида ижод қилиш қандай бўларкин, эплай олармиканман, деб ўйлаб қолгандим. Мана энди, орадан йиллар ўтиб, талайгина фильмларда роллар ўйнаб, оз бўлса-да, тажриба орттирдим. Кинонинг фазилати шундаки, қиёфангиздаги сезилар-сезилмас ўзгаришни илғаб олиб, йирик планда экранда намоён этади. Энди мен сахнада ҳам ана шу тажрибадан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Театрнинг шуниси яхшики, сахнада ролни қайта-қайта ўйнайсан. Образ спектаклдан спектаклга қиёмига етаверади, борган сари янги-янги

топилмалар билан бойиб, сайқал топади. Кинода эса бир ролни фақат бир маротаба ўйнайсан, кейинчалик тўлдириш ёки ўзгартиришнинг сира иложи бўлмайди... Хуллас, ҳозирги кунда кинодаги ижодимни театрсиз, сахнадаги ижодимни экран санъатисиз тасаввур ҳам этолмайман”¹⁷.

Наби Раҳимовнинг асл истеъдоди кинодаги ички тугёнларга бой драматик қаҳрамонлар талкинида кўпроқ кўзга ташланади. Режиссёр Равил Ботировнинг “41- йил олмалари” фильмида кекса чойхоначи роли эътиборли бўлди. Фильмда уч отахоннинг жасорати юксак романтик руҳда мадҳ этилади. Кишиларнинг уруш пайтидаги бирдамлиги, ғалабага бўлган ишонч юксак бадиий лавҳаларда тасвирланади. Кекса чойхоначи образи Н. Раҳимовнинг ўшанга қадар театр ва кинода яратган ролларига ўхшамайди.

“Чойхоначи – Н. Раҳимов содда, оқкўнгил ва ишонувчан киши. У узоқ сафарга биринчи марта чиқиши. Шунинг учун ҳам бу олис сафарда бир талай тасодиф ва саргузаштларга дуч келади. Бу саргузаштларда актёр ўзбек халқининг фазилатларини кўрсатиб боради. Йўлда ота-онасини йўқотган қизалоқни учратиб қолиши отахонларга янги ташвиш орттиради. Қизчанинг оталиғини Н. Раҳимов ўз бўйнига олади. Унинг меҳрибонлиги, эртаклари қизни аллалайди. Қизни йўқотиб қўйганда эса ич-ичидан азобланади, изтиробларини томошабин актёр кўз қарашларидан бемалол англай олади. Айниқса, мусофир бўлиб чиниқмаган боғбонлар чайқовчилар қўлига тушиб қолганида, уларнинг қармоғидан усталик билан чиқиб кетадилар. Бу саргузаштда ҳам Чойхоначи - Н. Раҳимовнинг режасига кўра иш олиб борилади. Актёр бу лавҳаларни ҳазил ва ҳажв воситалари орқали ифодалайди. Кинематографиядан олган катта тажрибаси туфайли Н. Раҳимовнинг ижросида янги қирралар очилиб боради. Актёрнинг ижродаги жозибаси намоён бўлади. Актёр ҳаракатида ҳеч қандай нотабиийликка, қотиб қолган позаларга, сиқикликка ўрин йўқ. У фақат ўзидан келиб чиқиб

¹⁷ Ризаев О. Наби Раҳимов. –Тошкент: Ғ.Ғулом Адабиёт ва санъат нашр., 1997. – Б.58

жестлар, мимикалар ва пластик ҳаракат қилади. Унинг ижросида доимо табиийлик кузатилади”¹⁸.

Ўзбек халқининг аяси ҳисобланган Лутфихоним Саримсоқова ўзининг самимийлиги, меҳрибонлиги, истеъдоди, жозибаси орқали ўзбек аёлининг типик вакили сифатида эл эътиборига тушди. Унинг “Асал”, “Қасам”, “Сен етим эмассан”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби фильмлардаги роллари бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Лутфихоним қирқ йиллик ижоди даврида театр ва кинода кўплаб роллар ўйнаган. Саҳнада турли-туман, экранда эса бир хил роллар – меҳрибон она, содда, меҳнаткаш аёл. Актриса театрда актёрлик маҳорат қирраларини очиб борди, кинорежиссёрлар эса бир ампуладаги ролларни топшириб келишди. Кинофильмларда 20 йил давомида Лутфихонимнинг надомат, қайғу, ғам-ғуссани ифодалай олувчи ташқи кўринишидан фойдаланиб келдилар. Унга бир ёқлама ролларни бериши актрисага унчалик хуш келмасди. У ҳам бошқа актёрлар сингари турли характердаги қаҳрамонларни ўйнашни, турли жанрларда ўзини синаб кўришни хоҳлар эди. Унинг бу истаклари Зоҳид Собитовнинг фильмларида ўз аксини топди. Ҳар доим эзилган маҳзун аёл тимсолида кўринган актриса энди “Стадионда учрашамиз” фильмида комик, “Фарзандалар”да фожеавий элементларга бой Телба аёл образида кўринади. Ўз актёрлик ампуласидан четга чиққан актриса учун кинематография ижодида янги ва маҳсулдор давр бошланди. Кинорежиссёрлар ана шунда Л. Саримсоқованинг кўп қиррали актриса эканлигига ишондилар. Бироқ вақт ўтиб қолган эди. Актриса кино ва театрдаги ижодий фаолияти давомида надоматли, қайғули, ғам-ғуссадан эзилган аёллар ролини кўп маротаба ўйнаб бўлган эди. Кинематографлар актрисанинг истеъдодидаги кенг имкониятларини эртароқ пайқаган

¹⁸ Тешабоев Ж. Герой крупным планом. –Ташкент: Изд. литер. и искусства им. Г.Гуляма. 1972. – С.80

бўлганларида Л. Саримсокова бундан-да юксак, турли характердаги образлари билан ўзбек кино асарларидан ўрин олган бўлар эди.

Бу ҳақда актриса шундай фикр юритади. “...Актёр турли жанрдаги фильмларда ранг-баранг ролларни ўйнаши керак. Роль устида ишлашда актёр учун қаҳрамонининг индивидуал хусусиятларини, уларнинг потенциал имкониятларини очишда импровизацияга қилишга қаршилиқ қиладилар. Ахир ижрочи образни ўзи қайта фикрлаб, ўзлаштириб олса образ мукаммал ва табиий чиқиши мумкин. Агар актёр суратга олиш майдончасида фақат олдиндан тайёрланган хатти-ҳаракатларни, сўзларни қайтарса, у ўз қаҳрамонининг ички дунёсини тўла-тўқис очишга эришмаслиги мумкин. Тажрибали артистларнинг ижро этаётган роли қанчалик усталик билан эркин ўйналса, ёш ижрочилар ҳам образга шунчалик тез кирадилар. Ёш актёр ўз рўпарасида актёрни эмас, ҳаққоний образни кўриши керак, шундай тасаввур қилиши лозим. У самимий кулаётган ёки ўксиб йиғлаётган қаҳрамон билан ҳаётини муносабатда бўлгандагина, секин-аста образга кира бошлайди. Бунинг учун эса баъзан сценарийдаги текстдан (агар лозим бўлса) бироз четга чиқишга тўғри келади...”¹⁹

“Кинокомедия – кўп меҳнат қиладиган жанр. У режиссёр, оператор, актёр, сценаристдан комедия санъатининг сирли томонларини алоҳида инобатга олишни талаб қилади. Фильм яратишда юқори профессионализм билан бирга кулгили кадрларни “қуриш” зеҳни, юмор ҳисси бўлиши шарт”²⁰.

Комедия жанридаги киноларнинг мухлиси драматик киноларнинг мухлисларига нисбатан кўпроқ десак, адашмаймиз. Ундаги қаҳрамонлар исми ҳам, баъзи сўз-иборалари ҳам томошабин хотирасида муҳрланиб қолади. Ўзбек ижрочилик мактабида доимо комедия жанрининг ёрқин

¹⁹ Тешабаев Ж. Герой крупным планом. –Ташкент: Изд. литер. и искусства им. Г.Гуляма. 1972. – С.80

²⁰ Тешабаев Ж. Ўша асар.

намуналарини кўриш мумкин. Атоқли кулги усталари театрда камолга етдилар. Бинобарин, С. Хўжаев, А. Турдиев, Ғ. Аъзамов, Н. Раҳимов, Б. Ихтиёров ва бошқалар кино билан ҳамкорлик қилиб келдилар. Актёрлар комедия санъатининг асосини халқ оғзаки ижодидан олдилар. Комик актёр С. Хўжаев “Ёр-ёр”, “Дилбарим”, “Стадионда учрашамиз” каби кинофильмларда комик образлар яратди. Сатира ва юмор, халқ қизиқчиларининг энг яхши усулларида, мимика ва пантомималаридан, сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланиш қобилияти уни элга танитди.

“Мен ҳажвий ролларни ўйнаб томошабин дилини хушнуд этишни яхши кўраман, кулги билан эскилик сарқитларига қирон келтиришга қатнашаётганимдан хурсандман. Лекин роль бадий жихатдан пухта ёзилган бўлиши ва олдин ўйнаган ролларимга ўхшамаслиги керак”²¹ – дейди таниқли ўзбек комик актёри Р. Пирмуҳамедов. Актёр ўзига мана шундай ғояни шиор қилиб олди. Ва бу йўлда тинимсиз меҳнат қилади. Р. Пирмуҳамедов кино ва театрдаги ижодини комик роллардан бошлаган бўлса-да, 20–30-йилларда кинода йирик драматик пландаги ролларни ўйнади. Бир йилда тўрт фильмда: “Равот қашқирлари”, “Масжид гумбазлари остида”, “Соябон арава”, “Чачвон” каби киноленталарда батрак, босмачи, бой ва қўрбоши образларини талқин этди.

Р. Пирмуҳамедов нафақат актёр, балки унга баъзи ўринларда драматурглик қобилияти ҳам қўл келади. Мисол учун “Қасам” фильмида ўзига лойиқ роль тополмайди. Режиссёр рухсати билан ўзига фильм руҳига мос келадиган, асосий қаҳрамонлар образини, характерини очишга ёрдам берадиган милиционер ролини ёзади. Унга ўз исмини беради. Актёр ушбу роли билан ер-сув ислоҳоти амалга оширилаётган даврда ўзбек қишлоғини, унинг айрим кишилар онгининг баъзи бир зиддиятлардан холи бўлмаган характерини рўй-рост очиб беришга интилади.

²¹ Акбаров Ҳ. Сехрли ёғду. Тошкент: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. – Б.156

Р. Пирмухамедов ўзининг ижодий фаолияти давомида театр ва кино имкониятларидан ўринли фойдаланади. Актёр бу ҳақда “Кино” журнали мухбири билан бўлган суҳбатда шундай дейди: “ Бир-икки роль ўйнаганимдан кейин ўйланиб қолдим: кинода йирик план бор экан, монтаж бор экан. Театрда эса бу имкониятлар йўқ. Мизансаҳна учун театр сахнаси кенг имкониятлар беради. кинонинг эса ўз имкониятлари бор. кинокамеранинг зийрак объективи актёрнинг ҳар бир вазиятидаги ички ҳолатини, сезилар-сезилмас ишорасини ҳам илғаб олиб, экранда рўйи-рост кўрсатади. Ҳозирги замон техникасининг мўъжизаларидан бири – микрофон эса актёр талаффуз этган ҳар бир сўзни, ҳатто нафасни, шарпани ҳам томошабинга етказди”²².

Ҳар бир актёр учун кинематография санъати ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Бу мактабни яхши ўзлаштирган театр актёрларигина ҳар икки соҳада ҳам муваффақиятларга эришади, ўз мухлислари томонидан илиқ қарши олинадилар. Бу эса санъаткор - актёр учун энг юксак мукофот.

“Ўзбекфильм» ўз фаолиятида адабий мерос ёки замонавий мавзуларда қалам тебратаётган ёзувчилардан кўпларининг асарларини экранлаштирди. Чунончи, “Сурайё”, “Синчалак”, “Чинор”, “Умид” номли замонавий, “Улуғбек юлдузи”, “Ўтган кунлар”, “Бой ила хизматчи”, “Қутлуғ қон”, “Тошкент – нон шаҳри”, “Севги можароси” сингари тарихий, “Нур ва соялар”, “Ганг қизи” сингари ҳинд материаллари асосида яратилган фильмлар шулар жумласидандир.

Ўзбек киносида бадиий асарларни экранлантиришга дастлаб Ўзбекистан халқ артисти Латиф Файзиев қўл урди. У 1953 йилда Ҳамза Ҳакимзоданинг классик асари – “Бой ила хизматчи”ни экранда жонлантирди. Орадан кўп вақт ўтмай Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ва Абдулла Қаҳҳорнинг

²² Акбаров Ҳ. Сехрли ёғду. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. –Б.154

“Синчалак” асарлари ҳам Латиф Файзиев бошчилигида экран юзини кўрди. Бу фильмлар сахна ёки китобдаги талқиндан биров фарқ қилади, айрим образлар китобхон тасаввуридан четга чиқиб кетади. Шунга қарамай бу дастлабки уриниш муваффақиятли бўлди.

Ўзбек киноси тараққиётига муайян улуш қўшган муаллифлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Собир Мухамедов “Ҳамза”, “Шиддат” сингари фильмларига ёзган сценарийлари билан танилди. У “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларнинг экран вариантыни яратишда китоб руҳини бир қадар сақлаб қолишга эришди.

“Ўтган кунлар” фильми сценарийсида саховат билан ёвузлик, соф кўнгиллик билан қаллоблик, тўғрилиқ билан кўзбўямачилиқ ўртасидаги кураш кескин тус олади. Асар қаҳрамони Отабек феодал муҳитда ўсиб, вояга етганига қарамай, кўнгилчанлиги ва ўз замонасидаги тенгсизлик, фитна-ю адоватларга нафратланиб қараши билан бошқалардан ажралиб туради. Отабек билан Кумушнинг ҳаёти фожиа билан тугайди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Чунки ўша давр шароитида шахс билан жамият ўртасида жуда катта зиддият мавжуд эди.

Фильм муаллифлари санъат қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда уни шартлилик билан – Отабекнинг куёш сари юриши, ёруғликка интилиши билан якунлайдилар. Бу, албатта куёшли кун келишига, Отабек етолмаган умидларга отабеклар етиши мумкинлигига рамзий ишора эди.

“Ўтган кунлар”дек халқ орасида кенг тарқалган асарни экранлаштириш фильм муаллифларидан катта масъулият, қунт ва чидамни талаб этарди. Атоқли кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов бошлиқ ижодий жамоа бу масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этди.

“Ўзбекфильм” киностудиясида тарихий-биографик фильмларга асос солган асар – “Алишер Навоий” бўлди. Мазкур фильм Навоийнинг “Менинг мақсадим халқни мусибатдан қутқаришдир” деган сўзлари билан ифодаланган чуқур ғоя асосига қурилган. Фильм давомида мутафаккир шоир

Ўз орзусини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилади. Навоийнинг мамлакатни обод қилиш, қакроқ ерларга сув чиқариш, одамлар орасидаги низоларни йуқотиб, юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш, подшоҳ ва унинг ўғиллари ўртасидаги ихтилофларнинг олдини олиш, шахсан шоҳдан одиллик талаб этиш сингари инсонпарварлик йўлидаги хизматлари фильмга сайқал беради.

Фильм давомида ички душманлар тазйиқи устун чиқиб, шоирнинг орзу-умидлари поймол бўла бошлайди. Ҳусайн Бойқаро салтанати фисқу-фужурлар билан тўлиб, бу иғво ва бўҳтонлар, ниҳоят, “темурийлар” хонадонини инқирозга олиб келади.

Навоийнинг хилма-хил воқеа-ҳодисаларга бой ҳаёт йўли, давр фожеалари ва мутафаккир шоирнинг бу фожеаларни даф қилиш йўлида олиб борган кураши буюк мутафаккирни улуғлайди, уни авом халққа, колаверса, замонамизга яқинлаштиради. Ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан баркамол бу фильм ҳақиқатан ҳам томошабин меҳрини қозона олди.

“Алишер Навоий” фильмининг режиссёри Комил Ёрматов ва актёрлардан Раззоқ Ҳамроев билан Асад Исматов Давлат мукофотиға сазовор бўлдилар. Бу фильм фақат ўзимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш билан томоша қилинди.

Кинотанқидчи, профессор Р. Юренъев “Ўзбекфильм” студиясида ўтказилган йиғилишда шундай деган эди: “Мен кўп халқаро фестивалларда қатнашаман. Масалан, Венеция, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда бўлдим. Ҳамма ерда ҳам мендан “Алишер Навоий” фильмини яратган студия ва режиссёрнинг кимлигини сўрашади. Мен эса виқор билан Ўзбек студияси-ю, Комил Ёрматов номини тилга оламан”²³.

Бухарестда чиқадиган “Либертатеа” газетаси фильмга шундай баҳо берган: “Бу ажойиб фильм Ўзбекистон кинематографиясини тўппа-тўғри

²³ Алиев М. Кино асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993. –Б. 80.

дунёнинг илғор кинематографияси каторига олиб чиқди. Шу билан бир каторда ўзбек халқининг жамиятда қанчалик юксак бадиийликка эришиши мумкинлигини кўрсатди”²⁴.

Ўзбек киносининг ютуқлари нафақат юртимизда, балки бутун дунё киномухлисларининг ҳам эътиборини тортганлиги кино тарихидан маълум.

Ҳар доим бир иш бошланганда унинг ташкилотчиси бўлади ва у нима иш қилиш режасини тузиб чиқади. Санъат оламида режиссёрнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек кино намоёндалари меҳнатлари эвазига буюк ишлар амалга оширилгани сир эмас. Режиссёр ўзи ким?

Режиссёр – фильм постановкачиси (сценарийни экранлаштирувчи), фильм яратишда барча ижодий ва ишлаб чиқариш кучларига раҳбарлик қилувчи ижодий ходим. Режиссёр – операторлар, мусаввирлар, бастакорлар ва актёрлар билан бевосита иш олиб боради, фильмнинг ғоявий-бадиий йўналишини уларнинг ижоди билан боғлаб, маҳоратини фильмга сингдириб, бир бутун асар яратади.

Режиссёрнинг иш бошлашдаги энг биринчи хизмати – фильм учун асар, яъни сценарий танлашдир. У ўзининг дидига мос келадиган, асарда акс эттирилган воқеа-ҳодисаларни, ғояни экранлаштиришга қурби етадиган сценарий танлайди. Кўпинча режиссёрларнинг ўзлари сценарий ёзишади. Жаҳон киносида машҳур Чарли Чаплин, совет киносида Александр Довженко, Григорий Козинцов, Михаил Ромм, Александр Зархи, Ўзбекистонда Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Шухрат Аббосов, Ҳожи Аҳмар, Учқун Назаров, бугунги кунда Жаҳонгир Қосимов, Зулфиқор Мусоқов, Аюб Шаҳобиддинов, Ёлқин Тўйчиев, Ҳилол Насимов сингари режиссёрлар шулар жумласидандир.

Баъзи режиссёрлар бир кинодраматургни танлаб, у билан доимий ҳамкорликда ишлайдилар. Масалан, Юлий Райзман Евгений Габрилович

²⁴ Алиев М. Кўрсатилган асар.

билан, Комил Ёрматов Михаил Мелькумов билан, Элёр Эшмухамедов Оделин Агишев билан биргаликда ана шундай ижод килганлар.

Бу, албатта, яхши одат. Сценарийчи билан режиссёр доимий ҳамкорликда ишласа, улар бир-бирларининг камчиликларини тўлдирадилар, бир-бирларига мададкор бўладилар. Кино санъатининг шоҳ асарлари бўлган картиналарни: Латиф Файзиев Максуд Шайхзода билан “Улуғбек юлдузи”ни, Абдулла Қаҳҳор билан “Синчалак” фильмини, Наби Ғаниев Собир Абдулла билан “Тоҳир ва Зухра”ни, Комил Ёрматов Собир Абдулла билан “Алишер Навоий” фильмини, режиссёр, драматург ва оператор, актёрлар ҳамкорлигида ярата олдилар. Улар кино санъатида алоҳида ўринга эга бўлди. Собир Абдулла асари асосида суратга олинган “Тоҳир ва Зухра” фильми сценарийси жараёни драматург томонидан шундай эсланади: “Москвалик ва ленинградлик кинорежиссёр ва сценарийчилар “Тоҳир ва Зухра” драмаси асосида киносценарий яратиш лозимлигини айтдилар. Бу ишни бошлаш учун менинг ёнимга москвалик А. Спешневни шерик автор қилиб, атоқли кинорежиссёр, дўстим Н. Ғаниев билан Й.Аъзамов тўртталамизни Шохимардонга “Тоҳир ва Зухра” киносценарийсини ёзишга жўнатдилар....

Ишимиз кундан-кунга жиддийлашиб, кечалари сценарий устида жиддий мунозара қилиб, эртаси ёзиладиган кадрларни белгилаб оламиз, чойсиз, тушликсиз ёзишга ўтириб, кунни кеч қиламиз, гоҳ кунларни нонсиз ўтказсак, гоҳ кунлари қозонимизда мой қайнайди. Мана шундай кунларда Наби Ғаниев гоҳ ғазаб билан, гоҳ кўшиқ хиргойи қилиб, асарнинг муваффақияти устида бош қотиради. Бизни ҳам ўзидек тинимсиз ишлатади. Чунки биз билан борган кекса консультантга у ернинг ҳавоси ёқмай, кўпинча касаллик билан кун ўтказса, менинг сценарий ёзишга тажрибасизлигим режиссёрларнинг ишига халақит берар эди. Наби Ғаниев жонбозлик билан тинимсиз ишлар, гоҳ ўз ишидан мамнун, гоҳ папирос йўқлигидан бадхумор! Ишчан ва талабчан режиссёрлар ёнида масъулиятли ва фахрли топшириқли бажаришда қийинчиликларни бирга енгиб, “Тоҳир ва Зухра”

киносценарийсини бир ойда ёзиб тамомладик...”²⁵. Ижодкорларнинг ҳамкроликдаги ишлари ўз мевасини берди. Ушбу фильм чет эл матбуотида юксак баҳоланди. “Унинг асосий латофати олис Шарқ муҳитининг жозибадорлиги, сирлилиги ва софлигидадир”, деб ёзган эди немис газетаси “Берлинер Цейтунг”²⁶. Шундай қилиб, Марказий студиялардан келган тажрибали мутахассислар ўзбек санъаткорларининг профессионал маҳоратни эгаллашларида ижобий роль ўйнади. “Ўзбекфильм” тарихида режиссёр, драматург, актёр ва оператор тўртлигида ижодий ҳамкорлик бошланди.

Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келаётгани қувонарли ҳол. Режиссёрлардан Шухрат Аббосов, Мелис Абзалов, Зулфиқор Мусоқов, Аюб Шаҳобиддинов, Ёлқин Тўйчиев, Музаффар Аҳмедов, Ҳилол Насимов, драматурглардан Саид Аҳмад, Шароф Бошбеков, Рихсивой Муҳаммаджонов, операторлардан Ҳотам Файзиев, Абдурахим Исмоилов, Умид Маликов, актёрлар Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёров, Ёқуб Аҳмедов, Гулчеҳра Жамилова, Турғун Азизов, Фотима Режаметова, Саида Раметова, Раъно Ярашева, Лола Элтоева, Бобур Йўлдошев, Дилноза Кубаева, Фахриддин Шамсиматов, Шодия Тўхтаева сингари театр ва кино актёрлари замонавий ўзбек киноси санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбек кино тараққиётида алоҳида мактаб яратган шахслар ҳақида олимлар томонидан ёзилган монографиялар, соҳага оид адабиётлар, ўқув қўлланмалар ёшларнинг ижодий фаолиятида намуна сифатида қўл келмоқда.

²⁵ Собир Абдулла. Хотира // Тошкент оқшоми, 1967 йил, 23 февраль.

²⁶ Акбаров Ҳ. Сехрли ёғду. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. –Б.60

I-боб бўйича хулоса

Шундай қилиб, бир сўз билан айтганда, “Драматик театр актёри кинога юқори маданиятни, ижронинг ҳаққонийлигини, кечинма санъатининг нозик жиҳатини, образни талқин қилишда чуқур психологик ҳолатни ақлий изланиш билан уйғунлаштиришни олиб кирди”²⁷.

Бу билан театр актёри фақат сахна санъати билан чегараланиб қолмасдан, экран санъатида ҳам ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда ҳукуратимиз томонидан барча соҳалар қаторида кино санъатига бўлган эътибор ўзбек кино санъатининг ривожланишига катта туртки бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг ташкил этилиши эса кино ижодкорлари олдига масъулиятли вазифаларни юклади. Замондош образини яратиш муаамоси ўзбек кино санъатида доимо диққат марказида бўлиб келган. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг 2010 йил 30 август куни Бухоро вилоятига ташрифида театр ижодкорлари билан бўлган суҳбатда: “Театримиз сахналарида бугунги кунда давр билан ҳамнафас яшаётган, фидойи инсонлар, эзгу ғояларни қарор топтиришга хизмат қилувчи, замонавий қаҳрамонлар образини яратиш” масаласи ҳақидаги фикр-мулоҳазалари театр ва кино санъати ҳаётида янги саҳифалар очилишига сабаб бўлди. Бу нафақат театр сахналарида, балки кино соҳасида ҳам замон қаҳрамони образини яратиш учун бир қатор имкониятлар пайдо бўлди. Бугунги кунда мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, “Умид”, “Жасур”, “Ватан” каби ватанимиз мустақиллигини, тинчлигини сақлаш, чегараларимиз сарҳадларини кўз қорачиғидан асрашга бўлган интилишлар илгари сурилган кинофильмлар яратилмоқда. Бу эса ёшларимиз онгида она ватан, юрт

²⁷ Тешабоев Ж. Герой крупным планом: актеры театра в узбекском кино. -Ташкент: Изд им..Г..Гуляма, 1972.

тинчлиги, мустақиллик каби қимматли тушунчаларни англаб етишга, ўзлари ҳам шу диёр фарзанди эканлигини, унга сидқидилдан хизмат қилиш керак эканлигини тушунишларига хизмат қилади. Демак, кино санъати ўзини орқасидан бутун бир жамиятни эргаштира олиш хусусиятига эга эканки, унга холисона, адолатли ёндашиш талаб қилинади.

II боб. Замонавий ўзбек киносида бадий образ яратиш

II.1. Театр актёрининг кино санъатидаги ўрни

Санъат – сеҳрли ва беқиёс маъво. Кўз ўнгимизда намоён бўлаётган воқеликни кўриб ҳаяжонга тушамиз, ҳайратланамиз, таъсирланамиз. Баъзан қаҳрамонлар бошидан кечираётган дардларига шерик бўлгимиз, кўнглини кўтаргимиз келади. Мушкулотдан чиқиб кетиш йўлларини кўрсатгимиз, келажакда ҳаммаси яхши бўлишига ишонтиргимиз келади. Баъзи салбий қаҳрамонлардан нафратланамиз, қилмишларидан жаҳлимиз чиқади. Баъзида эса улар тушиб қолган вазиятлардан роҳатланиб куламиз. Чунки санъаткор ўз мўъжизалари билан инсонлар қалбини сеҳрлаб олади. Бундай серқирра талқинларни ҳақиқий ижод соҳиблари яратадилар. Ҳақиқий санъат соҳиблари ўз қобилиятларини намоён этишда кино, театр, телевидение асосий ўринда туради. Шу жумладан, бадий кино актёр учун ўз маҳоратини намоён этадиган ажойиб шарт-шароит. Бадий кинода инсон образини актёр яратади. У талқин этадиган образлар муҳитида фильм ғояси рўёбга чиқади. Эндигина ташкил этилаётган пайтда ўзбек киностудияси профессионал таълим олган бирорта киноактёрга эга эмас эди. Ўзбек киносининг илк қадамлари актёр излаш, ижрочилик санъатини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлгани киношунос олимларнинг китобларида қайл қилинади. Чунки кинематография эндигина ихтиро қилинганида кинога театр штамплари ҳамда сахна санъати учун табиий экранда жуда қўпол бўлиб туюлдиган ортиқча хатти-ҳаракатлар кириб боргани ҳам маълум. Бунга ўзбек бадий киноси тарихидан мисол келтириш мумкин. Фильмда қатнашишга рози бўлган актёр сценарийни қўлга олиб, диққат билан танишиб, ўз роли қаторида бошқа актёрлар ролларини ҳам ўрганиб чиқади. Зеро, бўлажак фильмда иштирок этадиган актёрларнинг барчаси билан ижодий ҳамкорликсиз ўз ишида муваффақият қозониш мумкин эмаслигини яхши билиши муҳим. Кинодраматург сценарий ёзишни бошлаган илк давлариданоқ қаҳрамонлар образларини, уларнинг характерини яхши ва

батафсил ёзишга ҳаракат қилади. Сценарий муаллифи томонидан образларнинг чуқур ишлаб чиқилиши – актёрнинг фильмда эришадиган ютуғининг гаровидир. Актёр ўз роли ҳақида мушоҳада юритар экан, баъзи тузатишлар киритиши, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини, сўзларини ўзгартириши мумкин. Режиссёр буларга қўшилиши ёки қўшилмаслиги мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бу унинг фильмда ижро этган роли мағзида изсиз қолмайди. “Осиё устида бўрон” фильмида (1964 й.) сценарий муаллифлари К.Ёрматов, М.Мелькумов, Н.Сафаров, В.Алексеев, О. Агишевлар ёш қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўладилар. Режиссёр К.Ёрматов иккинчи пландаги Ялангтўш (яъни ўзбекларнинг Робин Гуди) образига Ш.Бурҳоновни таклиф этади. Актёр рози бўлади. Лекин сценарий билан танишиб чикқач, ўзининг бўлажак қаҳрамони ҳақида ўйлаб қолади, сўнг Ялангтўшда муаллифлар фойдаланмай қолган драматургик имкониятлар борлигига ишонч ҳосил қилади. У бу образда ўзбек паҳлавонининг дилкаш табиатини, кўнгли очиклигини, саховати-ю, куч-қудратини кўради. Актёр фильм қаҳрамонининг ўрни ҳақидаги ўз таклифини ўртага ташлайди. Ш.Бурҳонов мулоҳазалари режиссёрни шу қадар қизиқтириб қўядики, оқибатда у таваккал иш тутди – бош қаҳрамон ўрнини алмаштиради ва Ш.Бурҳонов талқинидаги Ялангтўш ўзбек киносининг унутилмас образларидан бирига айланиб қолади”²⁸.

Актёрнинг образга кириши унинг маҳорати, ижодий тажрибаси ролни қанчалик тушуниши ва тасаввур этиши билан боғлиқдир. Лекин актёр ижодида ва режиссёрнинг актёр танлашида муҳим бир жиҳат ҳам бор. Актёрнинг характери яратилаётган образ характериға тўғри келмаса, унда актёрнинг ижодий тасаввури ишга тушади, образ талқин этилади. Агар актёр характери ўйнаётган ролиға тўла мос келса, мувофиқ бўлса, талқин этиш устида ишлашға ҳожат қолмайди.

²⁸ Абулқосимова Х. Кино санъати асослари –Тошкент: «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2009. – Б.5.

Режиссёрлар актёрларни турли принципларга асосан танлайдилар. Актёрлар ҳам ролларини турлича тасаввур этадилар ва ўйнайдилар. Ўз навбатида томошабин ҳам улар ишини турлича қабул этади, баҳолайди. Агар сценарийнинг ўзида роль бўш ёзилган бўлса, актёр яратаётган образини ўзига хос, теран ёритолмайди ва кўзлаган натижага эришиши қийин бўлади. Шундай бўш ролларга режиссёрлар катта маҳоратга эга актёрларни таклиф этиб, улар ўз ижролари билан жонсиз образларга ҳаёт бағишлайди, деб умид қиладилар. Нега актёрлар бундай ролларга рози бўладилар, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари кўп. Масалан, актёр ролсиз юришни хоҳламайди ёки шунчаки режиссёрни "қутқармоқчи" бўлади. Кино тарихидан маълум бўлишича, 50-йиллардаги ўзбек киносининг тажрибаси фикримизга далил бўла олади.

1948 йил собиқ Иттифоқ кино вазирлигининг махсус қарорига кўра барча миллий киностудияларда бадиий фильмлар яратиш маън этилади. Миллий студияларда жонланиш 50-йиллар ўрталаридан бошланди. Бу жараён ўзбек бадиий киносига ҳам тегишли бўлди. Эллигинчи йил ўрталарида ўзбек бадиий киноси қайта тиклана бошлади. Аммо жараён осон кечмади. Зеро, киностудияда бадиий кино учун сценарийлар йўқ эди. Бироқ ўзбек кинематографистларининг миллий киномизни тиклаш борасидаги ғайрати жуда кучли эди. Шу боис, сценарийлар савияси анча паст бўлса-да, кутиб турмай фильмлар яратиш зарур, деб билдилар. Бир неча фильмлар тасвирга туширилди. Уларда суратга тушиш учун ўзбек театрининг усталари таклиф этилдилар. Ўзбек театри усталарининг бундай фильмларда иштирок этишларининг боиси, биринчидан, улар кино санъатини қадрлаши ва севишлари, иккинчидан, узоқ вақт суратга тушмай кинони соғиниб қолганликлари, учинчидан, ўзбек киносининг фидойи усталарига уларнинг ўзбек бадиий киносини тиклашдек олижаноб интилишларига яқиндан ёрдам бериш истагининг кучлилиги эди.

Бироқ актёр бор маҳоратини ишга солиб ҳаракат қилганда ҳам

драматургия тўлақонли бўлмас экан, актёрнинг истеъдоди ва маҳорати қанчалик юқори бўлмасин бадиий жихатдан тўлақонли бадиий образ яратиб бўлмайди. Агарда роль кинодраматург томонидан бўш ёзилган бўлиб, режиссёр уни ўз воситалари билан чуқурлаштира олмаган бўлса, унда актёр ролни расман ва юзаки ижро этишга мажбур бўлади. Демак, театрда бўлгани каби кинода ҳам драматургиянинг савияси актёр учун образнинг муваффақиятли ечимини топишга асос бўлади. Актёрнинг кино ва театрдаги ишида бир-бирига туташ, умумий нуқталар кўп. Театр актёрларини кинода мунтазам иштирок этишларининг бош сабаби ана шунда. Шу билан бир қаторда театр ва кино актёрлари ишида ҳар икки санъат хусусиятларидан келиб чиқувчи жиддий ўзига хосликлар ҳам бор. Лекин, энг муҳими, актёр ижодининг олий мақсади, вазифаси – у хоҳ кино, хоҳ театрда бўлсин – улар ўз санъатлари билан инсон образини яратишлари зарур.

Кино ва театр актёрининг санъати асосида бутун дунё тан олган К.С.Станиславский системаси ётади. Актёрлар ушбу системани мукаммал ўзлаштириб олсалар, ролларни ижро этишда чуқурлик, ҳаққонийлик ва ифодалилиқка эришадилар. Иккала йўналишдаги актёрларнинг ифода воситалари ягона. Буларга пластика, мимика, хатти-ҳаракат, ифодали нигоҳ, сўзлашув оҳанглари каби унсурлар киради. Лекин кино ва театр актёрининг ижросидаги фарқ иккала санъатнинг ўзига хослигидан келиб чиқувчи шарт-шароитлар билан фарқланади. Театрда актёр рассом томонидан яратилган шартли маконда ўйнайди. Актёр залда ўтирган томошабин қаршисида роль ижро этади. Томошабин залнинг турли жойларида ўтиргани боис актёр ролнинг таъсирчан чиқиши учун ўз қаҳрамонига алоҳида грим қилади, мимикасини, хатти-ҳаракатларини кучайтиради, овозини залнинг охириг қаторидан ҳам эшитилишига мўлжаллаб созлайди. Актёрнинг бундай ижро усули томошабин томонидан хотиржам қабул қилинади, зеро у театрнинг шартлилигини, ўзига хос табиатини тушунади. Театр спектаклида агар лозим бўлиб қолса, актёр яратаётган образни мукаммаллаштириш имкониятига эга.

Чунки у ҳар гал сахнага чиққанида аввалги хатоларини такрорламасликка, ҳаракатларидаги ноаниқликларга тузатиш киритиш имкониятига эга бўлади. Актёр театр сахнасидаги ролини ҳар гал ҳар хил ўйнайди, ҳар сафар такрорланмас ўзгартиришлар киритади, четдан кузатиш натижасида образини мукаммаллаштиритади ва бойитади. Шунини айтиш керакки, кўпинча бу зарурат актёрнинг томошабин таъсирида қаҳрамонни қандай қабул қилиши натижасида юзага келади. Кинода эса актёр плёнкага муҳрланган ижросига, яратган образига бирорта ўзгартириш кирита олмайди. Суратга олиш пайтидагина бир неча бор дубль қилиниши мумкин, ўшанда ҳам буни режиссёр хоҳласагина. Бундан ташқари монтаж пайтида шу дублларни актёр эмас, режиссёр танлайди. Актёр суратга олиш майдончасида роль ижро этаётганида одатий тушунчадаги томошабин бўлмайди. Суратга олиш гуруҳи иш билан банд, бўш бўлган чоғларида ҳам актёр ижросига муносабат билдира олмайдилар, чунки суратга олишга фақат постановкачи режиссёр бошчилик қилади ва фақат угина актёр ижросига мулоҳаза билдириши, ишига тузатиш киритиши мумкин. Театр актёрига қараганда кино актёрининг яратган образи кўпроқ режиссёрга боғлиқ. У режиссёр образ хусусида қандай ечимга келса, шундай ўйнайди. Театрда ҳам актёрлар ижросини режиссёр назорат қилади, бироқ актёрнинг импровизацияси, топқирлиги ҳам инобатга олинади. Кинода қаҳрамон образи ёки бошқача айтганда, актёр ижроси режиссёр фильмни "йиғаётган" монтаж столи устида ўз якунига етади.

Кино санъати реал ҳаётга юқори даражада яқинлиги боис, актёрнинг фильмдаги ўйини ҳам барча шартлиликлардан, (баъзи жанрлардан, масалан, эртаклардан ташқари) холи бўлиши, табиийлиги, софлиги билан ажралиб туриши лозим. Хуллас, кинода ҳамма нарса ҳаётдагидек бўлиши керак. Шу билан бирга актёр ижро этадиган образ ҳам.

Кино санъатининг ўзига хос хусусиятлари актёрдан оғир, босиқ ижро услубини тақозо этади. Пластика, мимика, овоз имкон қадар ҳаққоний

бўлиши керак, негаки киноаппарат жуда нозик, илғаш қийин бўлган ҳаракатлар қарашлар, мимикаларни ҳам муҳрлаб боради. Агар улар реалликка (яъни ҳаётга) яқин бўлмасалар, нотабиийлик дарҳол кўзга ташланиб қолади. Ҳар қандай сохталик экранда дарҳол сезилади. Бунинг устига актёр шартли интерьерлар муҳитида эмас, очик табиатда, кўчада, хонада, совуқда, жазирамада, ёмғирда, қорда ҳаракат қилади ва ижроси ҳам шунга мос табиий бўлиши лозим. Кино декорациялари ҳам ҳар қандай шартлиликдан (эртак-фильмлардан ташқари) холи бўлиши шарт. Бугунги Америка, Европа киносида декорация яратиш савияси шу даражада кўтарилганки, уни "натурадан", яъни табиийсидан ажратиб бўлмайди. Айнан шу ҳолат ҳам актёрга ёрдам беради.

Актёрнинг кинодаги мазмундорлиги унинг ташқи шаклида лўнда ва аниқлик билан ҳам ифодаланади. Актёр ўйнаётган ролининг табиийлигига сурагга олишга бошчилик қилаётган режиссёр билан яқиндан ҳамкорликда эришади. Ҳар бир режиссёрнинг актёр билан ишлашда ўз услуби бор. Масалан, ўзбек бадиий киноси асосчиси Наби Ғаниев актёрлар билан қуйидагича ишлаган: У ўз фильмига таклиф этилган актёрнинг касбий маҳоратини яхши билган, актёр роль ўйнаётганида уни ўз билими, обрў-мавқеи билан босиб қўймаган. Режиссёр ижрочини эҳтиётлик билан образ яратишнинг тўғри йўлига йўналтирган. Вақт жиҳатидан анча қисқа репетиция пайтларида у актёрга тўла озошлик бериб, ролни тўғри англаб олиш имконини яратган. Актёрлар ҳам ундан илҳом олиб, роллари юзасидан фантазия қилганлар, ўзаро фикрлашганлар, маълум бир эпизод ёки ролни қандай қилиб яхшироқ ҳал қилишни муҳокама этганлар. Мабодо бу муҳокамаларда роль учун зарур ечим чиқиб қолгудек бўлса, режиссёр актёрлар билан бирга уларни янада чуқурлаштиришга ҳаракат қилган. Наби Ғаниев ўз фильмларида роль ижро этаётган ҳар бир актёр билан сабр-тоқат, қунт ва меҳр билан ишларди. Шу боис, айнан Наби Ғаниев 1927 йилда биринчи бўлиб, "Актёр кинода" деб номланган китобни ёзган. Муаллиф ўз

китобида актёрнинг бадиий кинодаги ўрнини қандай тушунишини, кинода актёр ижросининг ўзига хос хусусиятларини, фильмни суратга олишдаги ўзига хосликларни баён этган эди.

Ўзбек киносида Раззоқ Ҳамроев Наби Ғаниев томонидан кашф этилди. У актёрни Наманган драма театри сахнасида кўриб, маҳоратини ҳаққоний баҳолаб, "Тоҳир ва Зухра" фильмидаги мураккаб образлардан бири тарихчи - шоир Нозим ролига таклиф этади. Бу Р. Ҳамроевнинг кинодаги биринчи роли эди, иккинчи роли эса К.Ёрматовнинг "Алишер Навоий" фильмидаги Алишер Навоий образи бўлди. Актёр ўзбек бадиий киносида кўплаб образлар яратишга эришди ва уларнинг аксарияти муваффақиятли чикди. Бу ютуқларга асос Н.Ғаниев томонидан қўйилганди. Актёр устози Наби Ғаниевнинг ижрочилар билан ишлаш услубларини кўп эслаб: "Н.Ғаниев репетицияларининг ҳар бири мароқли суҳбатга айланиб кетар, у киши фильмдаги образлар ҳақида жўшиб сўзлар, ўзи ҳам бизни қизиқиб тингларди. Шу тариқа у ёки бу қаҳрамон образи сайқалланиб, салмоқли бўлиб борарди. Домла айтардики: "Ролни ошириб юбормай ижро этиш керак. Яхшиси сал етказмай — 99 фоизга ижро этган маъқулроқ. Зеро воситалардан меъёрида фойдаланиш — ифоданинг душмани эмас" — деган эди. Худди ана шу тежамкор, меъёрдаги ижро киноактёр учун муҳим хусусиятлардан биридир. Кинода роль ижро этиш учун баъзида қийинчилик туғдирадиган вазиятлардан бири — суратга олиш жараёнида изчиллик ва кетма-кетликнинг бузилишидир. Турли сабаблар (об-ҳавонинг бузилиши, техниканинг бандлиги) билан фильм съёмкаси ҳар хил кетма-кетликда давом этиши мумкин. Масалан, режиссёр маълум бир сабабларга кўра фильмни боши, ўртаси ёки охиридан суратга олади. Бу кинога хос хусусиятдир. Бу хусусият фильмга жалб этилган барча қатнашчиларнинг диққат-эътиборида бўлиши лозим. Бундай вазият актёрдан катта маҳорат талаб этади. Зеро, актёр у ролга тезда киришиб, дуч келган эпизоддан ўйнаб кетиши учун ролни жуда яхши билиши лозим бўлади. Театрда воқеа бир пайтда бошланиб,

белгиланган вақтда яшайди. Актёр спектакль давомида қаҳрамони ҳаёти билан яшайди. Бу жараён узлуксиз давом этади. Буюк файласуф Аристотель фикрига кўра, қаҳрамон спектакль давомида бахтсизликдан бахтлиликка қадар ҳаракат қилади. Кинода бу жараён бўлиб-бўлиб олинishi мумкин. Биринчи кадрда қаҳрамоннинг йиғлаётгани олинса, кейинги кадрда унинг хурсандчилигини, қувончини тасвирлаши лозим. Бу ҳолатда актёр берилган шарт-шароитда роль ижро этиши талаб қилинади. Берилган шарт шароит – айнаи ҳаётнинг ўзи бўлиб эмас, унинг бадиий тарзда акс эттирилишидир. Кинода биринчи бор ўйнаётган актёрлар бундай ҳолатда кўпинча довдираб қоладилар. Лекин режиссёрлар бундай пайтда дебютантларга алоҳида эътибор берадилар. Кейинчалик фильмда ҳатто бир марта иштирок этган актёр киносинг бу хусусиятини англаб, ўзлаштириб олади, режиссёр эса доимо унга бошчилик қилиб туради.

Театрда бўлгани каби кинода ҳам актёр ўз нутқи устида ишлаши муҳим ўрин эгаллайди. Театрдан фарқли ўлароқ, кинода сўз тежаб ишлатилади. Актёрнинг фильмдаги ижросини бошқа ифода воситалари билан тўлдириб борилиши боис диалоглар қисқароқ бўлади. Лекин театрдагига нисбатан кинода сўзлар ҳажми қанчалик кам бўлмасин, барибир сўз орқали асар мазмунини, чуқур тағмаёноларни очиб бериш лозим бўлади. Зеро, айнан сўзда қаҳрамон ички олами, унинг хатти-ҳаракатининг сабаблари яширин бўлади. Кино актёри ҳам театрдаги каби товуш оҳанги, имо-ишораси, хатти-ҳаракатлари билан лозим бўлган пайтларда айтилган сўзларни "мустаҳкамлаб" боради. Шу боисдан аниқ, ифодали, оҳангдор, образли нутқ нафақат театрда, кинода ҳам жуда зарурдир. Оҳангдорликда, унинг турланишида, фильм қаҳрамонининг ҳис-туйғуларигина эмас, унинг характеридаги миллий фазилатлар ҳам юзага чиқади. Ўзбек бадиий киносининг энг яхши фильмларидаги қаҳрамонларнинг нутқлари ўзининг юксак маданияти билан ажралиб туради. Бу кинода мунтазам қатнашиб келган ўзбек театри актёрларининг маҳорати туфайлидир. Улар ўзларининг

театрда орттирган тажрибалари билан ўзбек киносидаги ижро, нутқ маданиятини бойитадилар. А.Ҳидоят, Ш.Бурҳонов, А.Исмаев, О.Жалилов, Л.Саримсоқова, М.Ёқубова, О.Хўжаев, Н.Раҳимов, Р.Ҳамроев, А.Бакиров, Ҳ.Умаров ва Ё. Аҳмедов каби сўз усталари, бугунги кунда эса Р. Иброҳимова, Т. Юсупова, М. Исмоилов, С. Раметова, Ф. Жалолов, Б. Муҳаммадкаримов, А.Абдувахобов, З. Солиева, Р. Абдуллаев, Д. Кубаева, Ш. Тўхтаева, Райҳон Уласенова сингари театр актёрлари иштирок этган фильмларда сўз жозибаси, овоз жаранги юксак даражада эканлиги яққол сезилади.

Ўзбек театрининг актёрлари кинода илк бор роль ўйнаб, унинг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириб олар эдилар. Кинодаги роллари уларнинг театрдаги ижодларига ҳам ёрдам берарди, маҳоратларини ўстирарди, ижрочилик санъатларининг янги қирраларини очарди.

Кинода актёр ижросининг яна бир хусусияти – қаҳрамон ўй-фикрларини имо-ишора, хатти-ҳаракат, мимика, кўз нигоҳлари орқали ифода этишдир. Айниқса, тасвир йирик планда бўлса, шу усуллар кўпроқ қўлланади. “Яна ўша Н.Ғаниевнинг “Тоҳир ва Зухра” фильмидаги “Ов” сахнасини эслайлик. Режиссёр бу эпизодни яратишда актёрнинг (сўзидан ташқари бўлган) ифода воситаларидан маҳорат билан фойдаланган. Эпизод тўлалигича хатти-ҳаракатлар асосида қурилган. Оператор уларни йирик планларда суратга туширган. Эпизод ўзининг сўзсизлигига қарамасдан зарур фикрий ва ҳиссий асосларга тўла бўлган. Ёки Тоҳир билан Қоработирнинг яккама-якка олишуви эпизодини эслайлик. Содир бўлаётган воқелик, олишаётганларнинг кайфияти, жангни хавотирлик ва кўрқув билан кузатаётган Зухра ва унинг хизматкори аҳволи, Қоработирнинг нафрати ва ғазаби, Тоҳирнинг диққат билан олиб бораётган мардонавор кураши шиддатли, ҳаракатчан мизансаҳналар ва йирик планларда ифодалаб берилади. Шу лавҳаларда актёрларга мусиқа ёрдамга келади, улар ҳаракатидан юзага келувчи ҳиссиётлар, кечинмалар яна ҳам таъсирчанлик

касб этади”²⁹.

Жаҳон киноси тарихида актёрни, асосан унинг ташқи қиёфасига қараб танланган пайтлар бўлган ва ҳозир ҳам учраб туради. Чунки сценарий ёзилаётгандаёқ қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси таърифланади ва режиссёр шу таърифга мос актёрни излайди. Лекин кўпинча постановкачи режиссёр фильмнинг кассабоплигини назарда тутган ҳолда эстрада юлдузларини таклиф этаяпти. Айниқса, бугунги кунда бу ҳолат тез-тез такрорланиб турибди. Бошқа фильмда суратга тушиб муваффақият қозонган “юлдуз” менга ҳам шуҳрат келтиради, деб ҳисоблаш бугунги кун одатига айланиб қолгани ачинарли ҳол бўлиб қолди.

Голливудда ташкил қилинган "юлдузлар" системасида актёрларнинг, айниқса, актрисаларнинг ташқи қиёфаларига алоҳида эътибор берадилар. Америка киносининг машҳур актрисаси Мэрилин Монро ("Джазда фақат қизлар") ажойиб истеъдод эгаси бўлишига қарамай, режиссёрлар унинг ташқи гўзаллигига эътиборларини қаратганлар ва актрисанинг шу хислатини аямай “эксплуатация” қилганлар. Албатта, режиссёрлар ўз фильмларида бош ролларни келишган актёрлар ижро этишига интилишади, чамаси, улар гўзаллик инсон маънавиятини ифодалайди, дея ўйлашади, шекилли. Кино тарихи режиссёрларнинг бу фикрини тасдиқловчи кўплаб мисолларга эга, лекин бундай фикрларни рад қиладиган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Ташқи кўриниш кинода маълум аҳамиятга эга албатта, лекин у ҳал қилувчи эмас.

Замонавий жаҳон киносида режиссёрлар, энг аввало, актёрнинг бой маънавий оламини, ижрочилик маҳоратини, истеъдодини афзал кўрмоқдалар. Ҳа, баъзи фильмлардаги қаҳрамонлар учун келбатли, мушакдор, спортнинг оғир тури билан шуғулланадиган актёрлар керакдир. Лекин бугунги кинодаги умумий тенденция – актёрнинг ташқи кўринишидан устун турувчи истеъдоди, ақл-заковати ва ниҳоят маънавий сифатларидир. Кино санъатида

²⁹ Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент: «ЎзМЭ» Давлат илмий нашр., 2009. Б. 5.

театрдан фарқли ўлароқ, актёр ижроси учун синов бўлувчи йирик план деган тасвир воситаси бор. Йирик план жуда ўткир, нозик бўлиб, дарҳол актёрнинг бор имкониятини, ижро савиясини, маҳоратини худди рентген каби аниқ ва тиниқ кўрсатади. Шунинг учун режиссёрлар ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланадилар.

Замонавий кино қаҳрамоннинг хис-туйғулари, фикр-ўйлари, унинг бегона кўзлардан яширин ички оламини нафақат йирик планда—монолог орқали бериши, балки замонавий кино уни сюжет йўли билан ёки тасвирий ечим орқали ифодалашга ҳам қодир. Инсон хотиралари, тасаввурлари кинода яққол ва аниқ намоён бўлгани боис қаҳрамон қалби, ўй-мақсадлари, орзу, умид, изтироблари томошабинни чуқур ҳаяжонга солади. Кино ижодкорлари инсон ички оламини ана шундай услубда тасвирлашни аллақачон ўзлаштириб олдилар. Чунки бу усул ўткир ифодавий ва кучли эмоционаллик даражасига кўтаради.

Театрда бўлгани каби кино актёрлиги санъатида ҳам ампула мавжуд. Актёрдаги бу хусусият кинода кўпроқ қўл келади. Бир қатор актёрлар бутун ижодий фаолиятлари давомида деярли бир хилдаги ролларни ижро этганлар: ошиқ қаҳрамон, сўтак, кулгили, қаттиққўл, салбий, ижобий қаҳрамон кабилар шулар жумласидан. Кўпинча бундай ролларни ўйнаб келган актёрлар томошабин ёдида бир умрга сақланиб қоладилар. Ўзбек киносида Сойиб Хўжаев ва Бахтиёр Ихтиёровнинг комик образлари, яъни “Ёр-ёр”даги ота, “Тўйлар муборак”даги товук боқувчи отахон; “Темир хотин” фильмидаги Қўчқор, Шароф Бошбековнинг бошқа бир асари “Масхарабоз” фильмида ҳам иштирок этади. Роллар ўзгариб борса-да, аммо актёрлар томонидан яратилган образлар шундайлигича қолиб, фильмдан фильмга ўтган. Ампула комедиялардагина бўлиб қолмай, бошқа жанрларда ҳам кўзга ташланади. Актёр бир пайтлар маълум бир ролни зўр ижро этиб қўяди-да, сўнг бир умр унинг бандисига айланади. Жаҳон киносида фақат салбий қаҳрамонларни ёки бир хил пландаги образларни ўйнаган актёрлар кўпчиликни ташкил қилади.

Ўзбек киносида актёрлар Ё. Аҳмедов, С. Умаров, М. Абдуқундузов, Убайдулла Омон, Сайёра Юнусова, Мирза Азизов, Саида Раметова, Мурод Ражабовлар билан ҳам шундай ҳол юз берди. Уларнинг кинодаги аксарият роллари ё эшону муллалар ёки райком котиблари, киборли шахслар, эзилган Ота, меҳрибон Она, жоҳил эр, қайсар қайноналар бўлмоқда. Балки режиссёрлар юқоридаги актёрларни ташқи кўринишдаги салобатига, овоз тембридаги вазминлиги, киборлигига, аввалги ижроларига қараб ролга таклиф қилишаётгандир. Роллар характеридаги тафовутларга қарамай, актёрлар уларни бир хил ижро воситалари ёрдамида ўйнайдилар.

Мана шундай актёрлардан бири, юксак исътедод эгаси, маҳоратли актриса Саида Раметова халқимиз қалбидан жой олган инсон. Актриса театрдаги бой тажрибаларини кинода ҳам синаб кўриб, бир қатор муваффақиятларга эришган санъаткор. С. Раметова театрдаги фаолияти давомида турли характердаги ролларни ўйнаб келмоқда. Улар орасида муниса аёллар, шаддод жувонлар, қатикқўл қайнона, яхши дўст, тарихий сиймолар, замонавий, тадбиркор аёллар каби образлари билан ўз ижодий репертуарини бойитиб келмоқда. Актрисадаги чапанилик, шахдамлик, табиийлик образлар хилма-хиллигини, ишонарли ва асосли чиқишни таъминлаб туради. Санъаткорнинг кинодаги бугунги фаолиятини кузатадиган бўлсак, аксарият фильмларда қайнона, она ролларида кўрамиз. Актрисадаги изланувчанлик бирмунча пасайгандек. Фильмлардаги қаттиққўл қайнона роллари барчасида бир хил бўлиб қолиши кузатилмоқда. С.Раметованинг “Отамдан қолган далалар” (реж. Ш.Аббосов, 1998) фильмидаги Партия аъзоси ролида актриса ўзидаги барча актёрлик маҳоратини кўрсата олган. Буни унинг кино фаолиятидаги энг юқори чўққини забт эта оладиган образи деб айтиш мумкин. Актриса ушбу ролида шўро даври кишиларига хос инсоний фазилатлардан йироқ бўлган, совуққон шахс сифатида гавдаланади. У бош қаҳрамоннинг “Худо хоҳласа” деган жумласига жавобан: “Худо эмас, партия хоҳласа”, деб жавоб қайтариши

коммунистик партиянинг инсон тақдирини ҳал қиладиган қудратга эга эканлигини таъкидлайди. Актриса ижросидаги шундай характерли ролни кўрган ва унинг ижодий фаолияти давомидаги бошқа ролларни кузатиб борган томошабин актрисадаги бир хилликни дарҳол пайқайди. Ҳозирги кунда М.Ражабов, М.Абдулхайиров, С.Раметова, А.Ражабов, У.Қодиров, А.Узоқовларга нисбатан ҳам киноя, ҳам норозилик билан “яна шуларми” дейишлари одат тусига кириб қолди. Афсуски, актёрларимиз бир қолипга тушиб қолаётгани ачинарли ҳол. Нега энди театрда турли, ранг-баранг характердаги образларни ярата олган маҳоратли актёрларимиз кинода бир хил штампдаги ролларда қолиб кетаяптилар. Бунга сабаб нима экан? Бугунги кунда улар устоз санъаткор мақомига эга инсонлар, ёшларга роли устида, ўз устида ишлаш каби актёрлик маҳоратини оширадиган образлари билан намуна бўлишлари керак эмасми?

Бу жараён балки актёрларга эмас, балки режиссёрларга ҳам боғлиқ масаладир. Чунки режиссёрлар актёрнинг аввалги ролига қараб роль топширишади. Уларга имконият бериб турли характерли ролларни топшириб кўришлари керак, деб ўйлаймиз. Чунки актёр ўз имкониятларини кўра олмаслиги мумкин. Ташқаридан қараганда режиссёр актёрдаги кўз илғамас томонларни кўра олиш қобилиятига эга бўлишлари мумкин. Бироқ бизнинг бу фикрларимиз устоз санъаткорлар учун балки эриш туюлар. Чунки улар бундай имкониятларни кўп бора амалга оширишга муваффақ бўлганлар.

Бу масаланинг ечими фақатгина актёрларга боғлиқ, десак янглишмаган бўламиз. Фақатгина моддий тарафини эмас, маънавий томонларини ҳам ўйлаб сценарий билан танишиб чиқилса, қайтариқ роллардан қочилса ёки ўша ролни ўйнашни хоҳлашса, ижронинг бошқа усулларида, янги-янги топилмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки инсонлар табиатан бир-бирларига ўхшаса-да, қайсидир жиҳати билан бир-биридан фарқ қилади. Актёрлардан ана шу тафовутни фарқлай олиш эса ижодий изланишни талаб этади.

Театрда бўлгани каби кинода ҳам актёр ўз амплуасини ёки ролларининг бир хилдалигини янчиб ўтиши мумкин. Кино санъатида ўз ўрнига эга бўлган таниқли ўзбек театр актёри Бахтиёр Ихтиёровни жиддий жанрларда ҳам маромига етказиб роль ижро этганини маълумотлардан билиб олиш мумкин. Бир қатор кинокомедияларда суратга тушган Б.Ихтиёровни биз комик актёр деб ҳисоблаймиз. Биз унинг ўзига хос амплуаси ва образ яратишдаги бир хил ижро воситаларига ўрганиб қолганмиз. Лекин бу актёр драматик ижро маҳоратига ҳам эга.

1971 йили режиссёр У.Назаров яратган «Шиддат» фильмида Б.Ихтиёров ўзига ёпиштирилган амплуа ниқобини олиб ташлади. У томорқа ҳисобига пахта далаларининг кенгайтирилишига очиқчасига қарши чиқишга журъат этган Олим исмли йигитнинг ўткир драматик образини яратди. Б.Ихтиёров бу ролни ички ҳис-туйғулари тугён урган бир ҳолатда ижро этадики, натижада унинг қаҳрамони томошабинда хайрихоҳлик ҳисларини уйғотади. 1977 йили Б.Ихтиёров Р.Ботировнинг «Ажойиб ҳаёлпараст» фильмида тезда бойиб кетиш илинжида қуёнлар кўпайтиришни ихтиёр этган, аммо шунинг баробарида шахс сифатида майдалашиб, инсонийлик қиёфасини йўқотиб бораётган қишлоқ врачининг образини яратган эди. Бу роль драма ва комедия воситалари туташувида яратилган бўлиб, актёр ижрода образнинг ана шу икки қиррасини очишга эришганди. Режиссёрлар У.Назаров, Р. Ботировлар бу фильмларида таниқли комик актёр Б.Ихтиёров маҳоратидаги ана шу янги қирраларни очиб бердилар. Яъни текширувга келган болаларни бараварига оғзини очиб, томоғини текшириши, севган аёлини бахтли қилишга ҳаракат қилиш жараёнида бир неча кулгили ҳолатларга тушиши, ҳали амалга ошмаган орзуларидан сармаст қаҳрамони, осмондаги қирғийнинг қуёнларга ҳужум қилишидан кўрқиб, уни ҳайдашлари қишлоқ врачининг ачинарли ҳолидан дарак беради. Бироқ бош қаҳрамон Ҳасан хоҳ у кулгили ҳолатга тушсин, хоҳ ачинарли ҳолга, ягона мақсади севиқли хотинини бахтли қилиш эди.

Кинонинг санъат сифатидаги ноёб хусусиятларидан яна бири – бадий фильмларда типаж ишлатишдир. Типаж – актёр эмас. Режиссёрлар ўйлаган образни ифодали, ҳаққоний ва табиий чиқиши учун кўпинча профессионал бўлмаган ижрочилар ҳам фильмда катнашадилар. Типажлар кўп сонли даъвогарлар ичидан ёки режиссёр ассистентларининг турли ташкилотлардан ёки тўғридан-тўғри кўчадан излашлари натижасида қидириб топилади ва танлаб олинади. Режиссёрлар типажларни танлашда уларнинг ташқи кўринишига, ўйнайдиган ролга нечоғлик мувофиқ келишига қарайдилар. Тажрибали режиссёр бу мувофиқликни дарҳол илғайди. Типаж ўзи мос келадиган ролини ижро этаркан, гарчи уни грим қилишса ҳам қаҳрамон ҳолатига кирмайди, балки режиссёр таклиф этган шарт-шароитларда ўзини-ўзи ўйнаши актёр ва типаж ўртасидаги принципиал тафовутни билдиради. Гарчи у истеъдодли бўлса-да, бошқа касб эгаси. Маълумотларда келтирилишича, йигирманчи йилларда кинода махсус “типаж назарияси” ишлаб чиқилган. Унинг моҳиятида актёр бўлмаган кишилар фильмларга жалб этилса, кинода бадий ифодавийликка, ҳаққонийликка тўлиқроқ эришиш мумкин бўлади, деган фикр ётар эди.

Бадий кинонинг дастлабки ривожланиш босқичида мелодрамалар, юракларни эзувчи драма ва трагедиялар яратилган ва уларда актёрлар кинонинг бошланғич даврига хос энг ёмон анъаналарида нотабиий пластика, хатти-ҳаракат ва имо-ишоралар орқали роллар ижро этганлар. Шу боисдан ҳам 20-йилларда соҳага янги кириб келган ёш киночи новаторлар бундай ижро усулини қабул қилмадилар. Кинода ҳаққоний образларни фақат актёрлар ярата оладилар, деб ҳисобладилар.

Типаж ҳар қандай шартлиликдан холи, табиатан айнан ҳаётийликка яқин бўлгани боис кино санъати ундан фойдаланади. Театрда типаж асло мумкин эмас. Рус театри тарихидан биламизки, К.С. Станиславский ҳаққонийликка эришиш учун, масалан “Зулмат салтанати” («Власть тьмы») спектаклида ҳақиқий деҳқон аёлини киритганди. Унга бор-йўғи ниманидир

хиргойи қилган ҳолда сахна бўйлаб юриб ўтиш, кимнидир чақириш вазифаси юкланади. Сахнада ҳақиқий ҳаёт юзага келади. Лекин, режиссёрнинг тан олиб айтишича, у бу ниятидан дарҳол воз кечишга мажбур бўлган, негаки деҳқон аёлдан кейин театр санъати шартлилигини ўзида мужассам этган профессионал актёрларнинг сахнага чиқиши мумкин бўлмай қолган. Зеро ўртада қандайдир сохталик пайдо бўлган. Типаж театр учун тамоман ёт эканлиги аён бўлган.

“Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деган ўзбек мақоли бекорга айтилмаган. Чунки ҳар бир соҳанинг ўз билимдони, ўз устаси бўлади. Профессионал касб эгаси ўз касбининг масъулиятини, қонун-қондасини, меъёр ва даражасини яхши билади. Бунинг учун у махсус олий даргоҳда касб сирларини ўрганиб, турли малака ва кўникмаларга эга бўлади. Масалан, шифокор ишини дурадгор бажара олмайди-ку, нега энди актёр бўлмаган юрист, дизайнер, шифокор кинода ўзини синаб кўриши керак. Кино улар учун синов майдоними ёки санъат асари яратиладиган маконми? Улар қайси манбаларга таяниб роль ўйнапти? Уларда кечинма санъати мавжудми? Агар шунчалик актёрлик санъатига қизиқар экан, махсус олий ўқув юртларида ўқиши, ҳеч бўлмаганда актёрлик маҳоратини шакллантирадиган студияларда таълим олса бўлади-ку. Бу саволларга жавоб топишга тадқиқот жараёнида имкон даражасида ҳаракат қилдик. Айбдорларни қидириш балки яхши эмасдир. Бироқ уларни кимлардир кинога таклиф этаяпти-ку. Балки ўша кимлардир фильмнинг моддий томонларини назарда тутаётгандир. Режиссёр, фильм директори кимни кинога таклиф этишдан аввал томошабинга айтадиган гапини шу актёр ёки актриса етказа оладими, деган саволни ўз олдиларига қўйиб кўришлари керак. Нима бўлганда ҳам кино соҳаси синов майдони эмас. У – санъат асари. Санъат асари кишиларга маънавий озуқа, руҳий мадад, маданий ҳордиқ бериши керак. Юқорида айтилганидек, типаж қаҳрамон ҳаётида яшамайди, у вазифасини бажаради. Театр актёри эса қаҳрамони билан кулади, йиғлайди, яшайди. Қаҳрамони ҳис-туйғуларини ўз

бошидан кечиради.

Кўпчилик томонидан маъқулланмаган ишнинг ҳам бир яхши тарафи бўлади. Шундай экан, кичиккина эпизод билан кинога кириб келган айрим шахслар келажагини санъатсиз тасаввур этолмай қоладилар. Таниқли актёрларимиздан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурайим Абдувахобовнинг “Шум бола” фильмидаги роли унинг келажагини белгилаб берди. 1977 йили Даврон Салимов томонидан суратга олинган «Шум бола» фильмидаги ўта мураккаб бош қаҳрамон ролини мактаб ўқувчиси А. Абдувахобов ўйнайди. Унинг бу фильмдаги муваффақияти келажакда театр актёри бўлишига туртки бўлди.

Кинода – бадиий фильмларда ролларни турли актёрлик мактабига мансуб бўлган, турли йўналишлардаги театрларга алоқадор актёрлар типажлар билан ёнма-ён ижро этишлари мумкин. Бундай турфа характерли бирлик фақат кинода бўлиши мумкин. Ягона мақсадга интилувчи актёрлар ансамблини йиғиш режиссёр вазифасига киради. Агар режиссёр бу масалани ижобий ҳал эта олса, у фильмда дарҳол ўз самарасини беради. Ш. Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап» комедиясидаги ролларни Миллий театр актёрлари М. Ёқубова, И. Болтаева, Муқимий номидаги театр актёрлари Л. Саримсоқова, Ҳ. Умаров, Р. Ҳамроев, киноактёр Р. Пирмухаммедов, типажлар Х. Исҳоқова, Р. Ризамуҳаммедова, А. Алиевлар ижро этишган. Режиссёр бошчилигида ушбу ижрочилардан шундай ижодкорлар ансамбли тузилдики, натижада улар ўз олдиларига қўйилган вазифани ажойиб тарзда адо этдилар. Демак, типаж ҳам ўз вазифасини аъло даражада бажариши камдан-кам ҳолларда рўй бериши мумкин. Бу режиссёрнинг актёр билан ишлаш услубига боғлиқ десак, адашмаган бўламиз.

Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли режиссёр Мэлис Абзалов касбий фаолияти давомида кўпгина атоқли режиссёрлар билан ишлаганини айтади. Ва шунда журналистнинг қайси устозингизнинг ишлаш услуби ёқди ва

кимнинг услубини дастуруламал қилиб олдингиз, деган саволига: “Ҳамманинг иш услубини ўргандим, лекин ҳеч кимнинг иш услубини қўлламадим, ўзимнинг услубимга кўра иш олиб бордим. Менинг услубим – ролни чиқара олмаган актёрга қандай ўйнаш кераклигини тушунтириш”³⁰ – деб жавоб беради. Бундан кўриниб турибдики, фильмга профессионал актёрни ҳам, типажни ҳам тўғри танлай олиш режиссёрнинг маҳоратига боғлиқ экан. Муаллиф, режиссёр, оператор ва актёрнинг ижодий маслакдошлиги фильмнинг муваффақиятини таъминлайди. Ҳамкорликнинг ажойиб меваси бўлган бу фильмлар эса ўзининг қизиқарли саргузаштлари, ички-ташқи рангдорлиги, томошабоплиги, ёрқин қаҳрамонлари билан кишилар маънавияти ўсишига ҳисса қўшади, кино санъатидан завқ олишига ёрдам беради, бир марталик эмас, бир неча бор кўришга арзийдиган санъат асарига айланади.

“Тасвирга олиш майдонига келган актёр ким? У профессионал кино актёрими, театр актёрими ёки шунчаки ҳаваскорми – томошабинни қизиқтирмайди. Фильм экранга чиққанида, актёрлар бир-бирига мос эмаслиги маълум бўлиб қолганида бу камчиликлар кўзга ташланади. Томошабин жуда зийрак, уларни алдаб бўлмайди”³¹. Демак, кино ижодкорларидан ҳар бир персонаж устида ишлаш жараёнида унга муносиб актёр топиши режиссёрлик маҳоратининг бир кўринишидир. Бинобарин, актёрлар танлови фильм муваффақиятининг кўпроқ қисмини эгаллайди.

Шундай қилиб, актёр кинода етакчи ўрин эгаллайди. Актёр санъати барча кино турларининг таркибий қисми саналади ва бошқа тасвирий воситалар уйғунлигида уларнинг бадиий ифодалилигини таъминлайди. Шундай экан, кино санъати театр санъатидан “энергия” олади. Шу боис кинорежиссёрлар театр фаолиятини кузатиб боради. Бундан ташқари, театр

³⁰ Иброҳимова Р. Театр ва кино–қўш қанот. // –Театр, 2012. 6-сон. –Б.39.

³¹ Тешабоев Ж.Герой крупным планом: актери театра в узбекском кино. -Ташкент: изд. Г.Гуляма, 1972. – С..86.

сахнасида тарбияланган актёр билан ишлаш қайсидир маънода режиссёрларга осонроқ кечади. Чунки актёрнинг ўзига хос образ яратиши унинг театрдаги фаолияти билан боғлиқ. Саҳна актёрни чархлайдиган муқаддас даргоҳ ҳисобланди. У бугун йўл қўйган хатосини эртага тузатишга ҳаракат қилади. Шу сабабли ҳам кинорежиссёрлар фильмга актёр танлашда саҳна сирларидан хабардор, ўз касбининг устаси бўлган ижодкорларга мурожаат этадилар. Бугунги кунда жамиятимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган замондошларимизнинг меҳнатларини саҳна ва экранда замонавий талқинда ёритишда театр ва кино ҳамкорлиги қўл келиши табиий ҳолдир.

II. 2. Сурат ва сийрат: Лола Элтоева ижроси талқини

Ҳар бир гулнинг ўзига хос муаттар ва хушбуй ҳиди бўлганидек, ҳар бир санъаткорнинг ҳам ижодий қиёфасини белгилаб берадиган ўз мавзуси, ўз услуби, ўз овози ва ўз табиати бўлади. Биз сўз юритадиган ажойиб санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма театри актрисаси Лола Элтоева ҳам ўзига хос такрорланмас ижодий қиёфага эга бўлган артистлардан биридир.

Кино санъати кишилар қалбига гўзаллик уруғларини сепувчи сирли бир ижод соҳаси. Бу санъатнинг қудрати шундаки, у драматург, режиссёр, оператор, актёр, рассом, бастакор ва бошқа кўплаб кишиларнинг ижодий меҳнатини бир бутун қилиб бирлаштирувчи ижод маҳсули ҳамдир. Аммо мана шу кўп сонли ижодкорлар орасида бир зот борки, у сахна санъатининг табиатини, жозибасини, эстетик таъсир кучи ва моҳиятини белгилайди. У ҳам бўлса қадим юнондан то шу кунга қадар сахна қироли ҳисобланмиш жаноб актёр, десак муболаға бўлмайди. Бундай дейишимизнинг сабаби, муаллифнинг айтмоқчи бўлган дардини, у яратган адабий образларга сахнада жон бағишлайдиган, унга қалб кўрини, билими ва маҳоратини сарфлайдиган, режиссёр қарашларини рўёбга чиқарадиган, барча ижодкорлар меҳнати, ғайрати, иқтидори, интилишлари ва изланишларини ўзининг ижодида мужассамлаштирадиган бу сахнанинг яккаю-ягона хўжайини актёр. “Сахнанинг ягона шоҳи ва султони бу истеъдодли артистдир”³² - деган эди, улуғ реформатор К.С.Станиславский.

Лола Элтоева талабалик давридаёқ театр ва кинода ўз чиқишлари билан мухлисларга эга бўлди. Бу актрисанинг кўзлари доим чакнаб туриши, самимийлиги, юзидаги доимий табассуми ҳар бир кишини бефарқ қолдирмайди. У яратган турфа қиёфалар, тақдирлар, шунингдек, жабрдийда, жафокаш, қисмати фожеавий, шу билан бирга қувноқ, атрофдагиларга

³² Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.155

хушнудлик улашувчи образлари билан аллақачон санъатсеварлар орасида эътибор қозонган. Бунга сабаб эса актрисанинг ўзи яратаётган қаҳрамонлари руҳиятини жуда нозик ҳис қилиши, аниқроғи, улар қиёфасида яшашга интилиши бўлса, ажабмас. У роль ижро этмайди, балки яратаётган образи қиёфасида яшайди. Балки шу сабаб актриса ижросидаги қиёфаларни соғинамиз, уларга ҳамдард, ҳамфикр бўлгимиз келади.

Инсоннинг феъли ҳаётини белгилайди, дейишади. Баъзан биргина воқеа ҳам инсоннинг ҳаётини бутунлай янги ўзанга тушириб юбориши, қуйилиш марказини аниқлаб бериши мумкин. Ким билади, ташқаридан оддийгина бўлиб кўринган ушбу сабаб бўлмаганида, бугун ҳаммамиз севиб, ардоқлайдиган Лола Элтоева актёрлик касбини танламаган бўлармиди? Сабаб эса битта - унинг адолатга интилиши.

Лола Элтоева онасининг қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ўқишга киради. Уни “Илҳом” театри учун экспериментал гуруҳга қабул қилишади. У илк ижодий меҳнат фаолиятини шу театр саҳнасидан бошлади. “Илҳом” театри Шекспирнинг “Қайсар қизнинг қуйилиши” асарини саҳналаштиришда Катерина образини Лолага топширади. Актриса биринчи ролидаёқ муваффақият қозонди. Актрисанинг эслашича: “...Саҳнага чиқдим, томоша залини кузатдим, томошабинлар билан саломлашдим ва уларга “Қани менинг Петруччом?” деб мурожаат қилдим. Шу пайт залдан эркак кишининг “Шу ердаман!” деган овози эшитилди ва у саҳнага чиқиб кела бошлади. Мен каби ёш актриса учун бу кутилмаган ҳол эди. Вазиятдан чиқиш керак! Дарров ўзимни қўлга олдим ва кўйлақларим этагини икки ёнга қоқиб, “қо-қо-қо” дедим. Йигит ҳам саҳнада менга қараб “Ку-ка-ре-ку” деса бўладими. Мен томошабинларга қараб “Мана менинг хўрозим” дедим. Залда кулги кўтарилди. Залдан сеvimли

актрисам Ойдин Норбоеванинг “Яша, баракалла” деб олқишлаши менга қанот бўлди ва вазиятдан тўғри чиқиб кетганимга ишонч ҳосил қилдим”³³.

Ана шундай истеъдодли актриса шу кунгача театр сахнасида “Муҳаббат султони” спектаклида Лайли, “Кулойим”да Кулойим (Золушка), “Жиноят устида ушлансин”да Суюнгул, “Соҳибқирон”да Чўлпонбегим, “Пири коинот”да Зухайл, “Уфқ”да Зеби, Ойбек таваллудига бағишлаб сахналаштирилган “Адибнинг умри” спектаклида Зарифа Носирова, “Увайсий”да Қуёшхон, “Ўзбекча ракс”да Мария Пономарёва ва Ғарб асарларидан “Тун албатта ўтади” спектаклида Мария, “Макр ва муҳаббат”да Луиза каби серқирра ролларни томошабинлар эътиборига ҳавола этган. Актриса ижодини кузатадиган бўлсак, театрдаги роллари турли характердаги қаҳрамонлар. “Бевалар”да қўшни Қумри ғийбатчи, ўйламай гапирадиган, ҳамма нарсага қизиқувчи комик персонаж. Актриса бу ролни ўзига хос чизгиларда ифодалайди. Актрисанинг баъзи ҳаракатлари: рўмол ўрашлари, қизиқувчанлиги, чаққонлиги “Келинлар қўзғолони”даги Соттини эслатади. Эри Шерқўзи (Ў.Менглиев) маст ҳолда бўлганда ўзини паст олиши, катта-катта кўзларини пир-пиратиб, “..сиз нима десангиз, мен ўшаман”, деб туришлари, эри соғ пайтида эса ўзини хўжайиндек тутиши оқимга қараб иш кўришидан далолат беради.

Драма жанридаги “Адибнинг умри” спектаклида адиб Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Носирова – психологик қаҳрамон бўлиб, иродали, маърифатли, маънавиятли ва зиёли аёл. Л. Элтоева бу ҳақда шундай дейди: “Зарифа опадан ўрганадиган жойи кўп эди. Энг аввало, улар ҳақида маълумот қидиришга тушдим ва Ойбек домланинг уй-музейига бордим. Кийимлари турган шкафни сўраб очдирдим. Уларни қўлимга олдим, кийгим келди. Рухсат беришди. Кийдим, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Зарифа опанинг кийимлари менга лойиқ экан. “Сизга ўхшаган жуссали эдилар”, дейишди

³³ Сухбатдан. 2014 йил 30 январь.

ҳолатимни тушуниб. Бош кийимларини кийиб, “ролим яхши чиқсин, сизга муносиб бўла олай”, дея хаёлан оқ фотиҳа сўрадим”³⁴.

Актрисанинг роль устида ишлаши, қаҳрамонининг ҳаётини ўрганиши касбига бўлган меҳридан, масъулиятидан далолат дейиш мумкин. У Зарифа ролини ижро этар экан, ундаги ирода, ёрига бўлган садоқат, адибнинг қийналган дамларида суянчиқ, қўли ишламай қолганда қўл, гапиролмай қолганда тил бўлиб ўзбек адабиётининг равнақиға хизмат қилганини ифодалади. Лола Элтоева бу ролни шунчалик ишонарли ва таъсирчан ижро этдики, ундаги бу ҳаракатлар кўзларидан, сўзларидан, ҳар бир интонация, паузаларда сезилиб туради. Актриса Зарифа Носированинг маърифатли, иродали, ўқимишли, вақти келганда қатъиятли тарафларини очиб берди.

Тарихий спектакль—“Увайсий”да Қуёшхон маърифатли, шоиртабиат аёл. Кўпчилик томошабин эътиборини қозонган “Ўзбекча рақс” спектаклида рус қизи Мария Пономарёва Ўзбекистонга муҳаббати туфайли келиб қолади. У Турсунбойға бўлган севгиси йўлида Ватанини, ота-онасини ташлаб келади. Мария Ўзбекистонга келиб, ўзбек аёлининг сабриға, матонатига, ўзбек халқининг болажон-у, бағрикенглиға тасаннолар айтади. Ва у ҳам бир ўзбек аёли сингари умр кечиради. Лола Элтоева ижросидаги барча роллар ўз мухлисларига эға бўлиб, улар ўз севимли актрисасини яна бир бор кўриш учун театрға кириб келадилар.

У ўзининг туғма истеъдоди, мафтункор чехраси, табиат берган ҳақиқий қобилияти билан бутун халқини, театр жамоасини, қолаверса, буюк режиссёрларни ўзига жалб этди ва уларнинг ҳурматини қозонди. Актрисанинг ижодини кузатар эканмиз, у нафақат театрда, балки кино санъатида ҳам ўз йўналишиға эғалиғи маълум бўлади.

³⁴ Раҳматуллаева Д. Жаннатмакон. 2006 йил ноябрь, Б.74.

Актриса ижросидаги бошқа спектакллар номини давом эттиришимиз мумкин, бироқ биз бу актрисанинг театр актёри сифатидаги фаолиятини эмас, кино санъатидаги ижодига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Санъат вакилларига маълумки, кино санъати вужудга келган пайтданок актёрларга бўлган талаб биринчи ўринда туради. Эндигина санъат тури сифатида шаклланаётган кино санъати ҳаваскор актёрлар билан иш бошлай олмасди. Чунки бу соҳа ўз йўналишини белгилаб олишида профессионал, тажрибали мутахассисларга эҳтиёж сезади. Бунинг натижасида театр актёрларига мурожаат этади. Юқорида айтиб ўтилганидек, кино соҳасида илк маротаба суратга тушган Асад Исматов, Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсокова, Марям Ёкубова, Раҳим Пирмуҳаммедов каби ёрқин сиймолар театр билан ёнма-ён кино соҳасида ҳам фаолият юритганлар. Театр – актёр учун ижодхона. У театр сахнасида ўсади, ривожланади ва жанрлар, роллар хилма-хиллигида чархланади.

Актриса кинорежиссёрлар таклифи билан “Ўтган кунлар” (режиссёр М.Абзалов) фильмида Зайнаб, “Дилхирож”да Салима, “Фазли” фильмида Она, “Эркак”да Мастура, “Қор қўйнида лола”да Хола, Голландия ижодкорлари билан ҳамкорликда олинган “Қорақалпоғистонлик чиптасиз қуён” картинасида Бибигул, “Воиз”да Ойдин, “Кўзларинг маъюс”да Ўғай она каби бетакрор роллари билан кино мухлислари қалбидан жой олган бўлса, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан суратга олинган “Абадият чархи”, “Тубанлик”, “Ҳақиқат куни”, “Аросат”, “Сўнгги лаҳза”, “Онагинам орзуси”, “Паризод”, “Унутма мени” каби бадиий фильмларда ҳам бош ролларни ижро этиб, образлар ранг-баранглигини ошириб бормоқда. Шунингдек, хусусий студияларда суратга олинган “Жазо”да Фарида, “Тундан тонггача”да Нодира, “Ўғлон”да Манзура, болалар учун яратилган “Қўзивойнинг саргузаштлари” фильмида Манзура, “Сўнгги кўнғирок”да директор ўринбосари каби бир нечта бадиий жиҳатдан пухта роллар ижро этиши билан кино санъатида ўзига хос йўналиш ярата олди. Унинг роллар

картотекасида драматик, комедик, трагик образларни кўриш мумкин. Бир-бирини такрорламайдиган турли жанрдаги бадиий образлар актрисанинг тинимсиз изланиши, яъни ҳар бир қаҳрамонининг ҳаётига бефарқ бўла олмаслиги, у билан яшаб, у билан кулиши, унинг дардини ўз бошидан ўтказиши ролнинг табиийлиги ва жозибасини оширишга хизмат қилади.

Актриса кино фаолиятини “Менинг исмим масҳарабоз” фильмидаги Тешаой образидан бошлагани унинг мухлисларига маълум. Актриса кичкинагина роль бўлишига қарамай қаҳрамонининг характерини кўрсатиб бера олган. Қувноқ, ҳазилкаш, шўх-шаддод ва беғубор Тешаой одамлар оғирини енгил қилишга, яхшилик уруғини сепувчи қиз характерида кўринади. Тешаой кўшиғида ўзи ҳақида маълумот беради. Сценарийнинг мукамаллиги кичкина эпизодик ролнинг ҳам аҳамиятини белгилаб бериши мумкин. Шароф Бошбеков қаламига мансуб ушбу кинофильм драматургнинг адолатсизликларга қарши ёзилган асарлари жамланмаси асосида суратга олинган.

Фильм битгач муаллиф–Ш. Бошбеков Лола Элтоеванинг ижросидан мамнун ҳолда, “Шу образингни каттароқ қилиб ёзсам бўларкан” деб хафа бўлган экан. Фильм тақдимотида актрисани томошабинларга таништирар экан, “Ҳурматли режиссёрлар, бу фильм ўзбек киносига янги қиёфани тақдим қилмоқда. Бу –Лола Элтоева, ҳали унинг ортидан “менинг фильмида ўйна”, деб юрасизлар”, дейди. Бу мақтов бўлажак актриса учун катта мукофот эди.

Аста-секин бадиий фильмларда суратга тушаётган актриса қаҳрамонлар характерини ифодалашда тинимсиз меҳнат ва изланиш олиб боради. Лола Элтоеванинг “Эркак” фильмидаги роли актрисанинг нечоғли камолга эришаётганидан далолат беради. Фильм “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан Эркин Аъзамов сценарийси асосида “Ўзбекфильм” киностудиясида яратилди. Таниқли режиссёр Юсуф Розиков, кинооператор Ҳотам Файзиев суратга олган мазкур фильмда юртимизнинг чекка қишлоқларидан бирида яшаётган оддий инсонлар ҳаёти тасвирланган.

Фильм орият ҳақида, ор-номус ҳақида. Инсоннинг инсонийлиги синалаётган, одамлар орасида меҳр-оқибат бирмунча сусайган бир пайтда бу фильмнинг ўрни анча салмоқлидир. Бу фильмнинг ютуқли томонлари шундаки, ундаги режиссёр, оператор, бастакор ижодий ҳамкорлигига қўшимча тарзда маҳоратли актёрлар ансамблининг танланилиши эди. Айникса, Л. Элтоеванинг Мастура образини фильмнинг бош қаҳрамони дейиш мумкин. Мастура–Л. Элтоева табиатан камсуқум, камгап, содда ва беғубор аёл. Унинг эри хорижга ишлашга кетаётиб, аёлини укаси Жамшидга топшириб кетади. Жамшид келинойисига қараш учун коллежга бормай қўяди. Аини ўртоқлари билан шўхлик қиладиган бир пайтда бу иш ўспирин йигитга ёқмаслиги табиий. “Қўриқчи” Жамшид келинойисининг “Қўзижон” деб чакиришидан норози. Мастура бунга эътибор бермайди ва яна Қўзижон деб атайверади. Мастура эри қайтгунча ота уйида болалари билан яшаб туради. Кунларнинг бирида Мастура Жамшид билан туман касалхонасида даволанаётган қайнонасини кўришга боради. Уйга қайтиш учун автобусга ўтиришади. Кўхликкина жувон шофёрнинг диққатини тортади. Шофёр автобус ойнасидан унга ғалати қарайди. Ўзига ташланган бу нигоҳдан сақланиш учун, хаёлан бўлса-да эрига нисбатан хиёнат қилиб қўйишни тасаввурига сиғдира олмаган Мастура биринчи тўхтаган бекатдаёқ тушиб қолади. Аёлнинг аёллиги унинг иффати, ибоси ва ҳаёсида намоён бўлади. Париқишлоқдан туширилган бу келиннинг кўзларида, унинг мунгли боқишларида ёрига вафо, садоқат, йўлига интизор кўз тикаётган қишлоқ аёли, ўзбекона ғурурни, аёллик ор-номусини юзига парда қилиб тутган ҳақиқий ўзбек аёли сиймосини кўриш мумкин. Унинг ним табассумида “қўриқчиси”–қайниси Жамшидга бўлган меҳри яширинган.

Лола Элтоева Мастуранинг қалбидаги туғёнларини кўзларида ифодалаган. Ҳаё ва ибо яширинган кўзлардаги маъноли қарашлар, камгап келиннинг ҳар бир ҳаракатидаги сермазмун ифодалар кадрларда ўз аксини топган.

Тарихий кинолар актриса ижодий фоліятида ўзига хос ўрин тутди. Бизга яхши таниш бўлган буюк адиб, ўзбек романчилигига асос солган А. Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асари Собир Муҳаммедов томонидан киносценарийга айлантирилиб, Йўлдош Аъзамов бошчилигида суратга олинган. Фильм халқимиз томонидан муваффақиятли кутиб олинган. Кумуш десак кўз олдимизда Гулчехра Жамилова, Зайнаб десак Гулчехра Саъдуллаевалар жонланади. Улар ушбу кинофильмда ўзларига хос ижодий йўналиш танлаб, ўзларига хос қиёфа яратдилар. Бу иккала истеъдодли актрисалардан кейин бу ролларни ижро этиш учун ёшлардан катта жасорат ва қаттиқ изланиш талаб этилади. 2004 йили режиссёр Мэлис Абзалов томонидан қайта суратга олинган “Ўтган кунлар” фильми биринчиси каби машхур бўлмаган бўлса-да, баъзи актёр–актрисалар ижроси таҳсинга лойиқ.

Биринчи вариантдаги Г. Саъдуллаеванинг Зайнабида Кумушга нисбатан адоват кучлилиги шундоққина сўзидан, хатти-ҳаракатларидан сезилиб туради. Кумуш уни ўзига қанчалик яқин олса, Зайнаб ундан шунчалик йироқлашади. Айниқса, Отабек, Кумуш, Зайнаб бирга лола сайрига чиққанидаги сахнани олайлиқ. Кумуш билан Отабек от чоптириб кетганида мезбон аёлнинг: “Қандай сулув, қандай гўзал. Бир-бирларига жуда ҳам мос экан”, деганда Зайнабнинг ҳолатини кузатинг. Унинг кўзларида Кумушга нисбатан нафрат, қасосни кўриш мумкин.

Лола Элтоеванинг Зайнаби эса Кумушни ўзига дугона ҳисоблайди. Янги талқинда Зайнаб Кумушга яқин бўлишни хоҳлаган сайин, Кумуш Отабек фақат ўзига тегишли эканини таъкидлашдан чарчамайди. Сўзларида ҳам, ҳаракатларида ҳам бу киноя яққол сезилади. Холисона қилиб айтганда, Зайнаб ҳам севишга, севилишга ҳақли. У севди, бироқ севгиси жавобсиз қолди.

Бу ҳақда актриса шундай дейди: “Фильм ижодкорлари Кумуш ролига синовга тақлиф этишган эди. Сценарий билан танишиш жараёнида менга Зайнаб жуда ёқиб қолди ва шу образни ижро этгим келаётганини билдирдим.

У нимаси биландир қалбимни жизиллатиб юборган эди. Зайнаб жуда мураккаб образ. Унга бирёқлама, яъни Кумушнинг жаллоди сифатида қараш нотўғри, бу каби талқин қийин ҳам эмас. Зайнаб характери очиш, уни ўзи яшаётган муҳит билан боғлиқ ҳолда талқин этиш, унинг ҳолатига тушуниб етиш, бу – мураккаброқ жараён, шунингдек, ижодкор учун қизиқарли ҳам. Кумушни жуда яхши кўрганим ҳолда, балки шунинг учун ҳам Зайнабни танлагандирман. У ҳам севади, севгиси учун курашади. Мен бу фильмда Зайнабни оқлашга ҳаракат қилдим”³⁵.

Н.Аббосовнинг “Абадият чархи” фильмида Л. Элтоева ижросидаги Азиза психологик образ бўлиб, унинг ҳаёт йўли ўтмиш ва бугун воқеалари асосига қурилган. У болалар уйининг тарбиячиси. Азиза табиатан қувноқ, санъатга ошуфта қалб эгаси. Кўринишидан у ҳар доим шундай бўлган дейиш мумкин. Бироқ қалбининг тубидаги ғамгин кунлари ўтмишини эсга солиб туради. У фарзандидан, турмуш ўртоғидан ажралган, юраги пора аёл.

Унинг болалар уйидаги фаолияти Азиза учун иккинчи ҳаёт. У ерда рассом йигит Фаҳриддин (Фаҳриддин Шамсиматов) билан танишади. Улар бир-бирига севги изҳор қилмаган бўлса-да, хатти-ҳаракатларда, кўз қарашларда муҳаббатлари акс этади. Фаҳриддин Азизага севишини айта олмайди. Чунки бунинг ўз сабаблари бор эди. Фаҳриддин икки ўғилнинг отаси, хотини иккинчи туғруқ пайтида оламдан ўтган. Катта ўғил онасининг ўлимида укасини айблайди. “Сен туғилмаганингда ойим ўлмасди”, деб болага озор беради. Бола бувасининг ҳикоясидан таъсирланиб, у айтиб берган тоғ ортига йўл олади. Ҳамма уни қидиришга боради. Азиза Фаҳриддинга далда бўлиб, у билан бирга қидиради. Бола топилганда, у худди онасини топгандай қувониб Азизани кучоқлаб олади.

Актриса ижросидаги бу роль ўзининг болажонлиги, бағрикенглиги, аёллик назокатининг ўзгалиги билан ажралиб туради. “Абадият чархи” икки

³⁵ Раҳматуллаева Д. Жаннатмакон. 2006 йил ноябрь, –Б.75

хаёт ўртасида яшаш демакдир. Азиза ўтмишини унутолмайди, янги хаёт бошлашга кўрқади. Бироқ фильм ўз номи билан “Абадият чархи” – хаётнинг давом этишидир. Чархпалак айланаверади, хаёт эса турли қувончу ташвишлар билан давом этаверади.

Лола Элтоеванинг фильмографиясини кузатадиган бўлсак, аксарият роллари хаёт гирдобида чарчаган, эзилган, маҳзун образлар. Бундай роллар актрисадан одатий ролларга қараганда кўпроқ меҳнат қилишни талаб этади.

Актрисанинг таъкидлашича, мураккаб тақдирли аёллар образини ижро этишдан кўркмайди, чунки бундай роллар актриса ижодий қирраларининг янги томонларини очишга имкон беради. Актриса мана шундай ролни ижро этиш асносида уларнинг бутун дардларини қалбидан ҳис қилади, қисматларини ўз бошидан қайта ўтказади. Мана шундай юкни елкасига олишдан чўчимайди-ю, бироқ уни онгли равишда танасидан қувиб чиқариш, бу ёш ва кичкина жуссали аёл учун осон кечмайди.

Фаолиятимиз давомида Лола опа билан кўпинча бирга суратга тушишга тўғри келган. Ана шундай пайтларда Лола опа ўзларидаги бор кечинма санъатини ишга солади ва бу вазиятдан, яъни руҳий ҳолатдан чиқиб кетиши қийин кечади. Мисол учун, Эргаш Мўминовнинг “Вақт қадри” сериалида иккаламиз, яъни мен тукқан боламни, у эса боққан боласини талашамиз. Лола опа шунчалик образга кириб кетадики, суратга олиш тугагандан кейин ҳам анча пайтгача ўзига кела олмайди. У қандай роль бўлмасин юзаки, шунчаки ўйнай олмайдиган актриса. У қаҳрамони ҳаётида чинакам яшайди.

“Маҳзун характердаги ролларни ижро этиш қийин, қаҳрамонинг дардларини ич-ичингдан ҳис қилиб ижро этмасанг, бутун ҳаракатларинг беҳуда. Томошабин сохталикни дарҳол сезади. Бироқ дардни ҳис қилиш жуда мураккаб”, дейди актрисамиз суҳбатда.

Актриса ижросидаги роллар табиийлиги, ҳаётийлиги ва бадиий яхлитлиги билан ажралиб туради. Ўзбек киноси оламига диний

хурофотларга, “оммавий маданият”га қарши курашувчи ижодкор сифатида кириб келган Ҳилол Насимов режиссёрлигида суратга олинган “Тубанлик” фильмида Лола Элтоева фарзандини жоҳил шахслар чангалидан сақлаб қолишга ҳаракат қилган она қиёфасида кўринади. Ушбу фильм бошқа фильмлардан мавзусининг долзарблиги билан ажралиб туради. У илмсизлик, саводсиз чала муллалар ортидан кўр-кўрона эргашиш, маънавий бўшлиқни бўлмағур хурофий бидъатлар билан тўлдириш, одамлар онгини бузғунчи ғоялар билан заҳарлаётган, инсонийлик туйғуларидан йироқ кишиларнинг қилмишлари натижасида кўпгина инсонларнинг ҳаёти заволятганлиги ҳақида.

Она–Лола Элтоева ҳали балоғат ёшига етмаган якка-ю ягона қизини ёши катта одамга турмушга беришга қарши туради. Норозилигини эрига айтганида қаттиқ калтак тагида қолади. Қиз онасига раҳми келиб отасига розилик беради. Эрига итоаткорлик, тақдирга тан бериш замирида вазият туғилганда қизини уйдан қочириб юборишга, вақтинчалик бошқа жойда яшаб туришини режалаштиради. Амманинг келиб қолиши уларнинг режасини барбод қилади. Атрофдагилардан полапонини сақлаб қолишларини ялиниб-ёлвориб сўрайди. Жавдираган кўзларда мунислик, тақдир зарбаси олдида ожизлигини ҳис қилади-ю, эрига, қайнсинглисига нисбатан нафрат учкунлари пайдо бўлади. Бу икки ҳолат: эзилиш ва нафрат. Фильмнинг охирги кадрларида қизнинг оламдан ўтиши, онанинг қалбидаги эрига нисбатан бўлган нафрат вулқондек отилиб чиқади-ю, эрининг ёқасига ёпишади, кўзига нафрат билан тикилади. Ўрта планда олинган ушбу кадрлар ижрочиларнинг юздаги ҳолатини – отадаги пушаймонлик ҳиссини ифодалай олган.

Ижродаги табиийлиги, ўз қаҳрамони ҳаётида яшаши, куйса-куйиши, йиғласа-йиғлаши, кулса-кулиши, қувонганда у билан бирга қувонишида эди. Онанинг қисмати файласуф Аристотелнинг фикрига кўра, “бахтлиликдан–

бахтсизликка” юз тутди. У қизининг аччиқ тақдиридан, ёшгина умрининг завол топишидан девонага айланди.

Театр ва кино актрисаси сифатида танилган Лола Элтоева бугунги кунда ҳеч бир танаффуссиз ижод қилаётган санъаткорлардан бири. Унинг ижодий биографияси турли-туман характердаги образлар билан бойиб бормокда. Актриса хусусий студияларда суратга олинган турли жанрдаги картиналарда ҳам ўзига хос услуб ярата олди. Айниқса, “Тундан тонггача 1-2”да Нодира, “Келгинди куёв”да Тўтинисо каби комедия жанрининг унсурларидан яхши фойдаланган. Комедия жанри бошқа жанрлар орасида энг қийин жанр ҳисобланиб, меъёрни унутмаслик лозим. Ўзи кулмай бировни кулдириш осон иш эмас. Тўтинисонинг катта пул топиб олгандаги ҳайратланиши оғиз қийшайиб қолишига олиб келиши, рўмол ўраш усулининг ўзгачалиги каби топилмалар ролнинг бадиийлигини, қизиқарлилигини ва комиклигини оширишга хизмат қилган. Ўзини замонавий, ақлли қилиб кўрсатишга уриниши кишида беғараз кулги уйғотади. Бу албатта актрисанинг театр ва кино фаолиятидаги бой тажрибаси ва изланишлари натижаси десак, муболаға бўлмайди.

Санъаткор учун энг юксак мукофот томошабинларнинг олқиши, қўллаб-қувватлаши ва хизматларининг эътироф этилиши. Бу бахтга Л. Элтоева бир неча бор эришган.

“Ўтган кунлар” фильмидаги Зайнаб роли учун 1998 йил Бухорода ўтказилган кинофестивалда “Энг яхши аёл” образи номинация ғолиби;

“M&TVA-2007” тақдирлаш маросимида “Йилнинг энг яхши актрисаси” номинацияси ғолиби;

Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлди.

Лола Элтоева иштирокидаги “Эркак” фильми Франциянинг Везуль шаҳрида ўтказилган Осиё мамлакатлари кинофестивалида бош соврин Гран-Прига сазовор бўлди.

II. 3. Ёш актёрларнинг кино санъатидаги фаолияти

Кинонинг бир муҳим жиҳати борки, қаҳрамон унда дилидаги бор гапни айта олмайди. Кинода сўз тежаб ишлатилади, асосан юз, кўз пластикасида ифодалаш керак. Сўз ўйинига қурилган қатор диалоглар томошабинни зериктириб қўйиб, мақсаддан узоқлашишига олиб келади. Кинодаги йирик, ўрта пландан фойдаланиш усули актёр нима демокчилигини кадрлар орқали қаҳрамон хатти-ҳаракатларида ифодалайди. Ана шунда ортиқча сўзга, изоҳга ҳожат қолмайди ва режиссёр мақсадини, оператор маҳоратини кўрсатиб бериш имкониятини беради. Бу билан қаҳрамонларнинг юз ифода воситаларидан ташқари юриш-югуриш каби хатти-ҳаракатларни ҳам, воқеа юз бераётган макон, муҳит, шарт-шароитни ҳам батафсил изоҳлашга ёрдам беради. Актриса ёки актёр камера олдида ишлар экан, ҳар бир ҳаракатини ўйлаб, англаган ҳолда ҳаракатланиб, белгиланган мизансаҳнадан чиқмасдан камера олдида роль ўйнайди. Театрда эса залнинг хоҳлаган бурчагига қараб, хоҳласа томошабинга юзланиб роль ижро этиш мумкин. Яна бир фарқни айтиб ўтиш жуда муҳим ҳисобланади. Театр саҳнасида ижод қилаётган актёр қаҳрамони ҳаётида маълум вақт оралиғида яшаб ўтади, спектакль ниҳоясигача унинг тақдири ҳал бўлади. Кинода эса бир неча йил аввал бўлиб ўтган ҳодисани кўрсатиш, келажакда ким бўлиши ва айнан яшаб турган бугунги куни бир вақтнинг ўзида кўрсатилиши мумкин. Кино санъатининг имкониятлари жуда кенгки, ундан моҳирлик билан фойдалана олиш иқтидорли режиссёрга боғлиқ.

Кино – синтетик санъат. Муаллиф илгари сурган фикр драматик сюжет, яхлит образ, маънодор тасвирий воситалар орқали талқин этилади. Сценарийчи ҳар бир эпизод, персонаж устида ишлар экан, кинематография воситаларидан фойдаланиш йўллари излайди. Ана шундагина у кинонинг барча компонентларидан ўринли фойдаланишга, сўз билан ифодаланадиган характерлар тўқнашувини пластик воситалар, актёрлар, операторлар ва рассом санъати билан ҳам кучайтира олади. Синтетик санъат сирларини

англаган ёзувчи сценарий фабуласини чизишда, воқеалар содир бўладиган жойни танлашда, образларнинг таъсир кучини оширишда ва ниҳоят киноистиора, маънодор пейзажларни тасвирлашда ихчам-кинобоп драматик композиция танлай олади, ҳаракатчан кинокамерани фақат кузатувчи ва воқеаларни бефарқлик билан лентага туширувчи эмас, балки кадрма-кадр динамик равишда ривожланиб бораётган воқеаларнинг қатнашувчиси, уларнинг психологик мотивларини ҳам равшан формада тасвирловчи жонли, сезгир аппаратга айлантиради. Натижада актёр ижод қилиши учун қулай шароит яратилади. Етарли драматургиявий “юк” билан таъминланган ҳар бир актёр учун муаллиф яратган муҳитда ўз қаҳрамонининг ички кечинмалари, психологик ҳолатларини ҳаётий чизиқлар, маънодор воситалар орқали очишга имконият туғилади.

Ана шу қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда ёзилган сценарий режиссёрга илҳом беради, унга ижодий ғайрат ҳадя этади. Сценарийнинг режиссёрлик кўрими ёзилиш даврида кинодраматург ижод қилган сюжет, персонаж, эпизодлар бойийди, драматургик жиҳатдан бақувват, сермазмун тасвирий образларга бой фильм учун замин яратади.

Юсуф Розиков, Зулфиқор Мусоқов, Ҳилол Насимовлар ижодида ана шундай драматургик ғоянинг кучли талқинини кузатиш мумкин. Улар актёр - актриса учун мукамал образ ярата оладилар. Бу режиссёрлар фильмлари учун ўзлари сценарий ёзадилар. Сценарий ёзиш асносида персонажларига актёр танлаш ҳам осон кечади. Ҳар қайси актёрнинг қандай имкониятларга эгалигидан келиб чиқиб актёр танлайди. Бунда режиссёр учун ҳам, актёр учун ҳам суратга олиш жараёнида ортиқча ҳаракат, ортиқча вақт сарфланмайди. Биз юқорида сценарий кино соҳасининг сирларини англаган ҳолда ёзилиши керак деб бежиз келтирмадик.

Ана шундай бақувват драматургик бадиий савияда ишланган киноасарлар томошабин қалбидан жой олади. Зулфиқор Мусоқовнинг “Ватан”, “Қўрғошин” фильмлари шулар жумласидандир. “Актёр кинода

қанча кўп тажриба орттирар экан, ўзига бўлган ишонч, фикрлар теранлиги, камера олдида ўзни тутиш, ҳар бир ҳаракатларини залворли бўлиб борганига амин бўлиб боради”³⁶. Шундай актёрлардан бири– Бобур Йўлдошев сўнгги йилларда ўзбек кино санъатида энг таниқли актёрга айланиб қолмоқда. Халқ учун севимли, режиссёрлар учун томошабоп фактурага эга, кенг, оммавий “пропаганда” ва ижрога туширишда қулай санъаткор сифатида баҳоланмоқда. Бу каби маълумотдарни тегишли спектакллар, фильмлар ва улардаги ижролар асосида кенгрок ёритиб, Б. Йўлдошевнинг ижодий услубларини, талкин этиш сеҳрларини тарғибот этиш ўринлидир.

Ахир шулар натижасида “Кечиккан ҳаёт”, “Қўрғошин”, “Ватан”, “Омад”, “Мактуб” каби фильмлардаги роллари томошабинларнинг севимли қаҳрамонларига айлангани шубҳасиздир. Бундай бадиий фильмлардаги ижроларда эришилган фикрий ва томошавий ютуқлар баҳоли қудрат кенг қамровли деб топилиб, таҳлилий нуқтаи назардан услубияти ўрганилди. Шу билан бир қаторда актёрлик санъатининг баъзи назарий масалаларини бу методология асосида кўриб чиқишга имкон яратди.

Ҳам сийрати, ҳам суратини ёритиш, ижод йўлини англашни мақсад қилиб олинган инсон ҳақида сўз юритилаётганда албатта унинг ҳаёт йўлига ҳам назар ташлаш фойдадан холи эмас. Чунки маҳоратли санъаткор ҳаёт йўли – тақдири, машаққатли курашларини ўз хотира саҳифаларига киритиб, улардан енгилмас маънавий куч олади, образлар яратиб ибратли инсонга айланади.

Бобур Йўлдошев санъаткор оиласида дунёга келди ва вояга етди. Отаси – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, атоқли театр режиссёри Баҳодир Йўлдошев, онаси – Ўзбекистон халқ артисти Римма Аҳмедова. Вужудида санъаткор қони жўшиб турган Бобур ёшлигиданоқ кино ва спектаклларда роль ўйнай бошлади. У ҳеч иккиланмай ота ва она

³⁶ Тешабоев Ж. Герой крупным планом: актери театра в узбекском кино. -Тошкент: Изд .Г.Гуляма, 1972. – 92.

касбини танлади ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг драма ва кино актёрлиги йўналишига ҳужжат топширади. Ўқиш билан бир қаторда Республика Ёшлар театрида ҳам фаолият олиб боради. Назарий ва амалий ишни бирга олиб бориш натижасида Бобур Йўлдошев серқирра ижодкорга айланди.

“Актёр албатта театрда ишлаши, тажриба орттириши, сахна муҳитида яшаб кўриши лозим. Театр, бу – томошабин билан жонли мулоқотда бўлиш имконини берадиган, актёрнинг маҳоратини чархлайдиган ҳақиқий ижодхона. Бу даргоҳда тобланган, чиниққан актёр кинода ҳам самарали ижод қила олишига ишончим комил”, дейди театр ва кино арбобларидан бири.

Актёр бадиий кинода инсон образини яратиш орқали у талқин этадиган образлар муҳитида фильм ғояси рўёбга чиқади. Фильмда қатнашишга рози бўлган актёр сценарийни қўлга олиб, диққат билан танишиб, ўз роли қаторида бошқа актёрлар ролларини ҳам ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқ, чунки унинг партнёрлари кимлар, уларга қандай муносабатда бўлиши керак каби саволларга жавоб топиш билан ўз қаҳрамони ҳаётини ўрганади. Зеро бўлажак фильмда иштирок этадиган актёрларнинг барчаси билан ижодий ҳамкорликсиз ўз ишида муваффақият қозониш мумкин эмаслигини яхши билиши муҳим аҳамият касб этади. “Кинодраматург сценарий ёзишни бошлаган илк дамлариданоқ қаҳрамонлар образларини, уларнинг характери яхши ва батафсил ёзишга ҳаракат қилади. Сценарий муаллифи томонидан образларнинг чуқур ишлаб чиқилиши — актёрнинг фильмда эришадиган ютуғининг гаровидир. Актёр ўз роли ҳақида мушоҳада юритар экан, баъзи тузатишлар киритиши, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини, сўзларини ўзгартириши мумкин. Режиссёр буларга қўшилиши ёки қўшилмаслиги мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бу унинг фильмда ижро этган роли мағзида изсиз қолмайди”³⁷.

³⁷ Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. —Тошкент, 2009. —Б.53.

Б. Йўлдошев ҳам актёр сифатида бадиий кинода намоён бўлар экан, ҳар бир сценарийни мутолаа қилиб чиққач, кўнглидан жой олсагина унга кўл уради. Юраги, қалб кўрини бериб талқинни яратишга киришади ва натижада томошабиннинг эътиборига сазовор бўлади.

Актёрнинг образга кириши унинг маҳорати, ижодий тажрибаси ролни қанчалик тушуниши ва тасаввур этиши билан боғлиқдир. Лекин актёр ижодида ва режиссёрнинг актёр танлашида муҳим бир жиҳат ҳам борки, актёр ўз имкониятларидан келиб чиқиб роль танлайди. Қурби етмайдиган ролни дарҳол қайтариши ёки ўз устида ва роль устида тинимсиз меҳнат ва изланиш жараёнида сабр ва тоқат билан ёндашса, бу ажойиб образ бўлади. Режиссёрлар актёрларни турли принципларга асосан танлайдилар. Актёрлар ҳам ролларини турлича тасаввур этадилар ва ўйнайдилар. Ўз навбатида томошабин ҳам улар ишини турлича қабул этади, баҳолайди. Агар сценарийнинг драматургик савияси бўш ёзилган бўлса, актёр яратаётган образини ўзига хос, теран ёритолмайди ва кўзлаган натижага эришиши қийин бўлади. Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтиш жоиз.

Адиб ва режиссёр Наби Ғаниев сценарий ёзишда ҳам роллар тақсимолига жиддий эътибор берган. У бир гал ижобий роль ўйнаган ижрочига эртага салбий образни топширишдан қўрқмаган. Бизга яхши таниш, халқимизнинг севимли актёри Ш. Бурҳоновни “Тоҳир ва Зухра” фильмидаги Қоработир ролига таклиф қилади. Актёр режиссёр таклифини рад қилмоқчи бўлган экан. Бу ҳақда Н. Ғаниев қуйидагича ҳикоя қилади: “Бурҳонов ёвуз ниятли Қоработир ролини ўйнашга рози бўлавермади. У менга қараб, бу ролни театрда ўйнашим мумкин эди, чунки сахнада қалин грим қилинса томошабинлар артистни танимай қолиши мумкин. Кинода бўлса грим унчалик қалин бўлмайди ва айниқса йирик планда мени томошабинлар таниб қолишади, деди. Мен жуда кўп тушунтирганимдан сўнг Бурҳонов ана шу роль устида ишлашга рози бўлди... бу мунозарада Бурҳонов ҳақ эди. Уни ҳақиқаттан ҳам ўзбек шаҳар ва қишлоқларида танийдилар.

Гарчи барча Бурҳоновни севса ва ардоқласа-да, уни кўрган киши дарҳол Қоработирни эслаб ундан ғазабланди. Шундай бўлса ҳам агар мен “Тоҳир ва Зухра”ни қайта қўйишга қарор қилсам, яна Ш. Бурҳоновга ана шу ролни топширар эдим. Чунки бу ролни Ўзбекистонда бирорта бошқа актёр Бурҳоновдай яхши ўйнай олмаслигига ишонаман..³⁸”.

Шундай роллар борки, уни фақатгина бир актёр тимсолида кўриш мумкин. Шукур Бурҳонов – Қоработир, Раззоқ Ҳамроев – Алишер Навоий, Кумуш – Гулчехра Жамилова, Фармонбиби – Зайнаб Садриева, Хлестаков – Наби Раҳимов, Отелло – Абдор Ҳидоят, Мўмин – Ғани Аъзамов. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Улар санъатда ўз ўринини топдилар, сахнада, экранда бадий образ ярата олдилар.

Бадий образ мавқеи бутунлай бошқача, у ўз мазмун-матнидаёқ санъаткорнинг ҳис-туйғуларини, ҳавас-майллари, қайтарилмас ҳаёт тажрибасини, дунёқараши хусусиятларини қамраб олган ҳолда акс эттиради. Бадий образ ижодкорнинг воқелик ҳодисалари ва жараёнларига бўлган муносабатларини узвий таркиб топтиради. У санъаткор шахсидан ва унинг ижодий яккахонлигидан ажралмаган ҳолда амал қилади.

Актёр шунчаки ролни ижро этувчи шахс бўлмай, балки аниқ оригинал инсоний характер бунёд этувчи ижодкор ҳамдир. Актёр ўзига топширилган роль устида ишлар экан, ундаги ҳаётий мазмунини тўлақонли ёритишга ҳаракат қилади. Экранда талқин этилаётган образнинг ижтимоий ва яккалик хусусиятларини у кино санъатига хос бўлган тасвир имкониятлари ёрдамида очиб беради.

Бобур Йўлдошевнинг “Мактуб” фильмидаги Нодир роли актёр томонидан зўр маҳорат билан ижро этилган. Унда Нодир талаба қизни учратгунча келажакда ўқишини чет элда давом эттирмоқчи эди. Қиз билан тасодифан танишиб қоладилар. Қиз билетини етказиб берган йигитга

³⁸ Акбаров Ҳ. Сеҳрли ёғду.– Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. –Б.151

миннатдорчилик юзасидан боғни айланиб чиқишга рози бўлади. У ерда йигит қиз бир-бирини яқиндан танийдилар. Оила қурадилар. Бахтли онлар узоққа бормайди. Йигитнинг оғир касал эканлиги аниқланади. Қиз ўқишни тамомлаб, мактабга ишга киради. Бемор эрига қарайди. Йигит охир-оқибат тўшакка михланиб қолади. Умрининг сўнгги кунлари қолган йигит хотинига бир нечта мактуб ва видеокассета қолдиради. Мактублар йигит оламдан ўтгандан кейин ҳар ойда почта орқали келиб туради. Унда йигит қизнинг фақатгина ўзларига тегишли бўлган бахтли онлари ҳақида, қиз ёлғиз эмаслиги, унинг ёнида ҳамиша севикли ёри борлигини эслатиб туради. Бобур Йўлдошев томонидан ижро этилган бу роль бошқа ролларидан психологик нуқтаи назаридан фарқ қилади. Касалликни енгишга уриниш, аёлига оғир юк бўлишдан уялиш ҳисси уни қийнайди. Севиклисини бахтли қила олмаётганидан эзилади. Актёр ижродаги муваффақиятини театрдаги фаолияти билан боғлайди. Актёр театрда жанрлар ичида чархланди. Санъаткор–актёр ижро этаётган, яратаётган образини Станиславский таъбири билан айтганда, образ “моҳияти”ни очиб берган. Унинг ижрочилик санъати ҳаётийлик, бадиий баркамоллиги билан таҳсинга лойиқ.

Актёрлик санъатини ҳаётининг мазмуни деб билувчи актёр Бобур Йўлдошев бадиий фильмлардаги ижролари билан халқ орасида машҳурликка эриша бошлади. Шунинг учун ҳам унинг эл орасида эътибор қозонишида, актёр сифатида шаклланишида кинонинг ўрни беқиёс. Етакчи томошабин ҳисобланмиш киношунослар ва оддий томошабиннинг эътибори актёр зиммасига катта масъулият юклаб келди. Бу касбнинг энг тотли ва қувончли жиҳати ҳам айнан санъатшунослар ва томошабин эътибори, фикр-мулоҳазаси ва керак бўлса танқиди билан ҳам белгиланади.

Экран қаҳрамонлари ҳақида мутахассис ва мухлислардан фикр олса, баҳосини эшитса, бу қайсидир маънода актёрга қанот бағишлайди. Унинг ҳар бир роли, образи – алоҳида бир инсон тақдирини, унинг ҳаётга, инсонларга бўлган муносабатини акс эттиради. Қаҳрамонлари жамиятда, одамлар

орасида ўз ўрни, мавқеи, дунёқарашига эга. Инсон борки, у ҳаётда яхши-ёмон кунларни бошидан кечиради, нималаргадир интилади, баъзан хато қилади, хуллас, у яшайди. Ҳеч бир инсон савобу гуноҳлардан холи эмас. Актёр ҳам қаҳрамонлари қандай инсон бўлишидан қатъи назар, образ яратишда мавҳумликдан қочиб, аниқликка интилади. Бу Бобур Йўлдошевнинг ижодидаги ўзига хосликлардан биридир.

Етакчи ва оддий томошабин образ моҳиятини тўлиқ қабул қилмас экан, бу ижронинг муваффақиятсизлигидан дарак беради, деб билади. “Масалан, математиклар тили билан айтадиган бўлсак, формулада аниқлик бор. Ролда ҳам ана шундай аниқлик бўлиши шарт”³⁹, - деб унга амал қилади.

Актёр сифатида Б. Йўлдошев кинода турфа образлар ижро этди. Уларнинг ҳар бири актёр учун қадрли. Ҳар бири ҳаётининг муҳим бир лавҳасига айланиб улгурган. Муҳими, кино мутахассислари ва кино мухлислари ҳам бу образларни қабул қилди, юрагидан жой берди. Шуниси ажабланарлики, ҳар бир актёр у ёки бу ролини севимли деб ажрата олмайди, бу хусусият Бобур Йўлдошевга ҳам хос. Роль ижро этилдими, демак, санъаткор шу образида маълум муддат яшайди, қаҳрамони кечинмаларига шерик бўлади, шундай экан, бу ролни ёддан чиқариб бўлмайди. албатта.

Бирон истеъдоднинг адабиёт ё санъатда ўз ўрнини топиши, ўзини, ўзининг маҳоратини намоён этиши анчайин мураккаб ҳодиса. Шу сабабдан ҳам бу соҳада адашиб юрганлар кўп учрайди. Ким бир умр театрда “михланиб” қолади, ким кинода. Ким кунда-кунора телевидениеда ялт-ялт қилиб чиқаверади. Лекин буларнинг ҳеч бири ҳали том маънодаги санъат ё санъаткорлик дегани эмас, албатта.

К.Станиславский айтганидек, “Сен ўзингни санъат доирасида эмас, ўзингга хос санъатни севгил”. Яъни ўзингни бадиий услубингни чархла, ҳайратланиб яша, ҳамиша ижодий изланишларда давом этгил.

³⁹ Муаллифнинг Б. Йўлдошев билан суҳбатидан, 2014 йил, февраль.

Шу маънода, театр ва кино соҳасида бирдек меҳнат қилаётган, ижодий изланишлардан чарчамайдиган, Республика ёшлар театри ва кино актёри Б. Йўлдошевга омад кулиб боққан, дейиш мумкин. У театрда ижод қиладими, кинодами ҳақиқий санъат ва ижоднинг бошини тутишга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам.

Саргузашт фильм деб атасак арзийдиган “Омад” картинасида инсоннинг ёнида ҳамиша унга йўлдош бўладиган шундай бир фазилат борки, у ҳам бўлса, камтарлик, инсонийлик ва ўзи кучига ишонч. Инсон бирор ютуққа эришганда омадим келди дейди, агар ишлари юришмай қолса, омад мендан юз ўгирди, дейишади.

Бироқ бизнинг қаҳрамонимиз Фарҳод омадга ишонмайди. Фарҳод – бошлиғининг турмушдан ажралган кизига (Ирода Носирова) уйланади. Мартабаси ошиб, юксак зафарларга эришади. Журналист қизнинг интервьюсида “-Омадга ишонасизми?”, деб сўрайди. Шунда қаҳрамонимиз “Омад? Омад нима ўзи? Мен омадга ишонмайман. Ҳаётимда қандай ютуқларга эришган бўлсам, ҳаммаси меҳнатим орқали эришдим”, деб жавоб беради. Мана шу сўздан кейин Омад унинг олдида одам қиёфасида (Убайдулла Омон) келади. Ўзини Фарҳоднинг омади эканлигини айтади. Фарҳод бу ҳақиқатни тан олишни истамайди. шундай кейин унинг ишлари орқага кета бошлайди. Аввалига оиласидан ажралади, кейин ишидан, мавқеидан ажралади. Уй-жойсиз қолган Фарҳод қаерга, кимнинг олдида борса, ҳамма уни совуқ қарши олади. Тушкунликка тушган Фарҳоднинг кўзига омад чамадон кўтарган, оқ костюм-шим кийган киши сифатида кўрина бошлайди. Омад чамадонни сувга отиб юборади. Унинг омади ўша чамадонга жойланган эди. Охир-оқибат ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган Фарҳод автобус бекатига келиб ўтиради. Ёнида эса ўша чамадон. Уни очиб қараганда ойнага кўзи тушади. Ойнада ўзини кўради, ўзлигини англайди. Ҳаммасини бошидан бошлашга қарор қилади. Бошлиғининг болали қизига манфаат учун уйланган бўлса-да, уни севишини тушуниб етади ва оиласи

бағрига қайтади. Бобур Йўлдошев бу қаҳрамони тимсолида кишилар учун берилаётган имкониятларидан ўринли фойдаланиш кераклиги, яқинларини қадрлаши, ҳаётдаги муваффақиятларида атрофидаги кишиларнинг ҳам хизмати борлигини унутмаслигини таъкидлайди. Бобур Йўлдошев ижросида бу образ бадиий тўқима бўлса-да, ижродаги табиийлик, ҳаётийлиги, томошабоплиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Фильмнинг бутун ижодий жамоаси бир вазифани – ғоявий жиҳатдан теран, бадиий жиҳатдан юксак кино асари яратишдек улуғ вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Агарда ижодий жамоага бир мақсад ва маслакдаги одамлар йиғилган бўлса, режиссёр ва у бошлиқ гуруҳнинг иши сўзсиз самарали бўлади.

Мустақиллик йилларида ўзбек кино санъатида катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Замондош образини яратиш муаммоси ўзбек бадиий кино санъатининг доимо диққат марказида бўлиб келган. Замонавий қаҳрамон образи муайян давр муҳитини намоён этишда муҳим ўрин тутди. Шу боис фильмда қаҳрамон образини яратишда замондош сиймосига мурожаат этилади. Ўзбек кино санъатида самарали меҳнат қилаётган етакчи кинорежиссёрларидан бири бўлган Зулфиқор Мусоқов ўзига хос йўналиш билан намоён бўлди. Ижодкор режиссёрлик билан бир қаторда ўз фильмлари учун киносценарийлар ёзади ҳам. “Бомба”, “Кичкина табиб”, “Қовун”, “Ватан”, “Қўрғошин” каби муаллифлик фильмлари билан кино мухлисларини эътиборини қозона олган ижодкор. Замон қаҳрамони акс этган картиналаридан “Ватан” ва “Қўрғошин” фильмлари бизга собиқ совет даврининг мустабидлик, зўравонлик иллатларини эслатиб, мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганига гувоҳ бўламиз. Фильмда Иккинчи жаҳон урушидан кейин ватанимизда юзага келган ҳолатлар, Шўролар тузумининг ватандошларимизнинг тақдирларига бўлган бефарқлиги кўрсатиб берилган. Мустабид тузумнинг жирканч иллатлари очиқ, беаёв танқидга олинган.

“Қўрғошин” фильми режиссёрнинг кенг дунёқарашидан далолат берувчи бадиий фильм ҳисобланади. Мазкур экран асари давр ўзгариши билан (совет даврида) бўлиб ўтган воқеаларни қаҳрамонлар тимсолида жонлантиради. Ушбу киносценарийга қисқа давр—1952 йилнинг 5 ноябидан Сталиннинг вафотигача—1953 йилнинг 5 мартига қадар бўлиб ўтган воқеалар асос қилиб олинган. Икки дўстнинг ўтган давр мобайнида бошидан ўтказган воқеа-ҳодисалари кинематографик талқинда ўз ечимини топган.

Қўрғошин — юмшоқ, тез эрувчи металл. Кимёвий элемент кино санъатида қандай вазифани бажаради? Бу ном фильм бош қаҳрамони Умар Қодировга нисбатан қўлланган. Унга юклатилган вазифа қаттиққўлликни, қаҳрлиликни талаб этса-да, у табиатан юмшоқ кўнгилли инсон. Ана шу нуқтаи назардан бу номнинг сири, қиммати яширинган.

Бобур Йўлдошев турли мавзу ва жанрлардаги фильмларда роллар ижро этган. Фильмда Умар ролини ижро этган Бобур Йўлдошевни янги қиёфада кўрамиз, унинг ўзгача актёрлик қирралари очилган. Биз бу актёрни бошқа фильмларда кувноқ, тадбиркор, комик ролларда кўрганмиз. Улардан фарқли ўлароқ, актёр бу образининг психологик ҳолатини ёрқин ифода қилган. Унинг айнан “Қўрғошин”да яратган образи кино санъатидаги энг ёрқин қаҳрамони, дейиш мумкин. Умар Қодиров ролини ўйнаш актёрга қийинчилик туғдиргани аниқ. Негаки, сценарий муаллифи ва режиссёр материални пухта ўйлаган, ўз навбатида, актёрлар ансамблига ҳам кучли талаб қўйган. Ҳис-туйғуларини жиловлаши, адолатсизликка қарши қалбида ёниб турган оловини ўчиришга мажбурлигини кўрсатиб бера олган. Шўро корчалонлари ўзбекларни фақатгина берилган буйруқни бажарувчи сифатида раҳбар этиб тайинлаган. Бу раҳбарлар ўзларининг фикрини айтишга ҳақли бўлмаганлар. Айтганлари эса партияга душман, хоин, деб айбланган. Образнинг моҳияти шундаки, унинг мимикаси, пластикаси ва ички ҳиссиётлари кўз орқали ифода этишга қаратилган. Фильмда қаҳрамонлар ўзаро суҳбати жуда қисқа ва лўнда тарзда берилган. Бу,

биринчидан, кино санъатида сўзнинг кам ишлатилиши бўлса, иккинчидан, давлат бошқарувидагиларга хос хусусият.

Масалан, Умарнинг акаси давлат даласига тажриба учун эртаги буғдой навидан уруғ сепди. Бу эса давлат мулкидан сўроқсиз фойдаланиш, жиноят деб саналади. Жиноятчини ушлаш Умарга юкланади. Умар акасининг ноҳақ қамалаётганнини билади, уни қамокдан олиб қолиш учун ҳеч нарса қилолмаслигини англайди. Ўз жигарини ҳибсга олгандан кўра ўлимни афзал кўради. Бу ҳам мустабид тузумнинг “ўзиникини ўз кўли билан йўқ қилиш” сиёсати эди.

Маҳоратли актёрлар ансамбли фильмнинг ярим муваффақиятини таъминлайди. Бу борада З.Мусоқов ҳам тўғри ёндашган, актёрлар ансамблини жамлашда адашмаган. Ҳар бир актёр ўз қаҳрамонини топа олган.

Фильмни яратишда танланган ижодий жамоа кинорежиссёрнинг бошқа картиналарида ҳам ҳамкорлик қилган ижодкорлардан тузилган. Бу эса ўз навбатида фильмнинг ютуқли томонларидан бири ҳисобланади. Чунки ижодий жамоа бир-бирини яхши тушунади, берилган вазифани тезда англайди. Режиссёрнинг йўналиши, ишлаш принципи, техникаси уларга аён. Бу эса янги картинанинг муваффақиятли ва омадли чиқишини таъминлайди.

З. Мусоқов фильмни суратга олиш жараёнига ўзгача ёндашган. Яъни ўша замон руҳиятини яратиш мақсадида воқеаларни хроник тарзда тасвирга олган, олинган тасвирларни хиралаштирилганлиги, воқеаларни тасвирлашда оқ-қора рангдан фойдаланилгани тасвирларни ишонарли чиқишига асос бўлган. Янги мавзунини эски талқинда яратиш мураккаб жараён. З. Мусоқов бу фильми билан замонавий кино санъатига экран талқинида ўзига хос йўналиш олиб кирди. Фильм 2011 йилда илк маротаба ўтказилган “Олтин гепард” I Тошкент халқаро кинофорумининг гран-при совринини кўлга киритди. Бу ютуқ фильм ижодкорлари ва фильм учун берилган энг юксак баҳо.

Ватан – нақадар муқаддас ва сурурли маскан. Ҳар бир инсон туғилиб ўсган гўшасига, бир сиқим тупроғини кўзига суртишга ошиқади. Айниқса,

айрим сабаблар билан Ватандан “қувилганлар” учун армонга айланади. Кино санъатининг таъсир кучи инсонга шундай онларни ҳада қиладики, унда бир қарорга кела олмаётган муаммоларга жавоб топилади. Вазиятдан чиқиш имконияти туғилади. Долзарб мавзулар талқинчиси З. Мусоқовнинг “Ватан” кинофильмида роль ижро этган Бобур Йўлдошевнинг навбатдаги қаҳрамони Ҳамид. У Иккинчи жаҳон уруши пайтида мансабидан фойдаланиб, ҳамқишлоқлари бошига кўп кулфат солади. Ёшликдан бирга ўсган уч дўст: Қурбон, Ҳамид ва Гунафша уруш туфайли бир-биридан ажрайди. Ҳамид Гунафшага севги изҳор қилади. Гунафша Қурбонга унаштирилган эди. Ҳамид дўстининг қаллиғини йўлдан урмоқчи бўлади. Рад жавобини олган Ҳамид Гунафшани урушга жўнатиб аламдан чиқмоқчи бўлади. Немисларга асир тушганлар орасида Гунафша ва Қурбон учрашиб қоладилар. Гунафша қишлоқда бўлган ишларни, Ҳамиднинг қилмишлари ҳақида айтиб беради. Немислар томонидан отилган қаллиғини Қурбон ўзи кўмади ва немислар орасида туриб Туркистон озодлиги учун курашга отланади.

Ҳамид – Бобур Йўлдошев замона зайлиги қараб “иш кўрувчи” шахс сифатида намоён бўлади. Мустабид тузум сиёсати ва мансабидан ўз манфаати йўлида фойдаланган мунофиқ ва разил кимса қиёфасини маҳорат билан ифодалай олган. Ҳамид кабинетида Гунафша билан бўлган суҳбатда икки хил қиёфада намоён бўлади. Бу унинг иккиюзламачилик, мунофиқлик белгиси. Б. Йўлдошев ижросидаги ўрта планда суратга олинган бу кўриниш ярим қимтилган лаблар, кулиб турган кўзларда қасос, алам ва нафратнинг пайдо бўлиши, гапирганда вишиллаб гапириши худди ўлжасига ташланишга тайёр илонга ўхшайди.

Актёрнинг экран санъатини яхши ўзлаштиргани, унинг эстетик ва ижтимоий имкониятларини, ифодавий воситаларини аъло даражада тушуниб етгани роллар хилма-хиллиги, такрорланмас характерлар яратишида қўл келади.

Бинобарин, ҳақиқий санъаткор-актёр ўз ролининг шунчаки ижрочиси бўлиб қолмайди. У ижро этаётган, яратаётган образнинг, Станиславский таъбири билан айтганда, “моҳияти”ни, ғоясини очиб бериши керак. У аниқ экран санъати персонажи орқали маълум ижтимоий муҳит кишисининг дунёқарашин, ўй-хаёллари ва характери очиб ташлайди. Б. Йўлдошев Ҳамид роли моҳиятини очиш орқали мустабид тузумнинг қулига айланган тубан кимсалар юзини очиб ташлади. Бу эса фильм ижодкорларининг олий мақсади эди.

Кино санъати ўз йўналишига, ўз мухлисига эга бўлган ёш санъаткорлардан яна бири – Дилноза Кубаевадир. Ёш бўлишига қарамай бугунги кунгача ижодий репертуарини турли характердаги роллар билан бойитишга улгурган Дилноза табиатан изланувчан, ҳаракатчан ижодкор. Актриса театр билан кино санъатини ҳамоҳанг тарзда олиб борар экан, ижодининг янги қирраларини очишга ҳаракат қиляпти. Унинг ижросида “Кечиккан ҳаёт”, “Фарзандим”, “Ўғригина келин”, “Келганда келин ёки Анжонча муҳаббат”, “Келгинди келин”, “Ҳижрон”, “Телба” каби бир қанча фильмларда характерли ролларни кўриш мумкин. Актриса ижодкор сифатида роллар ранг-баранглигига катта эътибор беради. Образларнинг такрорланмаслигига ҳаракат қилиб, тинимсиз изланишда. Айниқса, “Ҳижрон” фильм–картинасида психологик характердаги Маҳфуза роли актрисанинг маҳоратидан дарак беради. Севиб қолиб, катта-катта ваъдалар эвазига мансабпараст йигитнинг тузоғига тушади. Ширин ваъдалардан боши айланган Маҳфуза оилали ҳамкасбидан беникоҳ фарзандли бўлади. Бу воқеадан хабардор бўлган қайнота куёвидан хиёнатни кечиришнинг биргина йўли – чақалоқни қизига фарзанд қилиб бериш эканлигини билдиради. Келажакдаги обрўсини ўйлаб, йигит қиздан воз кечиб, болани хотинига олиб бориб беради. Боласидан айрилган она эс-ҳушини йўқотади.

Д.Кубаеванинг Маҳфузаси шўҳ, шаддод қиздан тушкун, умидсиз ва ожиз аёлга айланади. Актриса ижро давомида ролининг таъсирчан

кўринишларига кўпроқ эътибор беради. Фильмнинг биринчи кўринишларида кўринган бўлса-да, ақлдан озишгача бўлган омилни ишонарли ижро этган. Бу роль орқали ижодкор томошабинга нима демоқчи, деган савол туғилади. Болалар уйида катта бўлган Махфуза ёлғиз бўлса-да, фарзандини ўзи тарбияламоқчи бўлади. Бир умр ўз онаси бўлишини истаган Махфуза ягона бахти - фарзандидан айрилиш оғир эканлигини ифодаламоқчи, одамлардан бундай шафқатсизлик қилмасликларини сўрамоқчи бўлади. Ёки “Келгинди келин”даги қиз - шаддод, олифта, эрка. Муҳаббатини излаб қиз бола учун бу шармандалик эканини билса-да, йигит орқасидан қишлоққа келади. Уйида қўлини совуқ сувга урмаган қиз, қишлоқда сигир соғишдан тортиб, супурги ушлашгача ўрганади. Шифокорлик олий даргоҳида ўқийдиган бу қиз нотўғри хаёлда юрган қишлоқдагилардан ёрдамини аямайди. Ўғлига тўй-томоша билан келин тушириш ниятида юрган қайнонанинг тўсатдан “Мен келинингизман, ўғлингиздан фарзанд кутаяпман” дейиши онани довдиратиб қўяди. Набираси туғилгандан кейин қизга жавоб беришга келишган қайнона қизни уйда олиб қолади. Бу орада қиз қишлоқдагилар, қўшнилари, қайнонаси кўнглидан жой олади.

Актриса ижросининг ютуқли томони – унинг табиийлиги ва самимийлигида бўлиб, унинг кейинги фильмлардаги муваффақиятлари калити бўлиб хизмат қилади. Рустам Саъдиев томонидан суратга олинган “Келганда келин” бадиий фильмида тадбиркор аёл ролини ижро этди. Муҳаббат туйғусидан йироқ, фақатгина иш билан машғул ишбилармон аёл. Оила унинг учун иккинчи даражали. Энг муҳими – бизнес. Бизнеси учун ўз ҳаётини таваккал қилишга ҳам тайёр қиз Андижонда йигит уйида бўлади. У ерда бўлиб ўтган воқеалар қизнинг оилага бўлган муносабатини ўзгартириб юборади.

Актрисанинг ўзига хослиги – унинг ўз устида кўп иш олиб боришида. Актёр кинодами, театрдами роль ўйнар экан, пьеса ва сценарий билан танишиб чиқиши, агар лозим бўлса ўз фикрини билдириши мумкин. “Мен

актёрман” деб мантиқсиз ролларни ҳам ижро этишга рози бўлса, у ўз вазифасини бажара олмади дегани. Ҳар бир инсон қилаётган иши билан кимларгадир нафи тегишига ҳаракат қилиши керак. Актёрда бу имкониятлар бошқаларга нисбатан кўпроқ. У ижоди давомида турли касб эгалари ҳаёти билан танишади. Улар тилидан кишиларга қувонч, маърифат улашади.

Дилноза Кубаева “Телба” ролидаги қаҳрамони билан нима демоқчи бўлган? Севгисига эришолмаган қизлар жонларига қасд қилиши керакми? Севгиси учун йигит билан ёнма-ён туриб курашиши, унга ҳаётда ўрни бор эканлиги билдириши, йўлини топишида унга қўлидан келганича ёрдам бериши керак эмасми? Демак, биз актёрлар ролнинг эволюцияси билан ҳам яхшилаб танишиб чиқишимиз керак. Санъат кишиларга тушкунлик, умидсизлик эмас, келажакка ишонч, ўзига ишонч, эртанги кун бугунгисидан яхшироқ бўлишига ишонтира олиш учун хизмат қилиши керак.

II-боб бўйича хулоса

Дарҳақиқат, санъат шакли муайян бир мазмун ифодаси бўлгандагина ўзининг асл қийматига эга бўлади. Шакл мазмунни уюштирадиган ва қовуштирадиган, уни моддий ифодалайдиган ва мустаҳкамлайдиган усул бўлиб хизмат қилади. Театр актёрлари замонавий кинода ҳам аجدодлар анъанасини давом эттириб келмоқда. Кейинги йилларда театр актёрларининг кино соҳасидаги ижоди янада самарали бўлди дейиш мумкин. Мустақиллик йиллари ўзбек киносига турли театр вакиллари бўлган катор актёрларнинг ҳам номлари пайдо бўлди. Улар ҳам устоз санъаткорларнинг издошлари сифатида ўз замондошлари образларини кино экранларда ёрқин ифодалаб бермоқдалар. Булар жумласига Лола Элтоева, Дилноза Кубаева, Бобур Йўлдошев, Фотима Режаметова, Мирза Азизов, Шодия Тўхтаева сингари санъаткорларни киритиш жоиз. Томошабин актёрдан аниқ ва ёрқин ижро кутар экан, у бу масъулият олдида албатта кўп изланиши, ўз устида тинимсиз ишлаши талаб қилинади. Истиқлол туфайли кенг имкониятлар даврида ҳар бир соҳа вакилидан янги-янги ижодкорлик намуналари, кашфиётлар, ихтиролар қилишга истак туғилиши табиий бир ҳолдир. Шунингдек, кино ва театр ижодкорлари ҳам бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида жаҳон кинематографияси янгиликларини кузатиб бориши, кузатув натижаларини халқимиз руҳиятига, маънавиятига хос тарзда ижод намуналаридан баҳраманд этиши даркор. Бир неча йиллардан бери сақланиб келаётган ўзбек кино санъати анъаналарини устоз-шогирд тарзида давом эттириш билан томошабинлар, мухлислар олдидаги масъулиятли вазифани адо этган бўладилар. Мустақиллик инъом этган озодлик, ҳурлик, тинчлик ва фаровонликка шукрона сифатида бир билан бир даврда яшаётган, ўзининг камторона хизматлари билан эл корига яраётган замон қаҳрамонларини яратиш эса санъаткорлар олдидага асосий вазифадир. Мана шу талабларга жавоб бера олган ижодкорлар эса ранг-баранг роллари билан томошабинлар олдида, жамият олдида ўз вазифасини бажарган ҳисобланади.

III боб. Кино санъатида миллий ғоялар тарғиботи

III.1 Замонавий ўзбек кино санъатининг бугунги кундаги аҳамияти

Кино санъати ўзининг ҳаққонийлиги, ҳаётга яқинлиги, оммабоплиги ва томошавийлиги билан омма орасидан кенг тарқалган. Мустақилигимиз шарофати билан кинематография санъати янада ривож топди. Экран санъати ижодкорлари замон қаҳрамонлари ифодасида янгича талқинларга, янгича ёндашувларга эътибор қаратдилар.

Президентимиз “Биз юртимиз тараққиётини биргина иқтисодий, ижтимоий фаровонликда эмас, балки халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демак, инсонпарвар тамойилларни кишилар онгида нечоғли чуқур илдиз отиши билан изоҳлаймиз”, деб кўп бора жамият маънавияти ҳақида сўз юритадилар. Албатта, маънавийтли халқни енгиш, уни бегона ва бузғунчи ғояларга эргаштириш мушкул. Чунки у ўзлигини танийди, миллий қадриятларни билади. Бу йўлда кино санъати ўз хусусиятидан келиб чиқиб асосий тарбия воситаларини ишга солади. Бугунги кунда кинематографчилар томонидан оммавий маданият сифатида намоён бўлаётган хуружларга экран санъати орқали фикр-мулоҳаза билдирмоқдалар. Улар орасида Ватан ҳимоячилари, Ватан хоинлари, турли оқимлар фаолиятига қарши кураш, дунё миқёсидаги долзарб муаммолар: гиёҳвандлик, терроризм, одам савдосига қарши кураш сифатида кинофильмлар яратиш ижод соҳаси вакилларининг олдида турган асосий вазифаларидан бири.

Бу мавзулар юзасидан таниқли режиссёрларимиздан Ҳилол Насимов, Зулфиқор Мусоқов, Аюб Шаҳобиддинов, Ёлқин Тўйчиев, Баҳодир Одиловлар намунали иш олиб бормоқдалар. “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига биноан “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан суратга олинган “Алданган аёл”, “Тубанлик”, “Ўтов”, “Ватан”, “Умид”, “Жасур”, “Одноклассники.ru”, “Эркалар ови” каби фильмларда халқимизга хос меҳроқибат, яхшилик, садоқат, адолат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик сингари

умуминсоний туйғулар тарғиб этилади. Масалан, “Алданган аёл”, “Одноклассники.ru” кинокартинаси одам савдосига қарши курашга сафарбар этилган бўлса, “Эркаклар ови” наркоманияга қарши, “Ватан”, “Қўрғошин” озодлик, эркинликка эришиш ҳақида, “Умид”, “Жасур” фильмлари эса мустақил Ватанимиз сарҳадларини нияти бузуқ кимсалардан ҳимоя қилаётган аскарлар ҳақида, умуминсоний қадриятларни улуғловчи “Соҳил бўйлаб”, “Чашма”, “Қудук”, “Ўтов” каби кинофильмлар томошабинларга яхшилик, меҳр-оқибат, бирдамлик тушунчаларини сингдиришда муҳим роль ўйнайди. Бу мавзуларни кенг оммага баралла айтиш имкониятига ҳам мустақиллик туфайли эришдик. Тинчлик, фаровонлик, ҳурлик ва эркинликнинг қадрига етишни ўргатиш эса кино, театр, телевидение зиммасига юклатилади.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан қабул қилинган мақсад ва вазифаларининг асосини кино санъатининг миллий маданиятини ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда умумбашарий ва миллий қадриятларни тараннум этувчи фильмлар яратиш, кино санъатида давлат сиёсатини амалга ошириш, миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттириш ва бойитиш, кино соҳасида кадрлар тайёрлаш каби функциялар ташкил этади. Агентлик томонидан ушбу мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши, ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимиздаги кўплаб фильмлар жаҳон миқёсида ўтказилаётган кинофестивалларда қатнашиб, фахрланса арзигулик натижаларни қайд қилинишига сабаб бўлмоқда. Ёш актёрлар, режиссёрлар, рассомлар, драматурглар кино санъатига сезиларли даражада камтарона меҳнатлари билан ўз ҳиссаларини қўшиш учун шиддат билан кириб келмоқдалар.

“Сув ёқалаб” кинокартинаси режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан суратга олинган. Унда қишлоқ раиси образи Эркин Комилов ижросида талқин этилди. Бадиий фильмдаги воқеалар бир қишлоқ ичида

бўлиб ўтса-да, унда кўтарилган мавзу бутун халққа тегишли бўлган муаммолар ҳақида сўз юритади. Эркин Комилов қаҳрамони гарчи раисликдан бўшаган бўлса-да, одамлар тақдирига бефарқ бўла олмайди. Бировнинг дардини ўзининг дарди каби тушунади. Унга қўлидан келганича ёрдам беришга интилади. Унинг бундай ҳаракатлари баъзи бир худбин қишлоқдошлари томонидан нотўғри тушунилади. Собиқ раисга нисбатан “Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди” қабилида қарайдилар. Йирик планда, аниқ ракурсларда олинган, ҳаётий кадрлар ўзбек халқининг меҳнатсеварлигини, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини, инсонийлик тушунчаларини, оиланинг муқаддаслигини, фарзанд ва ота ўртасидаги муносабатларнинг нозик томонларини ёрқин характерларда ифодаланган.

Кино ҳам, театр ҳам – иккиламчи ижод намунаси. Чунки пьеса ва сценарий кинода ҳам, театрда ҳам биринчи омил. Драматург ва режиссёр ҳамкорлиги томоша санъат маҳсулотининг муваффақияти.

Сценарий – кино санъатининг асосидир. Бадиий асар – ижодкор фикри, орзуси, ҳаёл ва тасаввури билан суғорилган шаклда акс эттирмоқчи бўлган мавзуга муносабатидир. Ижодкор кузатган ҳаётий воқеаларга нисбатан ўз дунёқарашини, ҳаётий тажрибасини биз билан ўртоқлашар экан, акс эттириляётган воқеа-ҳодисалар орқали кишини эзгуликка етаклайди, гўзаллик сари чорлайди, фикрлашга, қилаётган ишининг натижасини ўйлаб кўришга ундайди. Драматургик жиҳатдан бақувват ва адабиёт қонун-қоидаларига асосланиб ёзилган асарлар умрбоқий, бир неча йиллардан кейин ҳам ўз ғоясига хизмат қилаверади.

Барча санъат турларининг вазифаси кишиларга келажакка ишонч, эртанги кунга умид, тирикликнинг энг азиз неъматини инсон эканлигини таъкидлаш экан, умумбашарий инсоний тушунчалар ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар сонини кўпайтириш фойдадан холи бўлмас эди.

Ёлқин Тўйчиев томонидан сураётган “Чашма” фильми ҳам бугунги кун руҳиятининг акси деб, ҳисобласак арзийди. Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат кўтарилиб бораётган бир пайтда ҳар бир санъат тури ўз спецификасидан келиб чиққан ҳолда бу мавзуларга қўл уриши табиий. Кино ижодкорлари ҳам бу йўлда пешқадамлардан бири. Фильм номи рамзий маънода олинган бўлиб, “Чашма” – табаррук булоқ суви қалбларни покловчи, ниятларни ижобат қилувчи хусусиятга эга эканлигига урғу берилади. Картинада турли характердаги кишиларни тақдири, яшаш тарзи асосий воқеа қилиб олинади, Орзубиби орқали қаҳрамонларнинг дардлари, ички кечинмалари очилади.

Орзубиби – Н.Каримбоева чет элда таълим олган, турмушга чиқаётган қиз атрофидаги кишиларнинг ташвишидан тушкунликка тушади. Кимдир турмуш чиғирикларида эзилган, кимдир муҳаббатда омади келмаган, кимдир бахт излайди, яна кимдир мансаб, мартабани яқинларининг дийдоридан устун қўяди. Йўл-йўлакай учраган кишилар ҳамма дардини Орзубибига айтишади. Нега бундай қилаётганларини билмайди. Қиз индамай эшитади. Уларга турмушга чиқаётганини айтганида, унга бахт тилаб эсдаликлар: қўғирчоқ, пул, ўйинчоқ, пичоқ ва бошқа нарсалар беришади. Берилган ҳадялар эгаларининг характеридан дарак беради. яъни кимдир ҳаётни пул билан ўлчайди, яна кимдир ҳаётни шунчаки ўйин деб билади, баъзилар ўзи бу ҳаётда ўйинчоқ эканини билдиради. Орзубиби чашмага етганида ҳадяларни сувга оқизади. Буни одамлардаги ҳаётни нима биландир ўлчашдан воз кечишга даъват, дейиш мумкин. Инсон қадри ҳамма нарсадан устун, у моддиятлар билан ўлчанмаслигини таъкидлайди.

Бундай фильмларнинг кўплиги ўзбек миллий анъана ва қадриятларини, умуминсоний туйғуларни тараннум этувчи киноларнинг сони кўпайиши билан киномухлислар маънавиятининг юксалишида, комил инсон тарбиясида ўз ҳиссасини қўшишига аминмиз.

III-боб бўйича хулоса

Эндиликда давлат фильмлари билан бир қаторда хусусий фильмлар яратиш учун ҳам кенг йўл очиб берилди. “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан қабул қилинган қарорда ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилган. “Муҳаббат синовлари”, “Севинч”, “Кўзларинг маънос”, “Мактуб”, “Чимилдиқ” каби хусусий студиялар фильмларида миллий қадриятларимизнинг гўзаллиги, миллатимизга тегишли бўлган урф-одатлар, маросимлар, ўзбек миллий қаҳрамонлари, умумий қилиб айтганда, ўзбек халқининг софдиллиги ва тантилиги ҳаммага намойиш этилди. Бу эса, мустабид тузумда унутилиб кетаётган миллий қадриятларимизни тиклашда, ўзлгимизни англашдаги асосий қадамлардан эди. Бу фильмларнинг аксариятида инсондаги энг муқадас туйғу – муҳаббат улуғланади. Хусусий киноларнинг яна бир ютуқли тарафи – бугунги кунда биров унутилиб бораётган қариндошлик ришталари, ота-бола, ака-ука, дўст-ёр, қайнона-келин ўртасидаги тушунмовчиликларнинг салбий ва ижобий томонлари ёритилишидир. Хусусий киноларнинг кўпайиши, ижодкорлар сонининг ортиши улар орасида соғлом рақобатнинг кучайиши, янги-янги ғояларга йўл очилишга сабаб бўлади.

Бироқ, афсус билан эътироф этадиган оғриқли бир нуқтамиз борки, у ҳам бўлса, хусусий киностудияларнинг маиший мавзулар билангина чегараланиб қолаётгани, “европача маданият”нинг миллий киноларимизда намоён бўлаётгани. Агентлик томонидан қайд этилган вазифалар орасида кинематография соҳасида фаолият юритаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва ижодий рақобат муҳити ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб берилган айни пайтда хусусий кино вакиллариининг мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш вақти ҳам келди, деб ўйлаймиз. Акс ҳолда хусусий кино маиший мавзулардан четга чиқолмай юраверади.

Бугунги кунда кунора киносаройларда янги кино такдимоти ҳақида эълонлар берилмоқда. Турли номда, аммо бир хил мавзудаги, жанр жиҳатидан ҳам бир-бирини такрорлаб келаётган бу кино такдимотларини тартибга солиш вақти келди. Яратилаётган фильмлар бадиий савиясининг пастлиги, томошабинга айтадиган гапининг йўқлиги, фильмларнинг ҳаваскорлик даражасида олинаётгани, уларда кўтарилаётган баъзи мавзулар ҳаётдан йироқлиги, ижродаги бачканалик, адабий тил нормаларига амал қилинмаётгани, Европа маданиятининг айрим кўринишлари миллий киноларимизда акс этаётгани, оператор ва рассомлар, либосчилар ишидаги камчиликлар, ёш актёрларнинг бир хил формада қотиб қолишлари, сарфланган харажатни қоплаб олиш учун фильмнинг кассабоплигини биринчи ўринга қўйиш каби бир қатор муаммоларга жавоб топиш вақти келди. Кино соҳасида ижод қилмоқчи бўлган ижодкор, аввало, “Мен бу касбим билан жамиятга, одамларга қандай нафим тегади? Мен қилаётган ишим билан томошабинга нима демоқчиман?” каби саволларни ўз олдига қўйиб, унга жавоб топган ҳолдагина ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шунда қилаётган ишимиздан ўзимиз ҳам, бошқалар ҳам бир олам завқ олар эди.

Зеро, санъат — кишиларга маънавий озуқа, маданий ҳордиқ, эстетик завқ, унутилмас онларни ҳадя этиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг ушбу сўзларини келтирмоқчимиз: “Энг оммавий санъат тури бўлмиш кино соҳасини оладиган бўлсак, ўз вақтида бу борада бизда ўзига хос ижодий мактаб яратилганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Шахсан мен ҳар сафар “Тоҳир ва Зухра”, “Ўтган кунлар”, “Сен етим эмассан”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмларимизни кўрганда бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қиламан. Мана шундай том маънодаги миллий асарлар нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, албатта, қувонарлидир”⁴⁰.

Кинематографияда актёр алоҳида ўрин тутади. Фильм тақдири ижрочининг иқтидори, ролларни талқин эта олиш қобилиятига боғлиқ. Зеро, томошабин биринчи навбатда актёр яратган образ, унинг кўп қирралиги, теранлиги, ҳаққонийлиги ва тўлақонлигига эътибор беради. Шунинг учун кино санъатида кўпроқ актёрнинг индивидуал хусусиятларига эътибор берилади, ижрочининг ижодий ҳамда техник тайёргарлиги, тажрибаси, шахсий хислатлари қадрланади.

Диссертацияда экранда ижрочилик маданиятини шаклланиш жараёни осон кечмагани, экран санъатининг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш,

⁴⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 85.

ўрганиш, тажриба орттириш жараёнлари ҳақида фикр юритилди. Кино санъат тури сифатида шаклланишининг биринчи босқичларида, уни мустаҳкам оёққа туриб олишида театр актёрларидан Р. Пирмухамедов, Л. Саримсоқова, А. Бакиров, С. Толипов, А. Исматов, О. Жалиловларнинг хизматлари бекиёс эканлиги, биринчи киноактёрларининг театр актёрларидан ташкил топганлиги тадқиқот марказидан ўрин олган.

Тадқиқотда ўзбек кино санъатининг шаклланишидан то бугунги кунгача ривожланиш йўллари имкон қадар ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида профессор Ж. Тешабоевнинг “Ўзбекистонда кино санъати”, “Йирик пландаги қаҳрамон: театр актёри ўзбек кинода” каби китобларидан унумли фойдаланилди. Таққослаш тариқасида республика театрларида фаолият юритаётган актёрлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Л. Элтоева ва Б. Йўлдошевлар ижоди кўриб чиқилди.

Театр актёрлари Б. Йўлдошев ва Л. Элтоева кинода ҳам самарали меҳнат қилаётган ижодкорлардан. Ҳар иккала санъаткорнинг юқорида номлари келтирилган фильмлари ижтимоийлиги, қалбга яқинлиги билан ажралиб туради. Санъаткор: актёр ёки режиссёр қайси жанрда, қандай мавзуда ишламасин, у томошабинни кулдиради, йиғлатади, ҳайратга солади. У халқдан олган нарсасини ҳеч қандай бўрттиришларсиз яна халққа етказиб беради. Фильмларни кўраётган томошабин қаҳрамонларнинг ўрнида беихтиёр ўзини тасаввур қилади. Балки шунинг учун ҳам уларнинг ижод намуналари бугунги кунга қадар ўз қадрини йўқотмай келмоқдаки, уларнинг ҳар бир қаҳрамонида инсоннинг ҳаётий фалсафаси, юрак тафти мужассам. Уларнинг муваффақиятлари театрдан олган тажрибалари десак муболаға бўлмайди.

Ҳар қандай театр актёри бир неча йил саҳанада ижод қилаётган бўлса-да, дабдурстдан камера олдида ҳаракатлана олмай қолади. Экран санъати ҳам ўзига яраша сир-синоатдан иборат, уни англаб етиш учун актёрдан бирмунча вақт талаб қилади. Ўзбекистон давлат ва санъат институтида кино ва драма,

муסיқали театр актёрлиги йўналишида таълим олаётган талабаларнинг кўпчилиги кинода суратга тушиш орзусида ўқишга келган. Бироқ улар билан театр сахнасида фаолият юритиш учун машғулотлар ўтказилади. Лекин йўналиш номи “кино” деган сўз билан бошланади. Аксарият ҳолларда институтни тамомлаган актёр камера олдида ўзини қандай тутиш кераклигини билмайди. Бу билан биз талабаларга кино ҳақида ҳеч қандай тушунча берилмайди, деган фикрдан йироқмиз. Тўрт йиллик ўқиш жараёнида, яъни учинчи курснинг 5-6 семестрида “Кино асослари” фани ўқитилади. Унда асосан кино тарихи, кино турлари, кино жанрлари, кинолар таҳлили ўргатилади. Бироқ бу фан театршуносга ҳам, санъатшуносга ҳам, оператор ва режиссёрга ҳам худди мана шу дастур асосида етказилади.

Кино санъатининг ҳар бир таълим йўналиши ўрганадиган томонлар мавжуд. Мисол учун, санъатшунос фильмнинг ютуқ ва камчиликлари билан бирга уни оммага татбиқ этиш мумкинми ёки йўқлигини таҳлил қилиши, тарғиб этиши, режиссёрлар фильм қандай суратга олинаши, унинг театрдан фарқли ўлароқ нималарга эътибор бериш кераклигини, киносценарийга қандай ёндашишини, кинорежиссёрлик таҳлилини ўрганиши, актёр эса камера олдида ўзини қандай тутиш керак, турли ракурсларда ўзини кўрсатишини ўрганиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, кино – санъатнинг кенг қамровли соҳаларини ўзида жалб қилиши билан ҳам ажралиб турар экан. Бизнингча, кино актёри театр актёридан алоҳида ўқитилса, унга камера олдида ўзини тутиши, оператор билан ишлаш, тасвирланган муҳитда ишлаш, йирик, ўрта, умумий планларда ифода воситаларидан тўғри фойдалана олиш каби бир қатор кино сирлари ўргатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизнингча, “Кино асослари” фани қаторига актёрлик санъати талабалари учун “Актёрнинг кинокамера олдида ишлаши”ни ҳам фан сифатида киритишни таклиф этар эдик. Чунки кадр нима, ракурс нима, дубль

нима, камера нима каби тушунчаларга кенгрок тўхталиб ўтиш ҳам касбий маҳоратни эгаллашда бир омил бўлар эди.

Театр ва кино актёри қайсидир жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилса-да, аммо унинг асоси битта. У ҳам бўлса – ижро. Актёри кинодами, театрдами ижод қилар экан, у халқимизнинг меҳр-муҳаббатини қозонишга, ижтимоий ҳаётини ва инсоният руҳий дунёсини акс эттиришда кенг имкониятлардан фойдаланиш, ижро маҳоратини ошириш, энг сара ижод намуналари билан халқимиз маънавий, ахлоқий тарбиясида муносиб ўрин эгаллаб қолишини хоҳлар эдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Сиёсий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилдлар. –Тошкент:
“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2000–2004.
3. “Ўзбекистон санъати” умуммуаллифлик нашри. –Тошкент: Шарқ”НМАК,
2001.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари

4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Тошкент:
Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ.–Тошкент: Шарқ”НМАК,
1998.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. –Тошкент: Ўзбекистон,
2000.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият,
2008.

Асосий адабиётлар:

9. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. –Тошкент: Бадий
адабиёт нашриёти, 1965.
10. Юрьенев Р. Чудесное окно. –Москва: Искусство, 1983.
11. Тешабаев Ж. Герой крупным планом: актери театра в узбекском кино.
–Ташкент: изд. им.Г.Гуляма, 1972.
12. Ждан В. Специфика кинообраза. –Москва: 1965
13. Акбаров Ҳ. Сехрли ёғду. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1977.
14. Тешабаев Ж. Узбекское кино: традиции, новаторство. –Ташкент: изд.
им.Г.Гуляма, 1979.
15. Магарет А. Актер и киносценарист. –Москва: 1955

16. Умаров Э. Жанр эстетикаси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
17. Хайитматова С. Становление и развитие телевизионного, художественного кино в Узбекистане. –Л.: 1987.
18. Абулқосимова Х. Кино и художественная культура Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1991.
19. Акбаров Ҳ. Кино ва телевидение оламида. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
20. Ахмедов Б. Под знаком кино. –Тошкент: Академия, 2005.
21. Абул-Касимова Х. Кино – теледраматургия. –Ташкент: Учебное пособие. ТДСИ, 2007.
22. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009.

Қўшимча адабиётлар:

23. Аристотель. Поэтика. –Москва: 1957.
24. Қодиров М. Сехр ва меҳр. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
25. Исмоилов Э.Ф. Маннон Уйғур. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
26. Ахмедов Б. Бир кун ва бир умр. –Тошкент: Академ-хизмат, 2005.
27. Шокиров Ў. Ўзбек санъаткорлари. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2010.

Даврий нашрлар:

28. Ўзбекистон санъати: анъана ва трансформация жараёнлари // Ёш санъатшуносларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2005.
29. Маҳамедов М. Устозлар изидан. –Тошкент, 2006.
30. Ўзбекистон Давлат санъат институти. Санъат таълими. Йилнома 2-4

жилдлар, 2007 – 2009.

31. Икромов Х. Давр ва театр. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009.

32. “Театр” журналы, № 6, 2007.

33. “Cinema MAGAZINE” журналы. №5-6. Июнь, 2009.

Интернет сайтлар:

34. “show-shuw.uz” интернет сайти.

35. “mashxur.uz” интернет сайти.

36. www.kino.a42.ru

37. www.kinosite.net